Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандарт-лари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-хунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастур-ларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I–IV синфлар), умумий ўрта таълим (I–IX синфлар), ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;

болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча массалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ

Тўққиз йиллик (I–IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (I–IV синфлар) камраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур:

мактабнинг I–IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;

юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

худудларнинг жўғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқравишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқравишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;

таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;

ўқувчилар касб-ҳунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

худудларнинг жўғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизидан ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалавриат мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича “бакалавр” даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура аниқмутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизидан таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

“Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интиҳосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

бакалавриат ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

олий таълим муассасаларида таркибий ўзгартишлар ўтказиш;

олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;

халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари (аспирантура, докторантура) диссертация ҳимояси билан якунланади.

Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

“Таълим тўғрисида”ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқолий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

миллий педагогик кадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шакллари такомиллаштириш, миллий турлари ва шакллари тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан

Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади:

олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши учун қуйидагилар зарур:

илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизминини рўёбга чиқариш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш;

мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш;

фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, махсус стипендиялар сонини кўпайтириш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўرғазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

3.5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг

мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шакллари танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги вазифалари қуйидагилар билан белгиланади, чунончи у:

турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантиради;

ўз ихтиёридаги моддий-техника, молия, кадр ресурслари ҳамда кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун зарур бошқа ресурсларни бериш билан узлуксиз таълим тизимига қўмаклашади;

муассис, васий, донор, ҳомий тариқасида айрим мутахассисларни ва гуруҳларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашади;

таълим ва илм-фаннинг турли шакллардаги интеграциясини (муваққат ижодий жамоалар, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари, марказлари, технопарклар, технополислар) ривожлантиради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги мавқеини кучайтириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

таълимни кархонадаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш;

таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш);

ишлаб-чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва технология муаммоларини ҳал этиш учун олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш;

педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;

ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларини таълим жараёнига ва педагогик фаолиятга жалб этиш;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим олувчиларни иш жойлари билан таъминлаш;

ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш.

4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

4.1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

Таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб олувчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий касб-хунар таълимининг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Аспирантура ва докторантура фаолияти ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устуворлиги таъминланади.

4.2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича махсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан махсус марказлар ташкил этилади.

4.3. Таълим жараёнини мазмунан ислох қилиш

Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислох қилинади. Таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Педагог кадрларнинг обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадам давлат сиёсати олиб борилади. Илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади.

4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла кўмиталари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар. (ЎЗР 09.04.2007 й. ЎРҚ-87-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

4.5. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собитқадам фаолият амалга оширилади. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқйўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

4.6. Таълим тизимини бошқариш

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгайди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакиллари ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

4.7. Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-ҳунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади. Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади. ўқув юртлари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатини ҳамда таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тadbикэтилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоат шакллари ривожлантирилади. Таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилади.

4.8. Таълим тизимини молиялаш

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли (бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаш ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредитлари бериш механизми шакллантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқеи кучайиб боради.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, табдиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқбошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши таъминланади.

4.9. Моддий-техника таъминоти

Ҳар бир минтақанинг демографик ва жўғрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларни оиладан ажралмаган ҳолда ўқишга имкон қадар кўпроқ-камраб олинади.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

4.10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади. Фан ва таълимнинг наشريёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади.

4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консултив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади.

4.12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Педагогик фаолиятнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим олувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши, соғлиги ва дам олиши учун зарур шароитлар яратилади.

Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрадилар. ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади. Таълим олувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини ошириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бобидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш учун ташкилий-услубий ёндашувлар такомиллаштирилади. Соғлиқ ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун муносиб муҳит яратилади.

4.13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиққелишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

4.14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб-қувватланади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади.

4.15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгайди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқаро миқёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвестицияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолият кучайтирилади.

5. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Миллий дастурни амалга ошириш мақсадида:

Миллий дастурнинг йўналиш ва босқичларини амалга оширишнинг аниқмеханизмлари, муддатлари, ижрочилари, молиявий ва ресурслар таъминоти ифодаланган ечим ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади;

Миллий дастурни бажариш юзасидан давлат ва жамоат институтларининг фаолияти ҳамда вазифалари белгиланади;

Миллий дастурнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнига малакали чет эл экспертлари жалб этилади;

Миллий дастурни бажаришда давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиб, халқаро ташкилотлар қатнашуви ташкил этилади;

Миллий дастурнинг мониторинги ва бажарилишини экспертиза қилиш асосида унинг айрим қоидалари ва тадбирларига тузатишлар киритилади;

оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали Миллий дастурнинг принципиал ёндашувлари ҳамда асосий қоидаларини кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилади;

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш жараёнига жамоат бирлашмалари ва марказлари, республика аҳолиси кенг табақаларининг фаол иштироки таъминланади;

оммавий ахборот воситаларида Миллий дастурнинг бажарилиши мунтазам ёритиб борилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан Республика комиссияси ташкил этилади, бу Комиссиянинг зиммасига дастурни бажаришга доир барча ишлар ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, шу жумладан қуйидаги вазифалар юкланади:

узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларига қўйиладиган умумий талабларни ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандартларини ва бошқа зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун давлат таълим стандартларини, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан иборат таълим тизимини жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

ўрта умумий таълимга эга бўлган ўқувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими билан тўла қамраб олиш тадбирларини, бу тизимни ҳудудларнинг демографик, жўғрофик хусусиятлари ва кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, унинг моддий-техника асосини яратиш;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлайдиган ўқитувчилар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш;

олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талабларига биноан ислоҳ қилиш, бу борада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим ва тарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, болалар тарбиясида ва уларни мактабга тайёрлашда оила, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотларининг масъулиятини ошириш;

таълим муассасаларини зарур дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш, бу ишга йирик олимлар, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, таълим ва илм-фан соҳасининг нашриёт базасини ривожлантириш;

профессор ва педагог кадрларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида махсус Республика жамғармаси ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимида чет тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, уларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, ўзбекча-чет тиллар луғатларини, давлат тилидаги махсус адабиётларни нашр этиш;

узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари ва педагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатига ҳақтўлаш ва рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш, кадрлар тайёрлашнинг малака талабларини аниқлаш ҳамда сифатини баҳолаш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича таълим тизими бошқарувига боғлиқбўлмаган ягона давлат хизматини ташкил этиш;

таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш;

касб-ҳунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизмати кўрсатиш ва касбий меҳнатнинг рақобатга асосланган бозорини ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Шахсининг баркамол камол топишига, ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга, ўқувчиларга меҳнатсеварликни сингдиришга, шунингдек уларнинг бўш вақтидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган мактабдан ташқари ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг фаолият кўрсатаётган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг сонини ва тузилмасини такомиллаштириш ҳамда унинг асосида ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан “Баркамол авлод” болалар марказини, шунингдек биттадан вилоят болалар марказини, Қорақалпоғистон Республикасида эса республика болалар марказини ва Тошкент шаҳрида – техник, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича учта республика болалар марказларини – улар тегишли равишда туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимликларига бўйсундирилган ҳолда – ҳаммаси бўлиб 215 та болалар марказини шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. “Баркамол авлод” туман (шаҳар) болалар марказлари, вилоят (Қорақалпоғистон Республикасида республика маркази) ва Тошкент шаҳар болалар марказларининг, шунингдек учта “Баркамол авлод” республика болалар марказларининг намунавий тузилмалари 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

3. Қуйидагилар “Баркамол авлод” болалар марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг фойдали дам олишини ташкил этиш;

меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ техник воситалар ва компьютер технологиялари ишини ўрганишни ташкил этган ҳолда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш;

болалар томонидан жонажон ўлка тарихи, археологик ва маданий мерос чуқур ўрганилиши, мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгаллаб олиш;

мактабдан ташқари таълим тизимига илғор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари кенг жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда “Баркамол авлод” марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 13 октябрдаги Ф-3509-сон фармойиши билан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган, қуйидагиларни ўз ичига оладиган 2011–2014 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларини шакллантириш дастури тасдиқлансин:

2011–2014 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларини шакллантириш ва уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар 4-иловага мувофиқ;

2011–2014 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларини мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрлари 5-иловага мувофиқ.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

белгиланган жадвалга мувофиқ муддатларда умумтаълим мактаблари биноларининг алоҳида ўқув блокларида 78 та “Баркамол авлод” болалар маркази очилишини таъминласинлар, алоҳида кириш жойи мавжуд бўлишини ҳамда турттадан олтитагача тўғарак хоналарини ўқув жараёнига зарар етказмасдан зарур асбоб-ускуналар ва инвентарь билан тўлиқ жиҳозлашни назарда тутсинлар;

тўғарак машғулотларини ўтказишга асосан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари 0,5 ставка бўйича ҳисоб-китобдан келиб чиқиб контракт асосида жалб этилишини ташкил этсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг бўшаб қоладиган ходимларини ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Белгилансинки, умумтаълим мактаблари биноларининг алоҳида ўқув блокларида ташкил этиладиган “Баркамол авлод” болалар марказларида электр энергиясини ҳисобга олишнинг алоҳида приборлари ўрнатилади, қолган коммунал харажатлар эса улар томонидан умумтаълим мактабларига молия органлари билан келишув бўйича қопланади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

“Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмирлаш, шунингдек уларни жиҳозлаш бўйича буюртмачи функцияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматига юкланади;

Дастурни амалга ошириш доирасида “Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш маҳаллий бюджетлар параметрларида кам самарали мактабдан ташқари таълим муассасаларини тўғатиш ҳисобига бўшаб қоладиган мактабдан ташқари таълим муассасаларини молиялаштиришга назарда тутилган маблағлар ва ходимлар сонини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда:

“Баркамол авлод” болалар марказлари ташкил этиладиган бинолар ва иншоотларни мукаммал таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилишини, таъмирлаш ишларини тўлиқ тугаллаш ва объектларни белгиланган муддатларда топшириш шартлари билан танлов (тендер) совдolari ўтказилишини таъминласинлар;

буюртмачи билан пудратчилар ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ таъмирлаш ишлари амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент ҳокимликларининг “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганлик учун вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ва республиканинг бошқа туманлари (шаҳарларида) 5 фоиз миқдорида ота-она тўлови жорий этилиши, тушган маблағлар тўғарак ишлари учун зарур бўлган материаллар ва хом ашё сотиб олишга миақсадли йўналтирилиши ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-она тўловини ундириш ва ундan фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.


9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

И. Каримов
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2011 йил 28 феврал,
№ 50-сон.

**“Баркамол авлод” туман (шаҳар) болалар марказларининг
НАМУНАВИЙ ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**




Ходимларнинг чекланган сони – 5–10 нафар.

Шу жумладан бошқарув ходимлари – 3 нафар.

*Тўғарак раҳбарларининг сони тўғарак машғулоти ҳажмига қараб белгиланади.

**Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони норматив бўйича белгиланади.

**“Баркамол авлод” вилоят, Қорақалпоғистон Республикасида республика ва
Тошкент шаҳар болалар марказларининг
НАМУНАВИЙ ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган сони – 12–13 нафар.

Шу жумладан бошқарув ходимлари – 5 нафар.

*Тўғарақ раҳбарларининг сони тўғарақ машғулоти ҳажмига қараб белгиланади.

**Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони норматив бўйича белгиланади.

**Уч йўналиш – техник ижодкорлик, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича
“Баркамол авлод” Республика болалар марказларининг
НАМУНАВИЙ ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган сони – 28 нафар.

Шу жумладан бошқарув ходимлари – 6 нафар.

*Тўғарак раҳбарларининг сони тўғарак машғулотлари ҳажмига қараб белгиланади.

**Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони норматив бўйича белгиланади.

**2011–2014-йилларда “Баркамол авлод” республика болалар
марказларини ташкил этиш**

№	Тадбирлар	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
1	“Баркамол авлод” болалар марказларини шакллантириш учун 215 та мактабдан ташқари муассасани аниқлаш, шу жумладан 137 таси фаолият кўрсатган муассасалардан ва 78 таси умумтаълим мактабларининг баноларидан фойдаланилган ҳолда ҳамда уларнинг тузилмаларини “Баркамол авлод” болалар марказларининг намунавий тузилмаларига мувофиқлаштириш.	2011 йил 10 мартгача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги
2	Фаолият кўрсатувчи республика мактабдан ташқари таълим муассасалари негизида техник, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича 3 та республика “Баркамол авлод” болалар марказларини шакллантириш.	2011 йил сентябр	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги
3	“Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2011 йил 1 чорак	Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ Маркахий кенгаши
4	Мактабдан ташқари таълим учун давлат талабларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2011 йил 1 чорак	Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
5	“Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий Уставини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2011 йил 1 чорак	Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
6	Болалар “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2011 йил март	Молия вазирлиги

7	“Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги аниқ йўналтирилган дастурларини шакллантириш ва тасдиқлаш.	Белгиланган муддатларда ҳар йили	Қоарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги
8	“Баркамол авлод” болалар марказлари объектларида мукаммал таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва танлов (тендер) савдолариўтказиш.	Йиллик аниқ йўналтирилган дастурлар тасдиқлангандан кейин икки ой муддатда	Қоарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
9	“Баркамол авлод” болалар марказларида тўғарак ишининг ҳар бир тури бўйича янги, замонавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2011 йил сентябр	Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Бадий академия, Республика “Хунарманд” бирлашмаси, “Камолот” ЁИХ Маркахий кенгаши
10	“Баркамол авлод” болалар маркази фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тўғаракларда машғулотлар олиб бориш учун умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларини ўриндошлик бўйича контракт асосида жалб этиш.	2011 йилдан бошлаб	Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
11	“Баркамол авлод” Республика ва вилоят марказларида семинарлар ва қисқача муддатли тренинг-курслар ташкил этиш йўли билан ҳам “Баркамол авлод” болалар марказларининг, ҳам умумтаълим мактабларининг методистлари ва раҳбарлари малакасини ошириш дастурини тасдиқлаш.	Ҳар йили 1 февралгача	Қоарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бадий академия, Республика “Хунарманд” бирлашмаси
12	Дастур доирасида бажариладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ва Интернет термоғида мунтазам ёритиш, “Баркамол авлод” болалар марказлари қатнашчиларининг ютуқлари ва муваффақиятлари тўғрисидаги материалларни эълон қилиш.	Доимо	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги

2011–2014 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрлари

Объектлар сони

	Минтақалар	Ҳаммаси	шу жумладан йиллар бўйича:			
			2011	2012	2013	2014
	Республика бўйича ҳаммаси	215	30	51	64	70
1	Қорақалпоғистон Республикаси	17	2	4	5	6
2	Андижон вилояти	18	3	4	6	5
3	Бухоро вилояти	14	2	3	4	5
4	Жиззах вилояти	14	1	4	4	5
5	Қашқадарё вилояти	15	3	3	4	5
6	Навоий вилояти	11	2	3	3	3
7	Наманган вилояти	13	3	4	3	3
8	Самарқанд вилояти*	17	3	4	4	6
9	Сурхондарё вилояти	16	1	3	6	6
10	Сирдарё вилояти	12	1	3	4	4
11	Тошкент вилояти	21	3	6	5	7
12	Фарғона вилояти*	19	3	4	6	6
13	Хоразм вилояти	13	1	4	4	4
14	Тошкент шаҳри	12	2	2	4	4
15	Республика муассасалари	3	0	0	2	1

Изоҳ:

*Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги 20-мактаб ва Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги 2-мактаб Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига 2011 йилнинг мукаммал таъмирлаш дастурига киритилган. “Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмирлаш бўйича ишлар ҳажми биноларнинг техник ҳолати бўйича нуқсонли далолатномалар асосила белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 28 февралдаги 50-сон қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й, 2-сон, 5-модда) билан тасдиқданган Мактабдан ташқари муассаса тўғрисида низомнинг 2-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятининг хусусиятлари Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорида белгаланганини асос қилиб қўйилсин”.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

**Тошкент шаҳри,
2011 йил 11 май,
№ 130-сон.**

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига асосан “Баркамол авлод” болалар марказлари (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, ушбу Низомга ҳамда ўз уставига амал қилади.

3. Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, банк ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, юридик манзили кўрсатилган штампга ва бланкаларга эга бўлади.

4. Марказ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган “Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий устави асосида ўз уставини ишлаб чиқади. Устав муассис томонидан тасдиқланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тегишли Марказнинг муассислари ҳисобланади.

6. Марказларнинг умумий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Республика миқёсидаги Марказлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфида, Қорақалпоғистон Республикаси Маркази Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфида, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Марказлари тегишли халқ таълими бошқармалари тасарруфида ҳамда туман (шаҳар) Марказлари тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тасарруфида фаолият юритади.

7. Марказ Ўзбекистон Республикасида жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган давлат мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади, ўқувчиларга қўшимча таълим-тарбия беришга мўлжалланган.

II. Марказнинг асосий вазифалари

8. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг фойдали дам олишини ташкил этиш;

меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ техник воситалар ва компьютер технологиялари ишини ўрганишни ташкил этган ҳолда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш;

болалар томонидан жонажон ўлка тарихи, археологик ва маданий мерос чуқур ўрганилиши, мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгаллаб олиш;

мактабдан ташқари таълим тизимида илғор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари кенг жорий этиш.

III. Марказ фаолиятини ташкил этиш

9. Марказ кўп тармоқли бўлиб, фаолият юритадиган ҳудудининг хусусияти, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга қаратилган техник, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларини ўз ичига олган ҳолда фаолият кўрсатади.

Марказ 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга уларнинг ҳар томонлама камол топишлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кенг имкониятлар яратади.

Марказ муассис томонидан давлат муассасаси сифатидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан рўйхатдан ўтказилади.

10. Марказ алоҳида бинода ёки умумтаълим мактаблари биноларининг алоҳида ўқув блокларида алоҳида кириш жойи билан таъминланган ва мактабдаги ўқиш жараёнига халақит бермайдиган ҳолда ташкил қилинади ҳамда мустақил равишда фаолият кўрсатади.

Умумтаълим мактаблари биноларининг алоҳида ўқув блокларида ташкил қилинган Марказларда электр энергиясини ҳисобга олишнинг алоҳида приборлари ўрнатилади ва электр энергияси учун тўловлар электр таъминоти ташкилоти билан белгиланган тартибда тузилган шартнома бўйича амалга оширилади. Қолган коммунал харажатлар эса Марказлар эгаллаб турган бинонинг майдони ва ҳажмидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларига молия органлари билан келишув бўйича қопланади.

Шунингдек, Марказ тасарруфида сайёҳлик базалари ва ўқув тажриба-синов майдончалари ҳам ташкил этилиши мумкин.

Марказ тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларни амалга оширади.

11. Марказда техник, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларидаги тўғараклар ташкил этилади.

Тўғараклар ўз фаолиятини ўқув дастурлари асосида амалга оширади. Ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика таълим маркази қошидаги тегишли илмий-методик кенгашда тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан амалиётга тадбиқ этилади.

12. Марказда ташкил этиладиган тўғарак машғулотилари мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мувофиқ биринчи, иккинчи ва кейинги ўқув йилларида тегишли ўқув дастурлари асосида, хусусан, техник, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича гуруҳларга бўлиб ўтказилади.

Тўғарак машғулотилари ўқув дастурлари талабларига кўра бутун ўқув йили учун ҳамда қисқароқ муддатларга ҳам ташкил этилади.

Тўғарак машғулотилари ўқув йилининг 15 сентябридан бошланиб 25 майда якунланади. Ёзги таътил кунлари учун алоҳида мавсумий режалар тузилади.

Марказнинг тўғарак машғулотилари жадвали тўғарак аъзолари учун қулай тартибда, уларнинг ёши, психофизиологик хусусиятлари ва санитария-гигиена нормалари инобатга олинган ҳолда педагогик ходимларнинг тақдимномасига кўра маъмурият томонидан тузилади ва тасдиқланади.

13. Марказда тўғарак машғулотиларининг ташкил этилиши учун ҳафтада 6 академик соат ажратилади. 6 ёшли болалар учун олиб бориладиган тўғарак машғулотилари вақти 35 дақиқа этиб белгиланади ва у ҳафтада 2 академик соатдан ошмаслиги лозим.

Марказда ҳар бир гуруҳдаги тўғарак аъзоларининг сони биринчи ўқув йилида 10 нафардан, иккинчи ва ундан кейинги ўқув йилларида эса 8 нафардан кам бўлмаслиги лозим.

Тўғараклар ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, махсус ўқув дастурлари асосида биринчи ва иккинчи ўқув йилларидан кейинги ўқув йиллари учун ҳам ташкил этилиши мумкин. Махсус ўқув дастурлари ҳам 11-бандда белгиланган тартибда тасдиқланиши зарур.

14. Марказ таътил пайтларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, дам олишларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида муассасалар ва маҳаллаларда (овуларда) ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорликда турли йўналишдаги оммавий тадбирларни ташкил этиши мумкин.

15. Марказ томонидан ўқувчиларга қўшимча таълим олганлиги тўғрисида ушбу Низомга илова қилинган намунадаги шаклда гувоҳнома берилади.

16. Марказ тегишли халқ таълими органлари билан келишган ҳолда ўз йўналишлари бўйича умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган тўғараклар фаолиятига амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

17. Марказ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари билан ҳамкорликда ходимларнинг малакасини оширишни таъминлайди, илғор тажрибалар асосида тўғарак ўқув дастурларини тузиш ва такомиллаштиришга оид ишларни олиб боради.

Марказ ўқув йили натижалари бўйича тўғарак аъзолари билим, кўникма ва малакаларининг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини сўровномалар, семинарлар, кўрик-танловлар, мусобақалар, тестлар ва бошқа шаклларда мунтазам назорат қилиб боради.

Марказ ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, ижодий уюшмалар, жамғармалар, бошқа ташкилотлар, маҳаллалар (овуллар), ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан узвий ҳамкорликда иш олиб боради.

IV. Таълим жараёни иштирокчилари

18. Тўғарак аъзолари, ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва педагог ходимлар Марказ таълим жараёнининг иштирокчилари ҳисобланади.

19. Тўғарак аъзоларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Марказда ихтиёрий равишда мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида таълим олиш;

қизиқишларига кўра тўғарак турини ва (мавжуд ҳолларда) таълим бериш тилини танлаш;

бир неча тўғаракларда қатнашиш, йил давомида қизиқиш ва истакларига қараб (бўш ўринлар мавжуд бўлса) бошқа тўғаракларга ўтиш;

инсоний кадр-қимматининг ҳурмат қилиниши, виждон эркинлиги, ахборот эркинлиги, ўз қарашлари ва эътиқодини ифодалаш;

Марказнинг жамоатчилик органларини сайлаш ва уларга сайланиш;

Марказнинг иш фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар киритиш.

20. Тўғарак аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

Марказнинг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва уни асраб-авайлаш;

Марказ Устави ва ички тартиб-қоидаларига, ахлоқий ва маънавий нормаларга риоя қилиш.

21. Ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фарзандлари учун тўғарак турини ва (мавжуд ҳолларда) таълим бериш тилини танлаш;

Марказ маъмуриятидан мазкур муассаса Уставига мувофиқ зарур шарт-шароитларни яратишни талаб қилиш;

бола шахсига ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

Марказни жамоатчилик асосида бошқаришда иштирок этиш.

22. Ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) мажбуриятлари:

фарзандининг жисмоний ва руҳий соғлом бўлиши учун ғамхўрлик қилиш;

боланинг кадр-қимматига ҳурмат билан қараш, уни меҳнатсеварлик, эзгулик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

фарзандида қонунларга итоаткорлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат туйғусини тарбиялаш;

фарзандига тўғарак машғулотларида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ота-она тўловларини белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаб бориш.

23. Марказнинг педагог ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз касбий шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;

Марказни бошқаришда иштирок этиш;

Марказ маъмуриятига тўғараклар фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

касб фаолияти учун шароитлар билан таъминланиш, малакасини ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш, таълим шакли, услуби ва воситаларини танлашда ташаббус кўрсатиш.

24. Марказнинг педагог ходимлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув қўлланмалари ва дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

педагог ахлоқ-одобига қатъий риоя қилиш;

ўқув-тарбиявий ишларни юқори савияда олиб бориш, таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқитиш воситаларини яратишда фаол қатнашиш;

боланинг кадр-қимматида ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларда меҳнат-севарлик, эзгулик, меҳр-шафқат каби фазилатларни шакллантириш, она Ватанига садоқат, давлат тилига, миллий ва умуминсоний, тарихий ва маданий қадриятларга, ота-онага ва ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёт-корлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устида мунтазам ишлаш;

ўқув-тарбиявий ва услубий ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

V. Марказда педагогик фаолият билан шуғулланиш

25. Тегишли педагогик маълумот ҳамда касбий тайёргарликка, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахслар Марказда педагогик фаолият билан шуғулланишга ҳақли.

Шунингдек, зарур ҳолларда, тегишли педагогик маълумотга эга бўлмаган, аммо касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга ҳамда “Уста”, техник ва сайёҳлик соҳаси бўйича “Спорт устаси” ёки “Спорт усталигига номзод” мақомига эга бўлган шахслар ҳам Марказда педагогик фаолият билан шуғулланишга жалб қилиниши мумкин.

26. Марказда тўғарак машғулотларини ўтказишга асосан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари 0,5 ставка бўйича ҳисоб-китобдан келиб чиқиб контракт асосида жалб этилади.

27. Суд ҳукми билан ёки тиббий ҳулосага кўра педагогик фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг Марказда ушбу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Марказ педагог ходимларининг фаолияти ўқувчилар шахсини, уларнинг маданий савиясини, фаоллигини, мустақиллигини, масъулиятлилигини, онгли, интизомли, уюшқоқ ва тартибли бўлишини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

28. Марказ тўғарак раҳбарларининг ҳафталик иш юкламаси 18 соатни ташкил этади.

VI. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

29. Марказ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказ ходимлари ва тўғарак аъзоларидан муассасанинг Устави ва ички тартиб қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

тўғарак машғулотларини ўтказишни такомиллаштириш ва таълим жараёнини методик таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

молиялаштиришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган турли манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш.

30. Марказнинг мажбуриятлари:

халқ таълими органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, кўрсатмаларини бажариш;

ўз Уставида назарда тутилган вазифаларни ижро этиш;

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари, ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув қўлланмалари ва дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълимга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, назарда тутилаётган тўғарак аъзолари контингентини аниқлаш;

ўқув режасини тегишли халқ таълими органлари билан келишиш;

таълим-тарбия жараёнини ўрнатилган тартибда санитария-гигиена нормаларига ва хавфсизлик қоидаларига мувофиқ ташкил этиш;

Марказнинг моддий-техник таъминоти ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш;

тўғаракларни ташкил этишда тўғарак аъзоларининг ёши, руҳий-физиологик ҳолати, лаёқати ва қизиқишларини инобатга олиш.

VII. Марказни бошқариш

31. Марказга ўрнатилган тартибда муассис томонидан тайинладиган директор раҳбарлик қилади.

32. Педагогик кенгаш Марказда ўзини-ўзи бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Марказнинг педагогик жамоаси тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан Педагогик кенгаш таркибини сайлайди, уларнинг ваколатлари ва муддатини белгилайди.

Педагогик кенгаш йиғилиши Марказ фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, унинг фаолияти сифат ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Педагогик кенгаш йиғилиши йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

33. Ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш, педагогик ходимларнинг касб маҳоратларини ва ижодий ўсишларини кучайтириш мақсадида марказда педагогик ходимларни бирлаштирувчи жамоавий орган – услубий кенгаш тузилади.

Услубий кенгаш раиси педагогик ходимлар жамоаси томонидан сайланади.

Услубий кенгаш ўқув режалари, дастурлари, ўқув қўлланмаларини янги педагогик технологиялар асосида жорий этиш йўллариини муҳокама қилади, педагогик ходимларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ишларини ташкил қилиш юзасидан қарорлар қабул қилади.

VIII. Марказнинг мол-мулки ва пул маблағлари

34. Муассис ёки ваколатли давлат органи Марказга мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бириктиради.

Марказ ўзига бириктирилган мол-мулкни ва харажатлар сметаси бўйича ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

Марказ фаолияти давлат бюджети ва бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Қуйидагилар марказнинг мол-мулкни ва молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар;

ота-оналар тўловлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

35. Марказ аҳолига, турли ташкилотларга пуллик таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатишга, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган, муассасанинг асосий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган бошқа тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли.

Қуйидагилар Марказ маблағларининг қўшимча манбалари ҳисобланади:

ўқувчилар ва педагог ходимлар томонидан ўқув жараёнида тайёрланган буюм ва маҳсулотларни белгиланган тартибда сотишдан тушган маблағлар;

асосий машғулотлардан ташқари пайтда, таълим-тарбия жараёнига таъсир этмаган ҳолда, бўш турган бино ва иншоотлар, ўқув жиҳози ва асбоб-ускуналарини белгиланган тартибда ижарага беришдан тушган маблағлар;

эскирган ва яроқсиз ҳолга келган ускуналарни белгиланган тартибда рўйхатдан чиқариш орқали тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

бошқа тушумлар.

36. Педагог ходимларни мукофотлаш белгиланган тартибга кўра амалга оширилади.

37. Марказнинг моддий-техника базаси ерларни, биноларни, кутубхоналарни, спорт залларини, коммуникация, машина ва ускуналарни, транспорт воситаларини ҳамда таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиладиган бошқа анжомларни ўз ичига олади.

IX. Халқаро ҳамкорликда қатнашиш

38. Марказ қонунчиликда белгиланган тартибда мактабдан ташқари таълим бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин.

X. Якуний қоидалар

39. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.

“Баркамол авлод” болалар марказлари
тўғрисида Низомга илова

**Ўзбекистон Республикаси
герби**

**O`zbekiston Respublikasi
«Barkamol avlod» bolalar markazida
maktabdan tashqari ta'lim haqida**

**G U V O H N O M A
MT № _____**

(o`quvchining familiyasi, ismi, sharifi)

(Respublika, viloyat, tuman, shahar nomi)

«Barkamol avlod» bolalar markazida

20____ yil _____ dan – 20____ yil _____ gacha
(kun) (oy) (kun) (oy)

(to`garak nomi)

to`garagida maktabdan tashqari ta'limga qo`yilgan davlat talablari asosida ta'lim oldi.

Muhr o`rni Markaz direktori _____
(imzo) (familiyasi, ismi)

Sana: _____ Qayd raqami: _____

Гувоҳнома тавсифи

**“Баркамол авлод” болалар марказида
мактабдан ташқари таълим ҳақида давлат намунасидаги
ГУВОҲНОМА**

“Баркамол авлод” болалар марказида мактабдан ташқари таълим ҳақидаги гувоҳнома А4 форматли қалин оқ қоғозда тўрт хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун – қора рангда, расмлар тасвири учун – яшил, кўк, қизил рангларда чиқарилади.

Варақнинг юқори қисмидан 20 мм чекинган ҳолда диаметри 46 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлаштирилади. Варақнинг икки ён тарафидан 15 мм ва қуйи қисмидан 15 мм чекинган тасманинг эни 6 мм ни ташкил этади.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида "O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «Barkamol avlod» bolalar markazida maktabdan tashqari ta'lim haqida GUVOHNOMA” сўзлари босилади. Гувоҳномага икки лотин ҳарфи – МТ ва тартиб рақами қўйилади.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА – ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга, ўқувчиларга меҳнатсеварликни сингдиришга, шунингдек уларнинг бўш вақтдан оқилона фойдаланишига йўналтирилган мактабдан ташқари ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Й У Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари сони ва тузилмасини мувофиқлаштириш бўйича вазирлик ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳининг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Молия вазирликлари ҳудудий бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли ташкилотлари билан биргаликда бугунги кунда фаолият кўрсатаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари сони ва тузилмасини мувофиқлаштириш;

Республика бўйича жами 215 та “Баркамол авлод” болалар марказларини ҳар бир туман (шаҳар)да биттадан “Баркамол авлод” болалар марказини, шунингдек ҳудудда биттадан вилоят болалар марказини ва Тошкент шаҳрида – техник, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича учта республика болалар марказларини – улар тегишли равишда туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимликларига бўйсундирилган ҳолда шакллантиришда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Бугунги кунда самарасиз фаолият юритаётган мактабдан ташқари таълим муассасаларини тугатишни тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда белгиланган тартибда амалга ошириш;

фаолияти тугатиладиган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг мавжуд моддий-техника базасини инвентаризациядан ўтказиш;

инвентаризация натижаларига кўра яроқлилиги аниқланган инвентарларни эҳтиёжи мавжуд таълим муассасаларига ўрнатилган тартибда ўтказилишини таъминлаш;

жойлардаги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари билан биргаликда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг бўшаб қоладиган ходимларини ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўриш;

фаолияти тугатиладиган мактабдан ташқари таълим муассасалари объектларини топширишни тегишли идоралар билан ҳамкорликда белгиланган тартибда амалга ошириш;

дастурни амалга ошириш даврида “Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмир қилиш даврида ўқув жараёнини бошқа биноларда вақтинча ташкил этишнинг аниқ графигини ишлаб чиқиш;

дастурни амалга ошириш доирасида “Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш маҳаллий бюджетлар параметрларида самарасиз фаолият юритаётган мактабдан ташқари таълим муассасаларини тугатиш ҳисобига бўшаб қоладиган мактабдан ташқари таълим муассасаларини молиялаштиришга назарда тутилган маблағлар ва ходимлар сонини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилишини кўзда тутиш;

дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз муддатларида самарали ва сифатли бажарилишини таъминлаш.

4. “Баркамол авлод” туман (шаҳар) болалар марказлари, вилоят (Қорақалпоғистон Республикасида республика маркази) ва Тошкент шаҳар болалар марказларининг, шунингдек учта “Баркамол авлод” республика болалар марказлари 2-, 3- ва 4-иловаларда келтирилган намунавий штат тузилмаларига мувофиқ ташкил этилсин.

5. Вазир ўринбосари (А. Холбеков), Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х. Даминов) ва Ҳукукий масалалар бўйича маслаҳатчи (У. Эрназаров)ларга “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Дастур ижросини таъминлаш бўйича 2011–2014 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларини шакллантириш ва уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга қаратилган Халқ таълими вазирлигининг чора-тадбирлар режаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2011–2014 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларни мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг тасдиқланган асосий параметрлари 6-иловага мувофиқ амалга оширилсин.

7. Вазир ўринбосари (О. Собиров), Таълим муассасаларини моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Н. Муротов)га:

маҳаллий хокимликлар билан биргаликда “Баркамол авлод” болалар марказларини 2011–2014 йилларда мукаммал таъмирлаш учун зарур маблағларни, зарур асбоб-ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш ишларини молиялаштириш ҳажмларини белгилаган ҳолда мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги аниқ манзилли дастурларини шакллантириш;

“Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмирлаш даврида машғулот жараёнини бошқа яқин атрофдаги ижтимоий соҳа объектларига вақтинчалик кучириш бўйича аниқ жадваллар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан “Баркамол авлод” болалар марказлари ташкил этиладиган бинолар ва иншоотларни мукамал таъмирлаш ишларини олиб бориш мониторингини юритиш вазифалари юклатилсин.

“Баркамол авлод” болалар марказларининг мукамал таъмирлаш, шунингдек уларни жиҳзлаш бўйича буюртмачи функцияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматига юкланганлиги инобатга олинсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда умумтаълим мактаблари биноларининг алоҳида ўқув блокларида 78 та “Баркамол авлод” болалар маркази ташкил этилишини белгиланган муддатларда таъминлаш;

алоҳида кириш жойи мавжуд бўлишини ҳамда тўрттадан олтитагача тўғарак хоналарини ўқув жараёнига зарар етказмасдан зарур асбоб-ускуналар ва инвентарь билан тўлиқ жиҳозланишини қатъий назоратга олиш;

тўғарак машғулотларини ўтказишга асосан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларини 0,5 ставка бўйича контракт асосида жалб этиш;

умумтаълим мактаблари биноларининг алоҳида ўқув биноларида ташкил этиладиган “Баркамол авлод” болалар марказларида электр энергиясини ҳисобга олишнинг алоҳида приборлари ўрнатилиши, қолган коммунал харажатларни эса улар томонидан умумтаълим мактабларига молия органлари билан келишув бўйича қопланишини амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

9. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи (У. Дауланов) ҳамда Маънавий-ахлоқий тарбия (Х. Даминов) бошқармаларига:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда “Баркамол авлод” болалар марказларида таълим оладиган болалар учун ота-она тўловини ўндириш ва ундан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

“Баркамол авлод” болалар марказларида таълим оладиган болалар учун вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ва республиканинг бошқа туман (шаҳар)ларда 5 фоизи миқдорида ота-она тўловини жорий этиш, тушган маблағлар тўғарак ишлари учун зарур бўлган материаллар ва хом ашё сотиб олишга ҳамда тўғарак раҳбарларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтиришни назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

10. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Данияров зиммасига юклатилсин.

А. Марахимов
Халқ таълими вазири

Тошкент шаҳри,
2011 йил 5 март,
№ 39-сон.

**Фаолият кўрсатаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари сони
ва тузилмасини мувофиқлаштириш бўйича вазирлик ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

1. А. Холбеков - Вазир ўринбосари, Раис
2. О. Собиров - Вазир ўринбосари, Раис ўринбосари
3. Л. Эшмурзаева - Мактабдан ташқари таълим шуъбаси мудири, котиб

АЪЗОЛАРИ

4. Х. Даминов - Маънавий-ахлокий тарбия бошқармаси бошлиғи
5. У. Дауланов - Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи
6. Н. Муротов - Таълим муассасаларини моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи
7. Б. Шамсиев - Кадрлар бошқармаси бошлиғи
8. У. Эраназаров - Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи
9. Ф. Ахмедов - Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи
10. М. Юлдашев - Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи
11. Лавозими бўйича - Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари

**“Баркамол авлод” туман (шаҳар) болалар марказларининг
НАМУНАВИЙ ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**




Ходимларнинг чекланган сони – 5–10 нафар.

Шу жумладан бошқарув ходимлари – 3 нафар.

**Тўғарақ раҳбарларининг сони тўғарақ машғулотлари ҳажмига қараб белгиланади.*

***Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони норматив бўйича белгиланади.*

**“Баркамол авлод” вилоят, Қорақалпоғистон Республикасида республика ва
Тошкент шаҳар болалар марказларининг
НАМУНАВИЙ ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**




Ходимларнинг чекланган сони – 12–13 нафар.

Шу жумладан бошқарув ходимлари – 5 нафар.

*Тўғарак раҳбарларининг сони тўғарак машғулотлари ҳажмига қараб белгиланади.

**Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони норматив бўйича белгиланади.

**Уч йўналиш – техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича
“Баркамол авлод” республика болалар марказларининг
НАМУНАВИЙ ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган сони – 28 нафар.

Шу жумладан бошқарув ходимлари – 6 нафар.

*Тўғарак раҳбарларининг сони тўғарак машғулоти ҳажмига қараб белгиланади.

**Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони норматив бўйича белгиланади.

2011–2014-йилларда “Баркамол авлод” республика болалар марказларини шакллантириш ва моддий-техника базасини ривожлантиришга қаратилган Халқ таълими вазирлигининг чора-тадбирлари режаси

№	Тадбирлар	Муддати	Масъул бажарувчилар
1	“Баркамол авлод” болалар марказларини шакллантириш учун 215 та мактабдан ташқари муассасани аниқлаш, шу жумладан 137 таси фаолият кўрсатган муассасалардан ва 78 таси умумтаълим мактабларининг баноларидан фойдаланилган ҳолда ҳамда уларнинг тузилмаларини “Баркамол авлод” болалар марказларининг намунавий тузилмаларига мувофиқлаштириш.	2011 йил 10 мартгача	Н. Муротов, Ҳ. Даминов, Ҳ. Дауланов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, Молия вазирлиги билан ҳамкорликда
2	Фаолият кўрсатувчи республика мактабдан ташқари таълим муассасалари негизида техник, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича 3 та республика “Баркамол авлод” болалар марказларини шакллантириш.	2011 йил сентябр	Ҳ. Даминов, Ҳ. Дауланов, Тошкент шаҳар ҳоким- лиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан ҳамкорликда
3	“Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2011 йил 1 чорак	Ҳ. Даминов, У. Эрназаров, Л. Ешмурзаева, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, “Камолот” ЁИХ Маркахий кенгаши билан ҳамкорликда
4	Мактабдан ташқари таълим учун давлат талабларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2011 йил 1 чорак	Ҳ. Даминов, У. Эрназаров, Л. Ешмурзаева, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан ҳамкорликда
5	“Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий Уставини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2011 йил 1 чорак	Ҳ. Даминов, У. Эрназаров, Л. Ешмурзаева, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда
6	Болалар “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2011 йил март	Ҳ. Даминов, У. Эрназаров, Л. Ешмурзаева, Молия вазирлиги билан ҳамкорликда
7	“Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги аниқ йўналтирилган манзилли дастурларини шакллантирилиши ва тасдиқланишини ташкил этиш.	2011 йил март ва 2011– 2014 йй. Июл- август	Н. Муратов, Р. Акрамов, Қорақалпоғистон Респуб- ликаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Халқ таълими бошқармалари, Иқтисодиёт, Молия бошқармалари билан ҳамкорликда

8	Худудий ҳокимликлар билан келишган ҳолда “Баркамол авлод” болалар марказларини мукамал таъмирлаш даврида машғулотлар жараёнини бошқа биноларда вақтинчалик ташкил қилишнинг аниқ графигини ишлаб чиқиш.	2011–2014 йиллар IV чорак	Н. Муратов, Р. Акрамов, Қоарақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Халқ таълими бошқармалари, Иқтисодиёт, Молия бошқармалари билан ҳамкорликда
9	Худудий ҳокимликлар қошидаги ягона буюртмачи ва инжиниринг хизмати компаниялари томонидан “Баркамол авлод” болалар марказлари объектларида амалга оширилган мукамал таъмирлаш ишларини назорат қилиш.	Доимо	Н. Муратов, Р. Акрамов, Ҳ. Даминов, Қоарақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан ҳамкорликда
10	“Баркамол авлод” болалар марказларида тўғарак ишининг ҳар бир тури бўйича янги, замонавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2011 йил сентябр	Ҳ. Даминов, И. Зокиров, Л. Ешмурзаева, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Бадиий академия, Халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари “Хунарманд” уюшмаси, “Камолот” ЁИХ Маркахий кенгаши билан ҳамкорликда
11	Жойлардаги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари билан биргаликда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг бўшаб қолган ходимларини ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўриш.	Белгилан-ган муддатлар-да	Б. Шамсиев, Қоарақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ
12	“Баркамол авлод” болалар маркази фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тўғаракларда машғулотлар олиб бориш учун умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларини ўриндошлик бўйича контракт асосида жалб этиш.	2011 йил-дан бошлаб	Ҳ. Даминов, Х. Дауланов, Б. Шамсиев, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда
13	“Баркамол авлод” Республика ва вилоят марказларида семинарлар ва қисқача муддатли тренинг курслар ташкил этиш орқали “Баркамол авлод” болалар марказлари ҳамда умумтаълим мактаблари методистлари ва раҳбарлари малакасини ошириш дастурини тасдиқлаш.	Ҳар йили 1 февралга-ча	Ш. Усанов, Б. Шамсиев, М. Алиев, И. Зокиров, Ҳ. Даминов, Қоарақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бадиий академия, “Хунарманд” уюшмаси
13	Дастур доирасида бажариладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ва Интернет термоғида мунтазам ёритиш, “Баркамол авлод” болалар марказлари катнашчиларининг ютуқлари ва муваффақиятлари тўғрисидаги материалларни эълон қилиш.	Доимо	Ж. Мусаев, Ҳ. Даминов, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда

**2011–2014 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларини
мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрлари**

Объектлар сони

	Минтақалар	Ҳаммаси	шу жумладан йиллар бўйича:			
			2011	2012	2013	2014
	Республика бўйича ҳаммаси	215	30	51	64	70
1	Қорақалпоғистон Республикаси	17	2	4	5	6
2	Андижон вилояти	18	3	4	6	5
3	Бухоро вилояти	14	2	3	4	5
4	Жиззах вилояти	14	1	4	4	5
5	Қашқадарё вилояти	15	3	3	4	5
6	Навоий вилояти	11	2	3	3	3
7	Наманган вилояти	13	3	4	3	3
8	Самарқанд вилояти*	17	3	4	4	6
9	Сурхондарё вилояти	16	1	3	6	6
10	Сирдарё вилояти	12	1	3	4	4
11	Тошкент вилояти	21	3	6	5	7
12	Фарғона вилояти*	19	3	4	6	6
13	Хоразм вилояти	13	1	4	4	4
14	Тошкент шаҳри	12	2	2	4	4
15	Республика муассасалари	3	0	0	2	1

Изоҳ:

*Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги 20-мактаб ва Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги 2-мактаб Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига 2011 йилнинг мукаммал таъмирлаш дастурига киритилган. “Баркамол авлод” болалар марказларини мукаммал таъмирлаш бўйича ишлар ҳажми биноларнинг техник ҳолати бўйича нуқсонли далолатномалар асосида белгиланади.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

ВАЗИРЛИКНИНГ 2010 ЙИЛ 9 АПРЕЛДАГИ “ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ РАХБАР ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УЛАРНИ ЗАҲИРАСИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА ВАЗИРЛИК ЛАВОЗИМЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ 72-СОНЛИ БУЙРУҒИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРГИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги “Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 52-сонли қарорлари ҳамда вазирликнинг 2011 йил 5 мартдаги 41-сонли ҳамда 2011 йил 22 мартдаги “Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари намунавий Низоми ва ходимларнинг лавозим мажбуриятларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 60-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини бажариш мақсадида

Б У Й У Р А М А Н:

1. Халқ таълими вазири буйруғи билан тайинланадиган ва бўшатиладиган ходимлар лавозимлари 1-иловага, вазирликнинг ҳисоб назорат номенклатурасига кирувчи лавозимлар рўйхати 2-иловага, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудирлари буйруғи билан тайинланадиган ва бўшатиладиган ходимлар лавозимлари номенклатураси 3-иловага, жамоатчилик кенгашининг таркиби 4-иловага, ходимларни тайинлаш ва бўшатиш тартиби тўғрисидаги янги таҳрирдаги йўриқнома 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 9 апрелдаги 72-сонли буйруғининг иловаларидаги “Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари” сўзлари “Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Кадрлар бошқармаси, вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари вазирлик номенклатурасидаги лавозимларга ходимларни тайинлаш ва бўшатишни Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги талабларига риоя қилган ҳолда, мазкур номенклатура ва янги таҳрирдаги йўриқнома асосида амалга оширсин.

4. Кадрлар бошқармаси (Б. Шамсиев) Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқарма бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ректорлари ҳамда тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари:

раҳбарлик лавозимларига бошқарувнинг узлуксизлигини таъминлай оладиган, биринчи навбатда ички кадрлар базасидан заҳирани шакллантириш, унда ходимнинг ташаббускорлиги, фидоийлиги, масъулиятлиги ва бошқа сифатларига қўйиладиган талабларга жавоб бера оладиган кадрларни заҳирага киритишни таъминласин.

5. Вазирлик тасарруфидаги Республика ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари раҳбарларига:

бир ҳафта муддат ичида “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги номенклатурасидаги лавозимларга номзодлар тавсия этиш, ходимларни тайинлаш ва бўшатиш тартиби тўғрисидаги янги таҳрирдаги йўриқнома” асосида ва вазирлик номенклатурасига кирган раҳбар ходимлар рўйхатига асосан мазкур масалага тегишли ўз ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;

вазирлик номенклатурасига кирувчи раҳбарлик лавозимларига номзодлар заҳираси маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ва тасдиқланган ҳолда шакллантириш, заҳира номзодлар тўғрисида электрон маълумотлар банкини яратиш ҳамда вазирликнинг Кадрлар бошқармасига тақдим этиш;

барча умумтаълим муассасаларидаги директорлик жамғармалари имкониятларидан таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш борасида оқилона фаолият юритадиган, мактабнинг ҳақиқий эгаси бўлган, бошқарувнинг барча жабҳаларини мукамал эгаллаган, ўз лавозим ва вазифаларига нисбатан ўта масъулиятли, ўқитувчилар ва ўқувчиларга талабчан директорлар корпусини шакллантириш ишларини самарали ташкил қилиш;

туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирларининг меҳнат дафтарчаларини ҳудудий бошқармаларнинг Кадрлар бўлимида сақлаш ва бошқарма бошлиғи томонидан вазирлик розилиги билан меҳнат таътилига чиқишни расмийлаштириш;

вазирлик номенклатурасига кирган раҳбар ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласини қатъиян фақат вазирлик раҳбарияти розилиги асосида амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Мазкур буйруқнинг 2-илоvasида кўрсатилган лавозимларга тавсия этилган номзодлар ўрнатилган тартибда, вазирликда суҳбатдан ўтгандан сўнг, вазирликнинг розилик хати асосида педагогика институтлари ректорлари, тасарруф ташкилотлари раҳбарлари ва ҳудудий бошқарма бошлиқларининг буйруғи билан лавозимга тайинланади.

6. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 9 апрелдаги 72-сонли буйруғи билан тасдиқланган 4-илова 6-илова деб, 5-илова 7-илова деб, 6-илова 8-илова деб ўзгартирилсин ҳамда 1-, 2-, 3-, 7- ва 8-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

А. Марахимов
Халқ таълими вазири

Тошкент шаҳри,
2011 йил 30 март,
№ 68-сон.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири буйруғи билан
тайинланадиган ва бўшатиладиган ходимлар лавозимлари
НОМЕНКЛАТУРАСИ**

**1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги марказий
аппарати бўйича:**

Бош бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиғи;
Ўқувқий масалалар бўйича маслаҳатчи, Вазир ёрдамчиси, бошқарма
бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи ва шўъба мудири, барча мутахассис ва
ходимлар.

**2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги
ташкилот (муассаса)лар бўйича:**

Республика таълим маркази директори, ўринбосарлари;
Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Респуб-
лика ташхис маркази директори, ўринбосарлари;
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-
тадқиқот институти директори, ўринбосарлари;
А. Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини
ошириш марказий институти ректори, проректорлари;
Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш бўйича Республика ўқув методика маркази директори;
Педагогика институтлари проректорлари;
Республика “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий
кенгаши раиси ўринбосарлари;
Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори,
ўринбосарлари;
Р. Глиер номидаги Республика ихтисослаштирилган musiқа академик
лицейи директори, ўринбосарлари;
В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган musiқа академик
лицейи директори, ўринбосарлари;
Республика ўсмирлар спорт маҳорати олий мактаби директори;
Ихтисослаштирилган олимпия резерви Республика мактаби директори;
Республика musiқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернати
директори;
Аниқ фанларга ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби директори;
Филология фанларига ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби
директори;
Хорижий тилларга ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби
директори;

Профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби директори;

Техник ижодкорлик йўналиши бўйича “Баркамол авлод” республика болалар маркази директори, ўринбосарлари;

Бадий ижодиёт йўналиши бўйича “Баркамол авлод” республика болалар маркази директори, ўринбосарлари;

Ўлкашунослик ва экология йўналиши бўйича “Баркамол авлод” республика болалар маркази директори, ўринбосарлари;

Республика илмий-педагогик кутубхонаси директори;

Республика болалар кутубхонаси директори;

Республика “Меҳрибонлик” оромгоҳи директори;

А. Хлебушкина номидаги 22 – Меҳрибонлик уйи директори;

“Маърифат” – “Учитель-Узбекистана” газеталарининг бош муҳаррири, ўринбосарлари;

“Халқ таълими” журналининг бош муҳаррири, ўринбосарлари;

“Бошланғич таълим” журналининг бош муҳаррири, ўринбосарлари;

“Соғлом авлод учун” журналининг бош муҳаррири, ўринбосарлари;

“Тил ва адабиёт таълими”, “Преподование языка и литературы” журналининг бош муҳаррири, ўринбосарлари;

“Ўзлуксиз таълим” журналининг бош муҳаррири;

“Мактаб ва ҳаёт” журналининг бош муҳаррири;

“Таълим тараққиёти” журналининг бош муҳаррири;

“Физика, математика, информатика” журналининг бош муҳаррири;

“Ўқув-таълим-таъминот” давлат унитар корхонаси раҳбари, ўринбосарлари;

“Ўқув-таълим-таъминот” давлат унитар корхонасининг “Таълим-таъминот-жиҳоз” Республика филиали бошқарувчиси;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят “Ўқув таълим-таъминот” давлат унитар корхонасининг филиал бошқарувчилари;

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, ўринбосари;

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар халқ таълими педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректорлари, проректорлари;

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирлари.

**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳисоб-назорат
номенклатурасига кирувчи лавозимлар
Р Ў Й Х А Т И**

1. Педагогика институтлари бўйича:

Факультет декани.

**2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги
ташкилот (муассаса)лар бўйича:**

юрисконсултлар (ҳуқуқ маслаҳатчилари).

**3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент
шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бўйича:**

Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш,
манзилли рўйхатини шакллантириш ва мониторингини олиб бориш шўъбаси
ходимлари;

Меҳрибонлик уйлари директорлари;

умумтаълим мактаблари директорлари;

Болалар мусиқа ва санъат мактаб директорлари;

мактабгача таълим муассасалари мудиралари;

вилоят, туман (шаҳар) “Баркамол авлод” болалар марказлари директорлари;

Мудир ўринбосари – методик таъминлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш
ва давлат таълим стандартлари мониторинги гуруҳи раҳбари;

Ўқувчиларни касбга йўналтиришни ва педагогик психологик диагностика-
сини методик таъминлаш кичик гуруҳи раҳбари;

Кадрлар бўйича инспектор;

Биоларнинг техник ҳолати, таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва
жиҳозланлиги масалалари бўйича мутахассис (муҳандис);

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари шўъбаси катта ҳисобчиси.

**Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар
ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари буйруғи билан
тайинланадиган ва бўшатиладиган ходимлар лавозимлари
НОМЕНКЛАТУРАСИ**

**1. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент
шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари марказий аппарати ва
тасарруфидаги ташкилотлари бўйича:**

- бўлим бошлиқлари, шўъба раҳбари, барча мутахассис ва ходимлар;
вилоят таълим маркази раҳбари;
- вилоят спорт мактаблари директорлари;
- вилоят “Баркамол авлод” болалар маркази директори, ўринбосари;
- туман (шаҳар) “Баркамол авлод” болалар маркази директорлари;
- меҳрибонлик уйлари директорлари;
- барча турдаги умумий ўрта таълим мактаблари директорлари;
- барча турдаги мактабгача таълим муассасалари мудирлари;
- халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш
туман (шаҳар) бўлимлари мудир ўринбосари – методик таъминлаш, ўқувчиларни
касбга йўналтириш ва давлат таълим стандартлари мониторинги гуруҳи раҳбари;
- халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш
туман (шаҳар) бўлимлари ўқувчиларни касбга йўналтиришни ва педагогик
психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гуруҳи раҳбари;
- халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш
туман (шаҳар) бўлимлари кадрлар бўйича инспектор;
- халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш
туман (шаҳар) бўлимлари биноларнинг техник ҳолати, таълим муассасаларининг
инфратузилмаси ва жиҳозланлиги масалалари бўйича мутахассис (муҳандис);
- халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш
туман (шаҳар) бўлимлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари шўъбаси катта
ҳисобчиси.

**Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил
этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирлари буйруғи билан тайинланадиган
ва бўшатиладиган ходимлар лавозимлари
НОМЕНКЛАТУРАСИ**

- халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш
туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари, методистлари;
- умумий ўрта таълим мактаблари директорлари ўринбосарлари;
- туман (шаҳар) “Баркамол авлод” болалар маркази директор ўринбосарлари;
- спорт мактаблари директор ўринбосарлари.

**Халқ таълими вазирлиги тизимида раҳбар кадрлар захирасини яхлит
тизимли базасини яратиш ва таълим муассасаларига раҳбарлик
лавозимларга тавсия этилган номзодларни суҳбатдан ўтказиш ҳамда
якуний хулоса бериш бўйича жамоатчилик кенгаши
ТАРКИБИ**

- | | | |
|-------------|---|--|
| Б. Данияров | - | Вазирнинг биринчи ўринбосари, Кенгаши раиси; |
| А. Холбеков | - | Вазирнинг ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари; |
| О. Собиров | - | Вазирнинг ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари; |
| А. Ачилов | - | Вазирнинг ўринбосари, Болалар спортини ривож-
лантириш жамғармаси ижрочи директори, Кенгаш
раиси ўринбосари; |
| Б. Шамсиев | - | Вазирлик Кадрлар бошқармаси бошлиғи, Кенгаш
котиби. |

Жамоатчилик Кенгаши аъзолари:

- | | | |
|---------------|---|--|
| У. Эрназаров | - | Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи; |
| Й. Асадов | - | Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини
ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи; |
| Ф. Ахмедов | - | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош
бошқармаси бошлиғи; |
| М. Юлдашев | - | Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи; |
| Х. Даминов | - | Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи; |
| Н. Муротов | - | Таълим муассасалари моддий техника-таъминотини
ташкил этиш бошқармаси бошлиғи; |
| У. Дауланов | - | Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
бошқармаси бошлиғи; |
| И. Турсунбоев | - | Муסיқа ва санъат таълим муассасалари бошқармаси
бошлиғи; |
| Ў. Рашидов | - | Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси
бошлиғи; |
| Ш. Усанов | - | Кадрлар тайёрлаш уларнинг малакасини ошириш
ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаш-
тириш бўлими бошлиғи |

Изоҳ: Мазкур кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтганда уларнинг ўрнига янги тайинланган шахс кенгаш аъзоси ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги
номенклатураси лавозимларига ходимларни тайинлаш ва
бўшатиш тартиби тўғрисида
Й Ў Р И Қ Н О М А**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг 2005 йил 22 мартдаги 15-сонли қарорининг 1-иловаси 1-бандида кўрсатилган Бош бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиғи, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи, Вазирнинг молиявий ва ташкилий назорат масалалари бўйича маслаҳатчиси, бошқарма бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи ва шўъба мудири, барча мутахассис ва ходимлар ҳамда 2-бандида кўрсатилган вазирлик тасарруфидаги Республика ташкилот (муассаса) раҳбарлари лавозимларига ходимларни тайинлаш масаласини кўриб чиқиш учун, ушбу бошқарма (бўлим) ёки ташкилот (муассаса)ни фаолиятини мувофиқлаштирувчи вазир ўринбосари томонидан вазирга асосланган тавсиянома киритилади ва номзод вазир билан келишилгач, Кадрлар бошқармасига тегишли лавозимга тавсия этилган номзоднинг зарур ҳужжатлари тақдим этилади.

1-илованинг 3-бандида кўрсатилган лавозимларга ходимларни тайинлаш масаласини келишиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари номзоднинг фаолиятини маҳаллий ҳуқуқий органлари билан атрофлича ўрганиб чиқиб, Халқ таълими вазирлигига тавсиянома ва номзоднинг зарур ҳужжатларини тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиғи ўринбосари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, туман (шаҳар) Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мудирлари, лавозимларига ходимларни тайинлаш масаласини келишиш учун эса Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоят (Тошкент шаҳар) халқ таълими бошқармалари маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда, зарур ҳужжатларини Кадрлар бошқармасига тақдим этадилар.

Педагогика институтининг проректори лавозимига ходимни тайинлаш масаласини кўриб чиқиш учун институт раҳбарияти томонидан Кадрлар бошқармасига тавсиянома ва номзоднинг зарур ҳужжатлари киритилади.

1-илованинг 3-бандида кўрсатилган ҳар бир лавозимга узлуксиз таълим тизимида камида 5 йил ишлаган, тегишли олий маълумот, раҳбарлик тажрибаси ва лаёқатига эга бўлган ташаббускор, ишбилармон ходимлар сафидан 3 та номзод маҳаллий ҳокимликлар билан келишиб, тавсия хати орқали тақдим этилади.

Тавсия этилган номзод вазирлик раҳбарияти томонидан мақулангандан сўнг меҳнат шартномаси асосида вазирликнинг буйруғи қабул қилинади.

Вазирлик буйруғи номзодни тавсия этган ташкилот раҳбарига етказилади ва ходим Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоят (Тошкент шаҳар) халқ таълими бошқармалари томонидан, меҳнат қонунчилиги талаблари асосида, лавозимга тайинланади.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ёки иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш масаласи ходимнинг аризаси ёки иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги талаблари асосида тайёрланган ва шартномани бекор қилиш учун асос бўлувчи ҳужжатга мувофиқ вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.

Тавсия этилган номзоднинг ҳужжатларини ўрганиш жараёнида унинг иш тажрибаси, сиёсий-иқтисодий билимлари кўлами, раҳбарлик ишига лаёқати етарли даражада эмаслиги аниқланса, бу ҳақда вазирлик раҳбариятига маълум этилади ва номзод қайтариб юборилади. Номзоднинг тавсия этилаётган лавозимга нолойиклиги тўғрисида тавсия этган ташкилот раҳбариятига, белгиланган тартибда, маълум қилинади ҳамда унинг шахсий ҳужжатлари қайтарилади.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги номенклатурасидаги барча лавозимларга номзодларни тайинлаш учун Кадрлар бошқармасига ходимни ҳисобга олувчи ва тавсифловчи қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилиши лозим:

- ходимни тавсифловчи, уни лавозимга тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги, маҳаллий ҳокимлик билан келишилганлиги ва уларнинг розилиги (қайси ва ким билан) баён қилинган тавсиянома;

- юқори ўнг бурчагига фотосурати киритилган маълумотнома;

- сўровнома /шахсий варақа/ (намунаси илова қилинган);

- тўрт дона 4х6 ўлчамдаги, 2 дона 3х4 ўлчамдаги рангли фотосуратлар;

- таржимаи ҳол;

- маълумоти, илмий даражаси ва унвони тўғрисидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган ксеронусхаси; маълумот олгандан сўнг номзоднинг фамилияси ўзгарган бўлса, уни тасдиқловчи ҳужжатнинг ксеронусхаси;

- паспортининг ксеронусхаси;

- белгиланган шаклдаги ва тасдиқланган илмий ишлари рўйхати.

- иш жойидан 3 та фикрнома.

Маълумотнома компютерда тўлдирилиб, тавсия этган ташкилот томонидан тасдиқланади, сўровнома /шахсий варақа/ ва таржимаи ҳол эса номзоднинг ўз қўли билан ёзилади.

3. Мазкур буйруқнинг 1 иловасида кўрсатилган лавозимларга тайинланаётган ходимлар вазирликнинг Кадрлар бошқармасига йўриқноманинг 2-бандида кўрсатилган ҳужжатлар билан бир қаторда паспорти, маълумоти, илмий даражаси ва унвони тўғрисидаги ҳужжатлар, меҳнат дафтарчасини ҳамда ҳарбий хизматга мажбурлар эса ҳарбий билетини кўриб чиқиш учун асл нусхасини тақдим этадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳисоб-назорат номенклатураси лавозимларига кирувчи лавозимларга раҳбарларини ишга тайинлаш масаласини кўриб чиқиш учун, вакант лавозимларга Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари олий маълумотли, узлуксиз таълим тизимида камида 5 йил педагогик стажга, раҳбарлик тажрибаси ва лаёқатига эга бўлган ташаббускор, янгиликка интилувчан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган, юксак инсоний фазилатларга эга бўлган фидойи ёш кадрлардан 3 та номзод атрофлича ўрганиб чиқилиб, маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги жамотчилик Кенгашига, тавсия этилаётган номзодларни зарур ҳужжатларини тавсия хати орқали тақдим этадилар.

Тавсия этилаётган номзодлардан бири жамоатчилик Кенгаши суҳбатидан ўтиб, лавозимга тайинланиши мақбул деб топилган бўлса, вазирликка келишиш учун тавсия хати орқали тақдим этилади ва розилик хати олингандан сўнг ҳудудий халқ таълими бошқармаси томонидан тегишли лавозимга меҳнат қонунчилиги асосида буйруқ билан расмийлаштирилади.

Суҳбат якунида ҳар бир Кенгаш аъзоси номзод хусусидаги фикрларини суҳбат варақасида акс эттиради.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ёки иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш масаласи ходимнинг аризаси ёки иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги талаблари асосида тайёрланган ва шартномани бекор қилиш учун асос бўлувчи ҳужжатга мувофиқ бошқарма ҳайъатида кўриб чиқилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.

Тавсия этилган номзоднинг ҳужжатларини ўрганиш ва суҳбатдан ўтказиш жараёнида унинг иш тажрибаси, сиёсий-иқтисодий билимлари кўлами, раҳбарлик ишига лаёқати етарли даражада эмаслиги аниқланса, бу ҳақида бошқарма раҳбариятига маълум этилади ва номзод қайтариб юборилади. Номзоднинг тавсия этилаётган лавозимга нолойиқлиги тўғрисида тавсия этган туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига белгиланган тартибда маълум қилинади ҳамда унинг шахсий ҳужжатлари қайтарилади.

**Халқ таълими вазирлиги бошқарув тизимида кадрлар захирасини
тайёрлаш ва раҳбар лавозимларга тавсия этиш ишларини
такомиллаштириш
ДАСТУРИ**

I. Кириш

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий ва очиқ фуқаролик жамияти қурилмоқда. Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи инсонни ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантиришдир.

Ушбу Дастур Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида” ва “Таълим тўғрисида”ги Қонунларининг қоидаларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган бўлиб, юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда кадрларни тўғри қабул қила олиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир, ҳар томонлама камол топган жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган кадрларни шакллантиришга йўналтирилган.

II. Дастурнинг мақсади ва вазифалари

Мазкур Дастурнинг асосий мақсади – раҳбар кадрларни тайёрлаш, тайинлаш ва жой-жойига қўйиш, раҳбар учун хос бўлган сифат ва фазилатларга эга иқтидорли ёш кадрлар захирасини яратиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш механизмини ривожлантиришдир.

Ушбу мақсадни руёбга чиқариш учун Дастур қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

вазирликнинг кадрлар билан ишлаш, уларни тайинлаш, кадрлар захирасини шакллантириш ва шу йўналишдаги барча фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор, фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва баённомалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Давлат маслаҳатчиси хизмати ва вазирнинг топшириқларига асосан амалга оширилади.

вазирликда Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги кадрлар ҳисоби кадрлар бошқармасида юритилади.

кадрлар сиёсатини тўғри ва аниқ юритилишига, номзод кадрларни ўрганиш, вазирлик раҳбариятига таклиф киритиш бўйича кадрлар бошқармаси бошлиғи шахсан масъулдир.

вазирлик Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги кадрлар ҳисобини юритишда ишлатиладиган хужжатлар:

бошқарув лавозимлари рўйхати;

кадрларнинг шахсий йиғма жилди ва компьютердаги рақами;

тасдиқланган амалдаги ва истиқболли кадрлар захираси рўйхати;

кадрларни мўлжалланган лавозимларга босқичма-босқич тайёрлаб бориш схемалари.

III. Бошқарув лавозимлари рўйхати

Бошқарув лавозимлари рўйхатига вазирлик буйруғи ва вазир томонидан тайинланадиган (тасдиқланадиган) ҳамда келишиладиган лавозимлар киради.

Ушбу рўйхат вазир томонидан юқори раҳбар идораларининг Бошқарув лавозимлари рўйхати ҳисобга олинган ҳолда тузилади.

IV. Кадрнинг шахсий йиғма жилди

Кадрнинг шахсий йиғма жилди Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги ҳар бир кадрга алоҳида юритилади ва махфий хужжатлар қаторида сақланади. Шахсий йиғма жилдлар билан танишиш учун вазир ёки вазир ўринбосарлари рухсати бўлиши лозим. Шахсий йиғма жилд хужжатларини бошқа тартибда олиш ёки улардан нусха кўчиришга рухсат этилмайди. Шахсий йиғма жилдлардаги ҳамма хужжатларни сақлаш ва улардаги маълумотларни тарқатмаслик масъулияти кадрлар билан ишлайдиган масъул ходимларга юклатилади.

Кадрларнинг шахсий йиғма жилдларига оид хужжатларни тайёрлаш ва тўплаш вазирликнинг тегишли масъул ходимлари томонидан амалга оширилади.

Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги кадр бошқа лавозимга ўтаётганда янги хужжатлар (тавсиянома, фикрнома, тавсифнома, қарор ва ҳоказо) кадрнинг шахсий йиғма жилдида йил тартибига кўра жойлаштирилади.

Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги кадрнинг шахсий йиғма жилди бўйича тайёрланган хужжатлар кадрлар бошқармасига топширилади.

Кадрнинг шахсий йиғма жилди лавозимидан қатъий назар тегишли вазирликда сақланади. Ҳар битта шахсий йиғма жилд махсус папкага тартиб рақами билан жойланади. Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги кадр Бошқарув лавозимлари рўйхатига кирмайдиган бошқа ишга ўтса, унинг шахсий йиғма жилди архивга топширилади. Рақам кўйилган жилдга янги кадрнинг шахсий йиғма жилди солинади.

Йиғма жилднинг рақами компьютердаги маълумотнома рақами билан мос келиши лозим.

V. Кадрлар захираси

Вазирлик тасарруфидаги Республика Бошқарув идораларида кадрлар захирасини яратиш вазирлик томонидан амалга оширилади. Республика Бошқарув идораларида кадрлар захирасини яратиш ишларига ўз йўналишлари бўйича вазир ўринбосарлари шахсан жавобгардир.

Улар томонидан кадрлар захирасини амалий тизимини шакллантириш борасида қуйидаги вазифалар бажарилади:

тегишли даражадаги Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги раҳбар лавозимлар захирасига номзодлар танлаш;

захирада турган номзодларни бўшаган лавозимларга тайинлаш;

жойларда кадрларга эҳтиёж бўйича доимий мониторингини амалга ошириб, кадрлар захирасини яратиш, зарур ҳолатларда захирадаги кадрлар алмашинувини (ротация) амалга ошириш;

захирадаги кадрларни мўлжалланган лавозимларга босқичма-босқич тайёрлаб бориш;

захирадаги кадрларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш;

жойларда кадрларни давлат Бошқаруви органларига жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг таҳлилини амалга ошириш;

таълим муассасалари ва ўқув юртлари билан кадрларга нисбатан эҳтиёжни тўлдириб бориш юзасидан алоқа ўрнатиш;

жойларда компьютер воситасида раҳбар кадрлар ҳамда захира номзодларининг ягона Маълумотлар банкини ташкил этиш.

VI. Захирани шакллантириш

Захирани шакллантириш борасида вазирлик кадрлар бошқармаси томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

давлат органлари, ҳудудда жойлашган мулкӣ шакли ҳамда идоравий мансублигидан қатъий назар барча корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртларида захирага танланган номзод ҳаёти ва фаолияти бўйича Қонунга зид келмайдиган барча ҳужжатларни сўраб олиш;

ҳуқуқ-тартибот органларидан номзод тўғрисида тезкор ва бошқа турдаги маълумотларни сўраб олиш;

Вазирлик кадрлар бошқармаси томонидан Бошқарув лавозимлари рўйхати-га олинган раҳбар кадрларнинг амалдаги ва истиқболли захиралари яратилади. Захира жойларда тасдиқланган Бошқарув лавозимлари рўйхатида жой бўшаши билан ушбу захирадаги номзодлардан бирининг лавозимга қўйилишини таъминлайди. Захира устидан доимий мониторинг ўрнатилади.

Истиқболли захира жойларда тасдиқланган Бошқарув лавозимлари рўйхати асосида ишлаб чиқилган режага биноан 5–10 йил ичида ёш кадрларни босқичма-босқич тайёрлаб, уларнинг ушбу лавозимларга тайинланишини таъминлайди. Ёш кадрларни босқичма-босқич тайёрлаб бориш режаси вазир томонидан тасдиқланади.

Захирадаги кадрлар алмашинуви (ротация) раҳбар лавозим бўшаганида, ўша лавозимга белгиланган захирада турган номзодни баъзи сабабларга кўра ушбу лавозимга тайинлаш имкони бўлмаган ҳолларда амалга оширилади.

Захирани шакллантириш учун вазирликнинг кадрлар бошқармасида кадрлар бўйича Маълумотлар банки тузилиб, унга лавозимдаги раҳбар кадрлар ва захирага кирган номзодлар бўйича маълумотлар киритилади.

Раҳбар кадрларни захирага танлашда қуйидаги йуналишлар бўйича (компьютер воситасида) маълумотлар тўпланади:

маҳаллий давлат Бошқарув органлари;

қурилиш;

молия;

таълим;

соғлиқни сақлаш;

маданият;

спорт;

олий ўқув юртлари;

малака ошириш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-тадқиқот муассасалари;

жамоат ташкилотлари.

Вилоятлар халқ таълими бошқарув органлари кадрлар масалалари бўйича бўлимнинг Маълумотлар банки юқори турувчи ташкилот билан модем алоқаси орқали боғланган бўлади.

VII. Захирадаги номзодларга қўйиладиган талаблар

Захирага ватанпарвар, фидоий, ўз касбини чуқур биладиган, бозор иқтисодиёти тамойилларини англаган, сиёсий онги юксак, мустақил фикрга эга, маънавий тоза, соғлиги тўғри келган, қатъиятли, изланувчан, ўз устида тинмай ишлайдиган, таҳлил этиш қобилиятига эга бўлган номзод киритилади.

Амалдаги захира одатда 45 ёшгача бўлган кишилардан шакллантирилади. Истисно тариқасида ёши катта бўлган номзодлар ҳам захирага киритилиши мумкин.

Судланганлар ҳамда тиббий кўрикдан ўтмаганлар захира таркибига киритилмайди.

VIII. Захирага киритиш тартиби

Захирага номзод Маълумотлар банки асосида вазирлик кадрлар бошқармаси томонидан киритилади ва рўйхатлар вазир ўринбосарлари билан келишилиб, вазирга тақдим этилади. Захиралар рўйхати ва унга ўзгартиришлар вазирнинг буйруғи асосида расмийлаштирилади ва кадрлар бошқармасида сақланади. Заруратга қараб керак ҳолларда ушбу рўйхатлар юқори турувчи ташкилотга тақдим этилади.

IX. Захирага мўлжалланган номзод билан суҳбатлар ўтказиш

Захирага мўлжалланган номзоднинг ҳар бири билан вазирликда ташкил этилган ишчи гуруҳи аъзолари томонидан суҳбат ўтказилади. Агар номзод мезонларга жавоб берса ва таклифга нисбатан эътирози бўлмаса, захирага киритилади.

Захирага кирган номзод билан вазирликнинг кадрлар бошқармаси ходимлари 6 ойда бир маротаба ёки зарурат туғилганда суҳбатлар ўтказиб турадилар.

XI. Захирадаги номзоднинг шахсий йиғма жилди таркибига кирувчи ҳужжатлар

Захирага кирган ҳар бир номзод учун шахсий йиғма жилди очилади.

Жилдда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

Маълумотнома.

Суровнома (шахсий варақа).

Таржимаи хол.

Қариндошлари тўғрисида маълумот.

Охирги иш жойидан тавсифнома.

Маълумоти тўғрисидаги диплом ва паспорт нусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган).

Тўрт дона 4х6 см ҳажмдаги рангли фотосурат.

Иш жойи, яшаётган маҳалласидан тавсифномалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан маълумотномалар зарурат юзасидан қайтадан сўраб олинishi мумкин.

XII. Захира умумий рўйхатини янгиланиб борилиши ва қайта тасдиқланиши

Захираларнинг умумий рўйхати қуйидаги ҳолларда янгиланади ва қайта тасдиқланади:

Захира вазирликнинг кадрлар бошқармаси бошлиғи тақдимиға кўра вазир томонидан бир йилда бир марта февраль ойининг 20-кунига қадар қайта тасдиқланади.

Кадрлар захираси мониторинг ҳулосаси асосида ҳам янгиланиши мумкин.

Шу давр ичида Вазирлик Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги лавозимға кадр тайёрлаш лозим бўлса, аввал тасдиқланган захирадан, зарур бўлган ҳолларда белгиланган тартибда юқори турувчи органлар билан келишилган ҳолда захирадан ташқари бошқа номзодни тайинлаш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

XIII. Захирадан номзодни чиқариш тартиби

Вазир вазир ўринбосарлари, тегишли бошқарма бошлиқлари тақдимидан сўнг номзодни захирадан чиқаради.

Номзодни захирадан чиқариш учун қуйидагилар асос бўлади:

Суд ҳукмиға асосан айбдор деб топилганда.

Жамиятнинг маънавий-руҳий муҳитиға зид хатти-ҳаракатлар содир қилганда ёки яшаб турган маҳалласидан салбий тавсифлар тушганда.

Хизмат вазифасини бажариши жараёнида сурункали равишда хато ва камчиликларға йўл қўйганда.

Ёши ва соғлигининг тўғри келмаслиги оқибатида.

Хизмат вазифасини уддалашга ожизлик қилганда ҳамда касбий маҳорати сусайганда.

Захирадаги номзодлар билан ўтказилган аттестация якунига кўра қоникарсиз баҳоланганда.

Ўз хоҳишига асосан.

XIV. Шаклланган захирага янги номзод киритиш

Шаклланган захирага янги номзод қуйидаги ҳолларда киритилади:

Захирадаги рўйхатдан чиққан номзоднинг ўрнига.

Бошқа лавозимга ишга ўтган захирадаги номзоднинг ўрнига.

Ишдан бўшаган ёки нафақага чиққан захирадаги номзоднинг ўрнига.

Захирадаги номзоднинг касаллиги ёки вафоти муносабати билан бўшаган ўринга.

Тегишли раҳбарнинг юқори турувчи ташкилот билан келишилган ҳолда қўшимча номзод киритиш тўғрисида қабул қилган қарорига кўра.

XV. Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги бўш (вакант) лавозимлар тўғрисида маълумотларни тайёрлаш тартиби

Вазирлик бошқарма ва бўлимлари ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари томонидан ҳар ойнинг 28-кунидан кечиктирмай Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги бўш лавозимлар бўйича маълумот кадрлар бошқармасига берилади.

Ушбу ахборотлар асосида келгуси ойнинг биринчи кунидан кечиктирилмай бўш лавозимлар рўйхати тайёрланиб, вазирга тақдим этилади.

XVI. Кадрларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимга тайёрлаб бориш схемалари

Вазирлик томонидан амалдаги ва истиқболли захирадаги кадрларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимга тайёрлаб бориш схемалари тузилади. Мазкур схемалар ҳар бир кадр бўйича алоҳида тузилади. Схемаларда кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, стажировка ва аттестациядан ўтказиш, лавозимлар бўйича ўстиришнинг тахминий муддатлари кўрсатилиши шарт.

Кадрларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимга тайёрлаб бориш схемаларининг муддатлари ва белгиланган лавозимлари даражасида бажарилишига Кадрлар бошқармаси масъулдир.

XVII. Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги номзодларни танлаш, тавсия этиш, уларни суҳбатдан ўтказиш, розилик билдириш, тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Бошқарув лавозимлари рўйхатига олинган лавозимларга номзод кадрларнинг ҳужжатлари вазирлик кадрлар бошқармаси томонидан расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига жўнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги лавозимларга, шунингдек вазирлик номенклатурасидаги республика муассасалари раҳбарлигига тавсия этилаётганда номзодларнинг тавсифномаси ва тақдимномасига вазир имзо қўяди.

Вазирлик кадрлар бошқармаси номзод кадрнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига, Вазирлар Маҳкамасига ва бошқа республика ташкилотларига суҳбатга боришини таъминлайди.

Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги лавозимларга номзодлар аввало, кадрлар захирасига кўра, зарурат туғилганда эса меҳнат жамоаларининг, маҳалла фаолларининг ва бошқаларнинг фикрларини ўрганиш асосида тадбиркор ва ишбилармон, ўз устида ишлайдиган, ёш, истеъдодли, янгиликка интилувчан, изланувчан, ташаббускорлик қobiliятига эга бўлган, маънавий пок кадрлар орасидан танланади.

Вазирликнинг кадрлар бошқармаси томонидан Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги кадрларнинг таркиби, уларнинг фаолияти мунтазам ўрганиб борилади. Шунингдек, кадрлар қўнимсизлиги сабаблари, кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлашда захирага олинган кадрлар таркибидан фойдаланишнинг аҳволи таҳлил этиб борилади.

Бошқарув лавозимлари рўйхатидаги кадрлар томонидан мансабни суистеъмол қилиш ҳоллари аниқланганда, фаолиятида бошқа салбий ҳолатларга йўл қўйилганда тегишли чора-тадбирлар белгиланади ва амалга оширилади. Бундай вазиятда вазирлик кадрлар бошқармаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ва бошқа ташкилотларнинг маълумотларига таянади.

Раҳбар ходимнинг бошқа ишга ўтганлиги, ишдан озод қилинганлиги ёки бошқа сабаблар билан вакант лавозимлар пайдо бўлган ҳолларда бошқарма томонидан ушбу лавозимга кадрлар захирасидан 3 нафар номзод кўриб чиқилади. Ушбу номзодлар бўйича бирга ишлайдиган кишиларнинг фикри ва юқори идоралар раҳбарларининг тавсифномалари олинади.

Вакант лавозимга номзод бўлган кадрларнинг маълумотномалари вазирга танишиш ва танлаш учун киритилади. Бошқарма ходимлари томонидан танланган номзоднинг зарур ҳужжатлари тайёрланади ва номзод кадрнинг вазирлик бошқарма бошлиқлари, вазир ўринбосарлари ва вазир билан бўладиган суҳбатга келишини таъминлайди. Номзод учун тавсиянома вазир номига ёзилиб, тавсия қилинаётган кадр қисқача таърифланади ҳамда қайси лавозимга тавсия этилгани ҳақида маълум қилиниб, илгари шу лавозимда ишлаган шахс нима учун вазифасидан бўшатирилганлиги кўрсатилади.

Бошқарма томонидан заруратга қараб вазирлик бошқарма ва бўлимлари, ташкилот ва муассасаларида ўрни бўшаб қолган лавозимларга номзодлар ҳақида вазирнинг ўринбосарлари билан дастлабки тарзда маслаҳатлашиб олишлари мумкин. Вазирлик тасарруфидаги бошқа соҳалар фаолияти йўналишига дахлдор кадрлар билан тегишли бошқарма бошлиқлари ва вазирнинг ўринбосарлари суҳбатлашиб, вазирнинг суҳбатига киритишга тайёрлайдилар.

Номзоднинг ҳужжатлари вазирга расмий равишда кадрлар бошқармаси бошлиғи томонидан тақдим этилади. Кадрни суҳбатга олиб кириш учун суҳбат варағи ва охирги иш жойидан меҳнат фаолиятига доир иш кўрсатгичлари ҳамда унинг шахсий йиғма жилдига доир ҳужжатлар тайёрланади. Номзод билан ўтказилган суҳбатларнинг натижасига кўра кадрлар бошқармаси ушбу кадрни тайинлаш тўғрисидаги вазир буйруғининг лойиҳасини тайёрлайди.

Буйруқ лойиҳасига вазир ўринбосарлари, кадрлар бошқармаси бошлиғи ва ҳуқуқшунос имзо қўйгандан сўнг вазирга киритилади.

Вазирнинг буйруғи билан тайинланмайдиган, лекин вазирлик Бошқарув лавозимлари рўйхатига олинган лавозимларга номзодлар вазирлик бошқарма бошлиқлари, вазир ўринбосарлари ва вазир суҳбатидан ўтганидан сўнг, вазирликнинг тегишли бошқарма, муассаса ёки бошқа ташкилотларига суҳбатнинг натижаси расмий равишда хабар қилинади, кадрни тайинлашга розилик берилади.

Тегисли бошқарма, муассаса ёки бошқа ташкилотлар номзод кадрнинг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқни (қарорни) вазирликнинг кадрлар бошқармасига тақдим этадилар.

Вазирлик Бошқарув лавозимлари рўйхатига олинган кадрларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий онгини оширишга, маънавиятини юксалтиришга оид ишларни ҳам амалга оширади. Қабул қилинган Қонунлар, Президент фармонлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни оғишмай амалга оширишни ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар кўришни тавсия этади. Вазирлик Бошқарув лавозимлари рўйхатига киритилган лавозимларга номзодларни танлаш ва тайинлаш амалдаги Қонунлар билан ҳам тартибга солинади.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг марказий
аппарати, вилоят ва туман (шаҳар) Халқ таълими муассасалари
фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари,
таълим муассасалари раҳбар кадрлар билан ишлаш ва
уларни захирасини шакллантириш
ТАРТИБИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сонли ва 2009 йил 19 мартдаги 76-сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Халқ таълими вазирлиги Низомига биноан вазир ўз ваколатлари доирасида халқ таълими тизимидаги қуйи бошқарув органларига раҳбарликни амалга ошириш мақсадида вазирликнинг кадрлар номенклатурасини ташкил этади.

Вазирлик номенклатурасига олинган лавозимларга кадрларни танлаш, тайинлаш, (сайлаш, тасдиқлаш) лавозимдан озод қилиш, ва уларни захирасини яратиш ушбу Тартиб асосида олиб борилади.

1. Вазирлик марказий аппаратидаги кадрларни танлаш, тайинлаш, вазифасидан озод қилиш ва бошқа ишга ўтказиш вазир буйруғи билан меҳнат қонунчилиги асосида амалга оширилади.

2. Вазирликнинг Кадрлар бошқармаси вазирлик марказий аппаратида кадрлар иши масаласини мувофиқлаштириб боради, номенклатурага олинган лавозимларга кадрларни тайинлаш, бошқа ишга ўтказиш ёки лавозимдан озод қилиш ҳамда кадрлар захирасини яратиш ҳақидаги таклифларни вазирнинг тегишли ўринбосарлари билан келишган ҳолда вазирга таклиф киритади.

3. Вазирлик номенклатурасига олинган лавозимлардаги барча ходимларга шахсий жилд расмийлаштирилади.

Шахсий жилдда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

тавсиянома;

ходим учун тўлдирилган Т-2 карточка;

шахсий варақа;

таржимаи ҳол;

маълумотнома (справка – объективка);

тавсифнома (характеристика);

фикрномалар (отзыв);

маълумоти (илмий даражаси, унвони) ҳақидаги диплом нусхаси;

фуқаролик паспорти нусхаси;

4х6 см ўлчамдаги 6 дона фотосурат;

меҳнат шартномаси;

агар моддий жавобгар шахс бўлса, моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома;

суҳбат варағи;

лавозимга тайинлангани (тасдиқлангани ёки сайлангани) тўғрисидаги вазир, ҳудудий бошқармалар буйруғидан кўчирма.

4. Заруратга қараб ходимнинг бошқа ишга ўтгани, ишдан озод қилинганлиги ёки бошқа сабаблар билан вакант лавозимлари пайдо бўлган ҳолларда вазирликнинг тегишли бошқармалари, ҳудудий бошқармалар ушбу соҳага раҳбарлик қилувчи вазир ўринбосари билан биргаликда вакант лавозимига 3 нафар номзодни айнан мазкур номзодга захирага олинган номзодлар ичидан ҳар тамонлама ўрганиб, бирга ишлайдиган ходимларнинг ва маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг номзодларга бўлган муносабатини аниқлайди, ҳамда ушбу кадрларнинг маълумотномаларини кадрлар бошқармасига тақдим этади.

5. Кадрлар бошқармаси вакант лавозимга номзод бўлган кадрларнинг маълумотномаларини айнан захирага олинган кадрлар ичидан олинганлигини аниқлаб уларни вазирга танлаш учун киритади, вазир томонидан танланган номзоднинг ҳужжатларини тайёрлайди ва номзод кадрнинг вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари билан бўладиган суҳбатга келишини таъминлайди.

Номзод кадрлар билан суҳбат ҳафтанинг жума куни ўтказилади.

6. Номзод билан ўтказилган суҳбатларнинг натижасига кўра Кадрлар бошқармаси ушбу кадрни тайинлаш тўғрисидаги вазир буйруғи, лойиҳасини тайёрлайди.

Буйруқ, лойиҳаси бошқарма бошлиқлари, ҳуқуқий маслаҳатчи, вазир ўринбосарлари билан келишилгандан сўнг кадрлар бошқармаси томонидан вазирга киритилади.

7. Вазир буйруғи билан тайинланмайдиган, лекин вазирликнинг ҳисоб-назорат номенклатурасига олинган лавозимларга номзодлар вазирликнинг бошқарув тизимида раҳбар лавозимларга тавсия этиш ва кадрлар захирасини шакллантириш ишчи гуруҳининг суҳбатидан ўтганидан сўнг тегишли республика ташкилотлари ва ҳудудий халқ таълими бошқармаларига суҳбат натижаси хабар қилиниб, кадрни тайинлашга розилик берилади.

Республика ташкилотлари ва ҳудудий халқ таълими бошқармалари номзод кадрнинг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани Кадрлар бошқармасига тақдим этади.

8. Кўрсатилган номзод узил-кесил тайилангандан сўнг унинг шахсий жилди Кадрлар бошқармаси томонидан расмийлаштирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига олинган лавозимларга номзод захирага олинган кадрларнинг ҳужжатлари вазир топшириғига асосан Кадрлар бошқармаси томонидан тайёрланади ва ўрнатилган тартибда жўнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг номенклатурасидаги лавозимларга номзодлар тавсия этилаётганда номзод кадрнинг тавсифномаси ва тақдимномасига вазир имзо қўяди.

Кадрлар бошқармаси номзод кадрни Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасига суҳбатга боришини таъминлайди.

10. Вазирлик номенклатурасига олинган лавозимлар учун кадрлар захираси банкини шакллантиради.

Кадрлар бошқармаси вазир ўринбосарлари билан келишилган ҳолда тегишли бўлган йўналишлардаги раҳбар кадрлар ўрнига 3 нафардан кадрлар заҳираси ташкил қилиб, уларнинг маълумотномаларини умумлаштиради.

Номенклатурага олинган лавозимлар учун кадрлар заҳираси вазир ўринбосарларининг имзолари билан вазир тасдиғига киритилади.

Кадрлар заҳираси заруратга қараб янгилаб борилади.

11. Раҳбар кадрларни танлаш, раҳбарликка номзодлар орасидан муносибларини саралашда эътиборга олинадиган мезонлар: ёши, маълумоти, мутахассислиги, касби, оилавий аҳволи, маънавий қиёфаси, соғлиғи, феъл-атвори, фикрномалар (номзод ишлаётган ташкилот раҳбаридан, номзод раҳбарлигида ишлаётган ходимлардан, номзоднинг олдинги иш жойидаги ҳамкасбларидан, турар жойидаги фаоллардан), тест сўрови натижалари (маънавият-маърифат йўналиши бўйича, сиёсий-иқтисодий соҳа бўйича, касбий соҳаси бўйича), суҳбат натижалари.

**Раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантириш маҳаллий ҳокимлик,
халқ таълими бошқарув идорлари, тажрибали педагоглар, жамоа
ташкилотлари ва касаба уюшмалари вакилларида
иборат жамоатчилик кенгаши
ТАРТИБИ**

I. Умумий қоидалар

1.1. Халқ таълими вазирлиги бошқарув тизимида раҳбар лавозимларга тавсия этиш ва кадрлар заҳирасини шакллантириш Жамоатчилик Кенгаши (кейинчалик Кенгаш) вазир томонидан тасдиқланади ва ўз фаолиятида вазирлик ҳайъат Кенгашига ва вазирга бўйсунди.

1.2. Кенгашнинг асосий вазифалари:

ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида вазирлик бошқарув тизимида кадрлар сиёсатини доимий равишда олиб бориш. Жумладан, вазирлик номенклатурасини яратиш ва янгилаб бориш;

раҳбар лавозимларга истеъдодли, истикболли, мустақиллик ҳояларига содиқ, фидоий ёш кадрлар заҳирасини яратиш, уларни ўқитиш, тарбиялаш, малакасини ошириш ва пировард натижада замонавий раҳбар қилиб тарбиялаш;

раҳбар ходимларнинг алмашинуви (ротация) масаласи юзасидан таклифлар тайёрлаш ва уни амалга ошириш;

вазирнинг буйруғи билан тасдиқланган кадрлар номенклатураси устидан доимий равишда иш олиб бориш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича вазирга таклифлар киритиш, вазирлик номенклатурасидаги барча раҳбар кадрларнинг ҳисобини олиш, бу ҳақида раҳбариятга ахборотлар тайёрлаш, барча зарур масалалар бўйича йиғилишлар, семинарлар ташкил этиш;

вазирнинг биринчи ва йўналишлар бўйича ўринбосарлари тасарруфидаги барча муассасалар ҳамда вазирлик аппаратидаги раҳбар ва ходимларни вазифага тайинлаш ва озод этиш бўйича таклифларини вазир ва вазирлик ҳайъат Кенгаши тасдиғига киритади;

вазирлик аппарати ва унинг тасарруфидаги муассасаларда кадрлар билан ишлаш фаолиятларини ўрганади ва умумлаштиради, уларга ишларни ташкил қилиш ва такомиллаштириш юзасидан услубий, ташкилий ёрдам беради;

худудий халқ таълими бошқарув органларига методик раҳбарликни амалга ошириш, уларнинг ахборотларини эшитиш, ташкилий-кадрлар иши бўйича улар билан консультациялар ўтказди.

1.3. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарор, фармон ва фармойишлари, Олий Мажлис, вазирлик ҳайъат Кенгаши қарорлари ҳамда вазирнинг буйруқлари асосида олиб боради.

1.4. Вазирлик аппаратида ходимларни танлаш бўйича вазирга таклифлар киритади.

1.5. Кенгаш ваколатига қарашли масалалар бўйича зарур бўлганда вазирлик бошқарма ва бўлимлари, тассарруфидаги муассасалар, ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари раҳбарлари ва масъул ходимларини таклиф этади ва уларнинг фикрларини эшитади.

II. Жамоатчилик Кенгашининг тузилиши ва ишнинг ташкил этилиши

2.1. Кенгашнинг тузилмасига: ишчи гуруҳ раиси, ўринбосарлари, котиб ва аъзолар киради. Кенгаш ходимлари юқори малакали давлат ва маҳаллий бошқарув органларида ишлаган тажрибали мутахассислар бўлишлари керак.

2.2. Кенгаш ўз фаолиятини ойлик ва истиқболга мўлжалланган иш режалари асосида олиб боради.

2.3. Кенгаш ҳар ойда йиғилишлар ўтказиб, берилган топшириқлар, режаларнинг бажарилиши назорат этиб, янги мўлжалланган ишлар ва топшириқларни белгилаб олади.

III. Жамоатчилик Кенгашининг ходимларининг вазифалари

3.1. Кенгаш раиси:

Кенгашнинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади, Кенгаш ваколатига кирадиган вазифаларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилайди;

Кенгашга келган ҳужжатларнинг кўриб чиқилишини таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Кенгаш котиби ва аъзоларига керакли топшириқларни беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

вазирга кенгаш ходимларини, ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари раҳбарларини рағбатлантириш ёки ишдан четлатиш тўғрисида таклифлар киритади.

3.2. Кенгаш котиби:

кенгаш аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ўқишларига кадрларни танлаш, қуйи ташкилот органлари раҳбарларини ўқитиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш бўйича фаолиятини олиб боради;

истиқболли ва кундалик масалаларни ҳал этишнинг усуллари ва услубларини аниқлайди ҳамда уларни бажариш учун тайёргарликни ташкил этади ва ўз таклифини киритади;

кенгашда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарор, фармон ва фармойишлари, Олий Мажлис, вазирлик ҳайъат Кенгаши қарорлари ҳамда вазирнинг буйруқлари ва топшириқларини бажарилишининг назорат этилишини таъминлайди, ишчи гуруҳ раисини гуруҳдаги ижро тартиби ҳолати тўғрисида хабардор этиб боради.

3.3. Кенгаш аъзолари:

ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари ишларини мувофиқлаштириб, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади, назорат қилиб, ўрганиб боради, вазир ва Кенгаш раисига зарур маълумотномаларни тайёрлаб беради;

Кенгаш назоратида бўлган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини жойларга бориб ўрганади;

Кенгаш ваколатига кирадиган ва тайёрланган қарор, баённомалар лойиҳаларини ва бошқа меъёрий ҳужжат ҳамда материалларни ўрганади ва ўз таклифларини киритади;

Кенгаш раҳбарига, зарур бўлганда вазирга ўз назоратида бўлган ҳудуддаги халқ таълими тизими фаолияти тўғрисида маълумотлар киритади ҳамда бошқарув органларининг ташкилий ишини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлайди.

IV. Жамоатчилик Кенгаши таркибининг ҳуқуқлари

4.1. Кадрларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш тизимини мувофиқлаштириш.

4.2. Ҳудудларда мунтазам равишда кадрлар билан ишлашнинг аҳволини таҳлил қилиш, натижалари тўғрисида вазирлик раҳбариятига ахборот ва таклифлар бериб бориш.

4.3. Таълим муассасалари ва ўқув юртлари билан кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш юзасидан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйилганлигини назорат қилиш.

4.4. Вазирликнинг ҳудудий бошқарув тизимидаги раҳбар кадрларнинг сифат таркибини таҳлил қилиб бориш ва уни яхшилаш юзасидан вазирга амалий таклифлар тайёрлаш.

4.5. Вазирликнинг ҳудудий бошқарув тизимидаги кадрлар танлаш, тайинлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрлар захирасини яратиш ва шакллантириш юзасидан амалга оширган ишлари, шунингдек, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва ваколатлари доирасида бошқа ишларни аҳволини ўрганиш.

4.6. Давлат мукофотларига тавсия этиш юзасидан тегишли ҳужжатларни вазирликнинг бошқарма ва бўлимлари, тасарруфидаги муассасалар, ҳудудий бошқармаларнинг таклифларини олиш, уларни ишчи гуруҳ билан биргаликда ўрганиб чиқиб, вазирга таклиф киритиш.

4.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясига номзодларни танлаш, ўрганиш ва вазирга таклифлар киритиш.

4.8. Вазирлик аппаратида, тасарруфидаги муассасаларда, бошқарувнинг ҳудудий тармоқ органларида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ижросини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни асосий қоидалари” асосида иш юритишни ташкил этилишини назорат қилиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш.

4.9. Жойларда ўтказилган мақсадли ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан вазирга маълумотномалар ҳамда уларни бартараф этиш ҳақида таклифлар киритиш, чора-тадбирлар белгилаш.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ва “Баркамол авлод” болалар марказларида сифатли таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. “Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган Давлат талаблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х. Даминов), Республика таълим маркази (И. Зокиров), Республика “Баркамол авлод” болалар марказлари раҳбарларига:

мазкур Давлат талабларини ташкил этилаётган барча “Баркамол авлод” болалар марказларига етказилишини таъминлаш;

2011 йил 1 июнга қадар тасдиқланган Давлат талаблари асосида “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган ҳар бир тўғарак тури бўйича янги, замонавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

жорий йилнинг 20 августигача “Баркамол авлод” болалар марказларида илғор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётда фойдаланиш учун жойларга етказиш вазифалари юклатилсин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф. Аҳмедов), Авлониё номли ХТХҚТМОМИ, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлардаги ПХҚТМОИ ректорлари 2011 йил 25 августга қадар мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари ва ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш юзасидан жойларда “Баркамол авлод” болалар марказлари педагог ходимлари ва тўғарак раҳбарлари учун махсус ўқув семинарларини ташкил этсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Республика “Баркамол авлод” болалар марказлари директорлари:

2011 йил 15 сентябрдан эътиборан барча “Баркамол авлод” болалар марказларида таълим жараёнини мазкур мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари ва улар асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурларига кўра ташкил этилишини таъминласин;

жорий йилда ўтказиладиган халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашлари шўъба йиғилишларида “Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари ва янги ўқув дастурларини кенг ўқитувчилар оммасига етказсин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Холбеков зиммасига юклатилсин.

А. Марахимов
Халқ таълими вазири

Тошкент шаҳри,
2011 йил 31 март,
№ 69-сон.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ УЧУН МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

“Баркамол авлод” болалар марказлари мактабдан ташқари таълим муассасаси бўлиб, уларнинг фаолияти ўқувчиларга қўшимча таълим бериш, уларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар онгида миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватани ва халқига садоқат, атроф муҳитга онгли муносабатда бўлиш туйғусини ривожлантириш, аждодларимизнинг бой тарихи, маданий мерослари ва миллий қадриятларини ёш авлодга етказиш, шунингдек ўқувчиларда бошланғич касб-хунар ва меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган бўлиши лозим.

“Баркамол авлод” болалар марказлари *“техник ижодкорлик”, “бадий ижодиёт”* ҳамда *“ўлкашунослик ва экология”* йўналишларида фаолият кўрсатади.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ТЎГАРАКЛАР

Техник ижодкорлик йўналиши:

1. Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш туркумига кирувчи тўғарақлар: *бошланғич техник моделлаштириш; ёш конструктор – ихтирочи (автомодел; авиамодел; ракетамодел; кемасозлик).*
2. Автоматика ва электроника туркумига кирувчи тўғарақлар: *радиотехника, электроника ва алоқа; робототехника ва электрон ўйинчоқлар.*
3. Техник воситалар ва компьютер технологиялари туркумига кирувчи тўғарақлар: *компьютер дизайни ва графика; ёш дастурчи; компьютер сервис хизмати; ёш фото – киноҳаваскор.*

Бадий ижодиёт йўналиши:

1. Халқ амалий безак санъати туркумига кирувчи тўғарақлар: *кулолчилик; кандакорлик; дурадгорлик; ёш мусаввир; майда пластика; заргарлик; моҳир қўллар (бичиш-тикиш, тўқиш; мунчоқли безак); юмшоқ ўйинчоқлар; дўппидўзлик; гиламдўзлик.*
2. Дизайн туркумига кирувчи тўғарақлар: *либослар дизайни; фотодизайн; ландшафт дизайни; ёш архитектор.*
3. Бадий нафосат туркумига кирувчи тўғарақлар: *фольклор; қўғирчоқ театри; ёш журналист ва нотик.*
4. Озиқ-овқат технологиялари туркумига кирувчи тўғарақлар: *ёш пазанда; ёш қандолатчи.*

Ўлкашунослик ва экология йўналиши:

1. Ўлкашунослик ва сайёҳлик туркумига кирувчи тўғараклар: *ёш ўлкашунос; ёш музейшунос; ёш сайёҳ; ёш экскурсовод.*

2. Экология ва саломатлик туркумига кирувчи тўғараклар: *ёш эколог; ёш табиатушунос; оила ва саломатлик.*

3. Флора ва фауна туркумига кирувчи тўғараклар: *ёш ўсимликишунос (мевачилик, гулчилик, сабзавотчилик); ёш зоолог (асаларичилик, қушчилик ва паррандачилик, чорвачилик, аквариум балиқчилиги).*

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ УЧУН МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

“Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари тўғарак машғулотларида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимум меъёрларини белгилаб беради.

Ушбу Давлат талаблари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган.

I. ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК ЙЎНАЛИШИ

1. Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш туркумидаги тўғарак катнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

физика қонунларини, техника хавфсизлиги қоидаларини;

техниканинг яратилиш тарихи, намоёндалари, мактаблари ва уларнинг иш услубларини;

ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом-ашёлар ва асбоб-ускуналарни;

чизмачиликнинг бошланғич асослари ва бошланғич элементларини;

ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган дастгоҳлар ва уларнинг турларини;

дастгоҳларнинг вазифалари ва улардан фойдаланиш усулларини;

модел ва макет тушунчаларини;

техника соҳасидаги кашфиётлар ва уларнинг тарихини.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

қоғоз, картон ва фанера билан ишлаш;

техник асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар билан ишлай олиш;

турли хил моделларни ясаш;

техник моделларни ярата олиш;

яратилаётган техник қурилма ва мосламаларнинг инсон ҳаётидаги ўрнини;

моделларни конструкциялаш жараёнида уни қўллашни;

модел ва макетларни ясашда ишлатиладиган хом-ашёларни ва улардан фойдаланишни билиш;

техник моделлар ва макетларнинг бошланғич элементларини чизиш;
техник модел ва макетларнинг шаблонини тайёрлаш;
картон, фанералардан модел ва макетларни ясаш;
модел ва макетларга безак бериш;
физика қонунларини макет ва моделларни ясашда қўллай олиш;
компьютер техникаларидан фойдалана олиш.

Қуйидаги малакаларни эгаллаши лозим:

техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
модел ва макетларни ясашда ишлатиладиган хом-ашёларни танлай олиш ва асбоб-ускуналардан мустақил фойдаланиш;
модел ва макетларни ясашда чизмадан фойдалана олиш;
модел ва макетларни яратиш;
ўзи кашф этган ихтиронинг ғоясини асослаб бериш;
турли хил техник воситалардан андоза олиш, уларни ясаш ва амалиётга мустақил тадбиқ этиш.

2. Автоматика ва электроника туркумидаги тўғарак қатнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

физика қонунларини, техника хавфсизлиги қоидаларини;
радиотехника, электроника, электротехника воситаларини, алоқанинг тарихи ва кашфиётларини, унинг инсон ҳаёти ва халқ ҳўжалигида тутган ўрнини;

автоматика ва электрон ҳисоблаш техникалари билан ишлаш, электрон ва радиомонтаж ускуналаридан фойдалана билиш, радиотехник мосламалар схемасини ўқий олишни;

электр қаршилиги, ток кучи ва ток кучланишини, ток ўлчайдиган асбобларни;
резисторларнинг турлари ва тавсифини;

ярим ўтказувчанлик хоссасига эга бўлган элементларни, юмшоқ ва қаттиқ магнит материаллар ҳақидаги маълумотларни;

техник ўйинчоқларнинг ривожланиш тарихи ва унинг муваффақиятлари ҳақидаги умумий тушунчаларни;

робототехника тушунчасини, хом ашёлар турларини ва улардан тўғри фойдаланишни.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

қисқа ва ультрақисқа тўлқинларда эфирга чиқиш;

робототехникани моделлаштириш турлари ва техник асбоб-ускуналар ҳамда дастгоҳларни ишлатиш;

ярим ўтказувчанлик хоссасига эга бўлган элементлар, юмшоқ ва қаттиқ магнит материаллар билан ишлаш;

ток кучи ва ток кучланишини ўлчаш асбоблари билан ўлчай олиш;
механик, техник ва энг содда электрон ўйинчоқларни ясай олиш.

Қуйидаги малакаларни эгаллаши лозим:

техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

робототехника турларини моделлаштиришда техник асбоб-ускуналар ҳамда дастгоҳлардан тўғри фойдаланиш;

хом ашё турларидан тўғри фойдаланиш;
турли хил ўйинчоқ роботларни яшаш;
эфирга чиқиш усулларида амалда фойдаланиш;
қисқа ва ультрақисқа тўлқин алоқаларининг замонавий турларидан амалда фойдалана олиш;

техник ўйинчоқларни тайёрлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ва кимёвий ашёлардан фойдаланиш;
ранг танлаш ва уларнинг ўзаро уйғунлиги фарқлаш;
фотодизайн ва уни яратишда қўлланиладиган компьютер дастурларини ишлатиш.

3. Техник воситалар ва компьютер технологиялари туркумидаги тўғарак қатнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

физика қонунларини, техника хавфсизлиги қоидаларини;
компьютер ва компьютер тармоқлари ҳақидаги бошланғич билимларни;
операцион тизимлар ҳақидаги тушунчаларни;
компьютерда дастурлаш тилларини, дастурларнинг вужудга келиши ва ривожланиш омилларини;
компьютерларга операцион тизимларни ва бошқа дастурий таъминотларни ўрнатишни;
компьютерларнинг техник қисмларини алмаштириш бўйича бошланғич билимларни;
дизайн ҳамда графика бўйича бошланғич билимларни;
кинофотография тарихи ва унинг ихтирочиларини;
видеоаппаратура ва видеокамераларнинг турларини;
сўзловчи ва куйловчи жонли образларни видеотасвирда акс эттириш усулларини.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

компьютер техникаларидан фойдалана олиш ва дастурлар тузиш;
кўчма хотирали воситалар (флешка, диск ва ҳ.)дан фойдаланиш;
компьютер техникасига дастурий таъминотларни ўрнатиш;
компьютерларни тармоққа улаш;
видеоаппаратура ва видеокамералардан фойдаланиш;
сўзловчи ва куйловчи жонли образларни видеотасвирда акс эттириш.

Қуйидаги малакаларни эгаллаши лозим:

техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни;
компьютер графикаси ва дизайн дастурида ишлашни;
операцион тизимларда ишлашни;
компьютер қисмларини алмаштира олишни;
компьютер тармоқларида ишлай олишни;
кино ва фото тасвирга олишни;
сўзловчи ва куйловчи жонли образларни кино ва видео тасвирга олиш.

II. БАДИЙ ИЖОДИЁТ ЙЎНАЛИШИ

1. Халқ амалий безак санъати туркумидаги тўғарак қатнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

халқ амалий безак санъати тарихи, намоёндалари, мактаблари ва уларнинг иш услубларини;

халқ амалий санъатида ишлатиладиган хом-ашёлар, асбоб-ускуналарни;

халқ амалий санъатида ишлатиладиган нақшнинг бошланғич элементларини;

амалий безак турларини;

халқ амалий санъатида фойдаланиладиган дастгоҳлар ва уларнинг турларини;

тикув машиналари вазифалари, турларини, тикиш ва андоза олиш усулларини;

лой ва пластилиндан ясаладиган турли кўринишдаги ўйинчоқ, ҳайкалча ва буюмларни;

халқ амалий безак санъатининг қадимий ва замонавий усулларини замонавий услублар билан уйғунлаштиришнинг бошланғич тартибларини;

бадий безалган буюмларнинг сифатини;

миниатюра ва уларнинг услубини;

халқ амалий безак санъатида фойдаланиладиган рангларни.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

халқ амалий безак санъати мактабларининг иш услубларидаги фарқларни ажратиш;

халқ амалий санъатида ишлатиладиган хом-ашёларни ва асбоб-ускуналардан фойдалана билиш;

амалий безак турларини бир-биридан ажрата олиш;

халқ амалий санъатида ишлатиладиган дастгоҳларнинг вазифаларини фарқлай олиш ва улардан фойдаланиш;

тикув машиналарида ва кўл чокларини тикиш, турли хил либосларга андоза олиш;

лой ва пластилиндан турли кўринишдаги ўйинчоқ, ҳайкалча ва буюмларни ясаш;

бадий безалган буюмларга ишлов бериш ва уларни сифатларга ажрата олиш;

шарқ миниатюрасидаги ранг ва чизиқларни фарқлай олиш ҳамда уларни ўз ижодий фаолиятига татбиқ эта олиш;

халқ амалий безак санъати йўналишида фойдаланиладиган рангларни ишлатиш.

Қуйидаги малакани эгаллаши лозим:

халқ амалий санъатида ишлатиладиган хом-ашёлар ва асбоб-ускуналардан мустақил фойдаланиш;

амалий безак турларини чизишни ҳамда ўйиш;

халқ амалий санъатида ишлатиладиган дастгоҳлардан турли буюмларни ясаш;

турли хил либосларга андоза олиш ва уларни тикиш;

лой ва пластилиндан турли кўринишдаги ўйинчоқ, ҳайкалча ва буюмларни мустақил ясаш;

бадий безалган буюмларни сифатларга ажратиш;
шарқ миниатюраси, ундаги ранг ва чизикларни фарқлаш, уларни амалиётга мустақил татбиқ этиш;
халқ амалий безак санъати йўналишида фойдаланиладиган рангларни турли усулларда ишлатиш.

2. Дизайн туркумидаги тўғарак қатнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

матолар турини, уларнинг хусусиятларини;
либослар ва уларнинг турларини;
либослар дизайнини яратишда рангларнинг аҳамиятини;
либослар дизайни ва унинг шакллари;
фотодизайн ва уни яратишда қўлланиладиган компьютер дастурларини;
тасвирлар ва уларнинг ўзаро уйғунлигини;
ландшафт дизайни тушунчаси ва манзарали ўсимликлар хилларини;
экологик, антропоген ва бошқа омилларнинг ландшафт дизайнига таъсирини;
ландшафт дизайнини яратиш усулларини;
турли ўлчам ва кўринишдаги бино, иншоотлар ҳақидаги маълумотларни;
қурилиш дизайни ва миллий архитектура тарихи ҳақидаги маълумотларни;
архитектура ва қурилишда ишлатиладиган хом ашёларни ва техник воситаларни.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

дизайн яратишда мавсумий либосларни фарқлай олиш;
либосларнинг миллий ва замонавий дизайнлари лойиҳасини яратиш;
матолар тури ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб либос дизайнига мос матоларни танлаш;
либослар дизайнини яратишда мос ранг танлаш;
фотодизайнни яратишда қўлланиладиган компьютер дастурлари асосида турли фотоларга дизайн бериш;
турли фототасвирларга дизайн беришда рангларни танлай олиш;
рангларнинг ўзаро уйғунлиги асосида дизайнлар ярата олиш;
манзарали ўсимликлар хилларини бир-биридан ажрата олиш ва уларни турли усулларда парваришлаш;
ландшафт дизайнини яратиш тартиби;
турли ўлчамдаги бино ва иншоотлар лойиҳаларини яратиш.

Қуйидаги малакаларни эгаллаши лозим:

дизайн яратишда мавсумий либосларни фарқлаш;
либосларнинг миллий ва замонавий дизайнларини яратиш;
мавсумий либослар дизайнини яратиш;
матоларнинг хусусиятлари ва рангларни уйғунлаштириш асосида либослар дизайнини яратиш;
компьютер технологиясининг махсус дастурлари асосида фотолар дизайнини яратиш;
турли фототасвирларга дизайн беришда рангларни танлаш;
рангларнинг ўзаро уйғунлиги асосида дизайнлар яратиш;

жойнинг тупроқ иқлим шароитларига мослашган ўсимлик турларини танлаш;

жойнинг тузилиши ва ундаги асосий биноларнинг кўринишига мос равишда мустақил ландшафт дизайнини яратиш;

турли ўлчамдаги бино ва иншоотлар лойиҳаларини мустақил чизиш.

3. Бадий нафосат туркумидаги тўғарак қатнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

фольклор кўшиқлари ва уларнинг яратилиш тарихини;

фольклор кўшиқларининг турлари, услублари, намоёндаларини;

фольклор халқ оғзаки ижодига хос бўлган либослар турлари ва улар орасидаги фарқларни;

фольклорга хос бўлган миллий рақс йўналишларини;

фольклор кўшиқларида фойдаланиладиган миллий халқ чолғу асбоблари ҳақидаги маълумотларни;

фольклор кўшиқларида фойдаланиладиган миллий халқ чолғу асбобларини чалиш усулларини;

ўзбек миллий драматурглари яратган асарлар, хусусан, сахна маданиятини;

қўғирчоқлар ва уларни ўйнатиш усулларини;

ўзбек ва жаҳон халқ эртаклари намуналарини;

журналистикага хос бўлган хусусиятларни;

бадий ўқиш ва нотикликнинг бошланғич сирларини.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

фольклорга оид мавсумий ва маросим кўшиқларини ижро эта олиш;

фольклор халқ оғзаки ижодига хос бўлган либослар турларини фарқлаш;

фольклорга хос бўлган турли мавсумий ва маросим кўшиқларига хос рақсларни фарқлаш;

фольклор кўшиқларида фойдаланиладиган миллий халқ чолғу асбобларини турли усулларда чала олиш;

ўзбек миллий драматурглари яратган асарлар асосида турли образларга кира олиш;

турли қўғирчоқларни танланган сценарий бўйича турли усулларда ўйната олиш;

ўзбек халқ ва жаҳон эртаклари намуналари асосида сахна асарини ярата олиш;

сўз бойликларига эга бўлиш;

нутқ жараёнида овозни қоидаларга мувофиқ сақлай олиш;

матнларни тўғри, тез, ифодали ва бадий ўқий олиш.

Қуйидаги малакаларни эгаллаши лозим:

турли мавсум ва миллий маросимларда фольклор кўшиқларини ижро этиш;

фольклор кўшиқларида унга хос бўлган либосларни танлаш;

фольклорга хос бўлган турли мавсумий ва маросим кўшиқларига хос рақсларини ижро этиш;

фольклор кўшиқларида фойдаланиладиган миллий халқ чолғу асбобларини турли усулларда кўшиқларга мос равишда чалиш;

Ўзбек миллий драматурглари яратган асарлар асосида турли образларга яратиш;

қўғирчоқларни танланган сценарий бўйича турли усулларда ҳаракатга келтира олиш;

Ўзбек халқ ва жаҳон эртакларидан намуналари асосида кичик сахна асарларини ярата олиш;

овоз қоидаларига мувофиқ нутқ қилиш;

мустақил ижодий матн ва мақолалар тайёрлаш.

4. Озиқ-овқат технологиялари туркумига кирувчи тўғарак қатнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

миллий ва европа таомлари турларини;

таомлар тайёрлашда ишлатиладиган маҳсулотлар турларини;

озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини;

озиқ-овқат техникаси ва уларни тайёрлаш технологияларининг қолиплари ҳақидаги маълумотларни;

таомларни тайёрлашда ва қандолатчиликда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар (уй-рўзғор буюмлари) ва жиҳозларни;

қандолатчилик маҳсулотлари тури ва таркибини;

қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва пишириш тартибини;

уларни безаш усулларини.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

миллий ва европа таомлари турларини бир-биридан ажратиш;

миллий ва европа таомларини тайёрлаш;

қандолатчилик маҳсулотлари турларини бир-биридан ажратиш;

қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш;

тайёрланган таомларни турли усулларда безаш;

қандолатчилик маҳсулотлари ва таомлар пиширишда фойдаланиладиган асбоб-ускана ва жиҳозлардан фойдаланиш.

Қуйидаги малакаларга эга бўлиши лозим:

турли миллий ва европа таомларини мустақил тайёрлаш;

турли қандолатчилик маҳсулотларини мустақил пишириш;

қандолатчилик маҳсулотлари ва таомлар тайёрлашда фойдаланиладиган асбоб-ускана ва жиҳозларни мустақил ишлата олиш;

қандолатчилик маҳсулотларини мустақил безаш.

III. ЎЛКАШУНОСЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ

1. Ўлкашунослик ва сайёҳлик туркумидаги тўғарак қатнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

ўлкашуносликнинг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, йўналишлари ва аҳамиятини;

ўлканинг ижтимоий-иқтисодий географияси (табiiй ресурслари, саноати, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш тармоқлари, транспорт географияси)ни;

ўлканинг йирик географ, тарихчи, биолог, археолог, музейшунос, адабиёт намоёндалари ва бошқа тарихий шахсларини;

ўлканинг жой номлари, қадимги ва айни пайтдаги табиий географик шароити (геологик тузилиши, рельефи, иқлими, сув ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, тупроқлари)ни;

сайёҳлик тушунчаси ва шаклларини;

ўлкага оид тарихий ва географик хариталарни;

сайёҳликка оид спорт меъёрлари, машғулотлари ва уларнинг турларини;

об-ҳавонинг ўзгариш хусусиятларини;

фавқулодда вазиятлар ва уларнинг хусусиятларини;

рельеф шакллари, тоғ тушунчаси ва уларнинг таснифланиши ҳамда ўз ўлкасидаги тоғ тизмалари ва чўққиларини;

замонавий ахборот коммуникация технологияларини.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

ўлка топонимлари, уларнинг вужудга келиш сабаблари, топонимларнинг таснифланиши, ўз халқининг шаклланиши ва ривожланиши, ўлкадаги тарихий шахсларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида рефератлар, ҳикоялар ёза олиш;

археологик манба ва топилмаларнинг аҳамиятини, археологик сана ва даврлаштириш ҳамда уларнинг хронологиясини тузиш;

макон ва манбалар, ёдгорликлар, археологик топилма ва ашёларни таснифларга ажрата олиш;

харитадан географик, геологик ва археологик объектларнинг географик координатлари, белгиланган йўналишларни, масофаларни аниқлаш;

маълум жой-ўлкани ўрганиш бўйича режа ва йўналишларни ишлаб чиқиш;

об-ҳавонинг ўзгариши тўғрисида кузатув ишларини олиб бориш;

фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳаракатланишга тайёрлаш ҳамда умумий ва якка тартибда муҳофазаланиш чораларини кўра олиш;

ўз ўлкаси (тумани ва вилояти)даги мавжуд сайёҳлик объектларига тўла тавсиф бера олиш.

Қуйидаги малакаларга эга бўлиши лозим:

археологик қазиш (шурф)ни, археологик қидирув усуллари ҳамда илк археологик экспедиция ва қидирув ишларини олиб бориш;

музейлар ва музейшунослик ишларини ташкил этиш ва олиб боришни;

географик ва геологик, археологик аслаҳа-анжомлардан фойдаланиш;

экскурсия ва саёҳатларни ташкил этиш ва ўтказиш;

саёҳатни ташкил этиш;

сайёҳлик анжомларидан фойдаланиш;

хариталардан фойдаланиш;

биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш;

саёҳат вақтида об-ҳаво ҳолатини аниқлай олиш;

ўз ўлкаси (тумани ва вилояти)да мавжуд сайёҳлик объектларига тўлиқ тавсиф бера олиш;

замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш.

2. Экология ва саломатлик туркумидаги тўғарак қатнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

баҳор, ёз, куз ва қиш фасллариининг характерли белгилари, мавсумий ўзгаришларнинг организмга таъсирини;

иқлим ва об-ҳавонинг ўзгариши тўғрисидаги дастлабки тушунчаларни;

ер, сув, тупроқ, ҳарорат, намлик, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги умумий маълумотларни;

жонли ва жонсиз табиат, уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини;

экологик омилларнинг бир-биридан фарқлари ва организмга таъсирини;

соғлом турмуш тарзининг асосий меъёрлари ва уларнинг инсон ҳаётидаги ўрнини;

соғлиқни сақлаш гигиеник қоидалари ҳақидаги тушунчаларни.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

табиатдаги мавсумий ўзгаришларни кузата олиш ва унинг натижаларини қайд этиб бориш;

инсонга хизмат қиладиган табиат инъомлари ва уларга хавф туғдираётган сабабларни фарқлай олиш;

атроф-муҳит: ер сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш;

атроф-муҳитнинг ифлосланиш оқибатларини;

чиқинди турларини ва уларнинг зарарли хусусиятларини фарқлаш;

маданий ўсимликлардан экибаналар ва гербарийлар тайёрлаш;

соғлом турмуш тарзига ва соғлиқни сақлаш гигиеник қоидаларига амал қилишни.

Қуйидаги малакаларни эгаллаши лозим:

экология ва саломатлик тушунчаларининг уйғунлиги ва уларнинг фарқини тушунтириш;

ўз организми тузилишини таърифлаш;

соғлом турмуш тарзининг асосий меъёрлари ва уларнинг инсон ҳаётидаги ўрнини тушунтириш;

озик-овқатларнинг сақланишига қўйиладиган санитария-гигиена талабларини ўз ҳаётига тадбиқ этиш;

турли хил касалликлар ва уларга сабаб бўлувчи зарарли одатлар ҳамда уларнинг олдини олиш усуллари ҳақидаги маълумотларни тушунтириш;

меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил этиш ва уларга амал қилиш;

табиатда учрайдиган захарли ўсимлик ва ҳайвонот турларини ажратиш;

фавқулодда ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

3. Флора ва фауна туркумидаги тўғарак қатнашчилари:

Қуйидагиларни билиши лозим:

ўсимликлар, уларнинг оилалари, турлари, биологияси, тарқалиши ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини;

сабзавот, полиз ва манзарали ўсимликлар турларини, уларни кўпайтириш ҳамда парвариш қилиш усулларини;

мевали дарахтлар, уларнинг аҳамияти ва парвариш қилиш усулларини;

чорва, парранда, мўйнали ҳайвонлар, уларни парваришлаш усулларини;

кўлга ўргатиладиган турли қушларни парваришlash усуллари;
асалари, уларнинг аҳамияти ва парваришlash усуллари;
аквариум балиқлари, уларнинг аҳамияти ва парваришlash усуллари;
доривор ўсимликларнинг турлари ва фойдали хусусиятларини.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

доривор ўсимликларнинг хилма-хиллиги ва фойдали хусусиятларини фарқлай олиш;

табиатдаги муҳофазага молик ўсимликларни муҳофаза қилиш;

чорва, парранда, мўйнали ҳайвонларни парваришлай олиш;

мевали дарахтларни парвариш қилиш;

аквариум балиқлари ва асалариларни парваришlash;

махаллий ўрмон, дала, ўтлоқ, сув ҳавзаларидаги кенг тарқалган, шунингдек қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва ҳайвонларини фарқлай олиш.

Қуйидаги малакаларни эгаллаши лозим:

мевали ва манзарали, ўрмон экинларини парваришlash ва кўпайтириш;

сабзавот-полиз, гулли ва доривор ўсимликларни парваришlash ва кўпайти-
ра олиш;

чорва, мўйнали ҳайвонлар, балиқ, асалари, қушлар ва парранда зотларини парваришlash ва кўпайтириш;

доривор ўсимликлардан шифобахш дамламалар тайёрлаш;

иссиқхона шароитида қишлоқ хўжалик ўсимликларини кўпайтириш ва парваришlash.

Изоҳ: “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган ҳар бир тўғарак учун ўқув дастурлари, ўқув режалари ва методик тавсиялар ушбу давлат талаблари асосида ишлаб чиқилади.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ТЎГАРАК АЪЗОЛАРИНИНГ БИЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

“Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларининг тўғарак аъзолари томонидан ўзлаштириш самарадорлигини аниқлаш Ички назорат шаклида амалга оширилади.

Ички назорат тўғарак раҳбари томонидан белгиланиб, ҳар чоракда ва ўқув йили якуни асосида тўғарак аъзоларининг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари оғзаки, ёзма, тест синовлари ва амалий иш натижалари асосида аниқланиб, уларнинг мониторинги олиб борилади.

Тўғарак аъзоларининг билим, кўникма ва малакаларини аниқлашнинг намунавий шакли қуйидагича:

_____ тўғараги аъзоларининг
“Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари
таълимга қўйилган Давлат талабларини ўзлаштириш қайдномаси

№	Тўғарак аъзоларининг исми шарифи	Синов тури	Ўзлаштириш натижалари	
			фоизи	бали
1.	Нишонов Шерзод	амалий	86	5
2.				
...				
жами				

Баҳолаш мезони қуйидагича белгиланади:

5 балл (85–100 фоиз), 4 балл (71–84 фоиз), 3 балл (63–70 фоиз), 2 балл (0–62 фоиз).

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 130-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. “Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х. Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

уч кун муддатда намунавий Уставни янги ташкил этиладиган барча “Баркамол авлод” болалар марказларига етказиш;

икки ҳафта муддатда намунавий Устав асосида барча “Баркамол авлод” болалар марказлари уставларининг ишлаб чиқилишини, уларнинг тегишли таълим бошқаруви органлари томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланишини ҳамда маҳаллий ҳокимликлардан рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

барча “Баркамол авлод” болалар марказларининг “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомга ва ўз уставига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

3. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2009 йил 4 мартдаги 50-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Холбеков зиммасига юклатилсин.

А. Мараҳимов
Халқ таълими вазири

*Тошкент шаҳри,
2011 йил 14 май,
№ 103-сон*

“Баркамол авлод” болалар марказининг Намунавий Устави

I. Умумий қоидалар

“Баркамол авлод” болалар маркази (кейинги ўринларда “Марказ” деб юритилади) _____
(қарор, фармойиш, таъсисчининг буйруғи)

асосида ташкил топган.

2. Марказнинг тўлиқ номи: _____
3. Марказнинг қисқартирилган номи: _____
4. Таълим тури: _____
5. Таълим фаолияти йўналиши: _____
6. Мулкчилик шакли: _____
7. Марказнинг юридик манзили: _____
8. Марказ муассиси: _____
9. Муассиснинг юридик манзили: _____

10. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (матн кейинги ўринларида “Вазирлик” деб юритилади) ва унинг ҳудудий органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, буйруқлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 130-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ҳамда ушбу намунавий Уставга амал қилади.

11. Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, банк ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, юридик манзили кўрсатилган штампга ва бланкаларга эга бўлади.

12. Марказ Ўзбекистон Республикасида жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган давлат мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади, ўқувчиларга кўшимча таълим-тарбия беришга мўлжалланган.

II. Марказнинг мақсад ва вазифалари

13. Марказнинг асосий мақсади ўқувчи-ёшларнинг мактабдан ташқари таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, уларга мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари асосида билим, кўникма ва малакалар бериш, ҳар

бир боланинг билим даражасини, ижодий имкониятларини аниқлаш ва тўлақонли ривожлантириш орқали таълим дастурларини ўзлаштиришга эришиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдан иборатдир.

14. Марказнинг асосий вазифалари:

болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятини ривожлантириш ҳамда фойдали дам олишини ташкил этиш;

меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ техник воситалар ва компьютер технологиялари ишини ўрганишни ташкил этган ҳолда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш;

болалар томонидан жонажон ўлка тарихи, археологик ва маданий мерос чуқур ўрганилиши, мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгаллаб олиш;

мактабдан ташқари таълим тизимига илғор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари кенг жорий этиш;

маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш;

ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра бошланғич касб-хунар сирларини пухта эгаллашлари ва таълимнинг кейинги босқичини тўғри танлашларига кўмаклашиш ҳамда ижодий меҳнат қилишларига шарт-шароитлар яратиш;

болалар қобилиятини ривожлантиришга қаратилган техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларидаги тадбирларни ўтказиш.

15. Марказнинг мажбуриятлари:

Халқ таълими органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, кўрсатмаларини бажариш;

ўз Уставида назарда тутилган вазифаларни ижро этиш;

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари, ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув қўлланмалари ва дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълимга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, назарда тутилаётган тўғрақ аъзолари контингентини аниқлаш;

ўқув режасини тегишли халқ таълими органлари билан келишиш;

таълим-тарбия жараёнини ўрнатилган тартибда санитария-гигиена нормаларига ва хавфсизлик қоидаларига мувофиқ ташкил этиш;

Марказнинг моддий-техник таъминоти ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш;

давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан тўғри фойдаланишни таъминлаш юзасидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини амалдаги қоидаларга мувофиқ олиб бориш;

давлат ташкилотлари учун белгиланган тартибда маънавий эскирган, фойдаланиш муддатлари ўтган, яроқсиз бўлиб қолган жиҳозларни, транспорт воситалари ва асбоб – ускуналарни ҳисобдан чиқариш;

тўғарақларни ташкил этишда тўғарақ аъзоларининг ёши, рухий-физиологик ҳолати, лаёқати ва қизиқишларини инобатга олиш.

16. Марказ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

марказ ходимлари ва тўғарақ аъзоларидан муассасанинг Устави ва ички тартиб қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

тўғарақ ашғулотларини ўтказишни такомиллаштириш ва таълим жараёнини методик таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

молиялаштиришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган турли манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш.

17. Марказ қонунчиликда белгиланган тартибда мактабдан ташқари таълим бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин.

III. Таълим олувчилар

18. Марказда ташкил этиладиган тўғарақларга 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар жалб этилади.

19. Тўғарақ аъзоларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Марказда ихтиёрий равишда мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида таълим олиш;

қизиқишларига кўра тўғарақ турини танлаш;

бир неча тўғарақларда қатнашиш, йил давомида қизиқиш ва истакларига қараб, бўш ўринлар мавжуд бўлса бошқа тўғарақларга ўтиш;

инсоний кадр-қимматининг ҳурмат қилиниши, виждон эркинлиги, ахборот эркинлиги, ўз қарашлари ва эътиқодини ифодалаш;

Марказнинг жамоатчилик органларини сайлаш ва уларга сайланиш;

турли хил семинар, конференциялар, кўргазма ва кўрик-танловларда иштирок этиш;

Марказнинг иш фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар киритиш.

20. Тўғарақ аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

Марказнинг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва уни асраб-авайлаш;

Марказ Устави, ички тартиб-қоидаларига, ахлоқий ва маънавий нораларига риоя қилиш;

сабабсиз машғулот қолдирмаслик, тўғарақ раҳбарлари томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариш;

21. Ота-оналар (ёки улар ўрнини босувчи шахслар) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фарзандлари учун тўғарақ турини танлаш;

Марказ маъмуриятидан мазкур муассаса Уставига мувофиқ зарур шарт-шароитларни яратишни талаб қилиш;

фарзандига ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

Марказни жамоатчилик асосида бошқаришда иштирок этиш;

маъмуриятнинг рухсати билан машғулотлар ишида тўғарак аъзолари билан бирга тўғарак раҳбарининг розилиги билан қатнашиш;

ўз фарзандларининг марказдаги таълим олиш жараёнида ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этилишида фаол қатнашиш.

22. Ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) мажбуриятлари:

фарзандининг жисмоний ва руҳий соғлом бўлиши учун ғамхўрлик қилиш;

бола шахсига ҳурмат билан қараш, уни меҳнатсеварлик, эзгулик, ватан-парварлик руҳида тарбиялаш;

фарзандида қонунларга итоаткорлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат туйғусини тарбиялаш;

фарзандига тўғарак машғулотларида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

фарзандини Марказда таълим олиши учун олиб келиш ва олиб кетиш;

ота-она тўловларини белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаб бориш.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий иш

23. Марказ кўп тармоқли бўлиб, фаолият юритадиган ҳудудининг хусусияти, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга қаратилган техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларидаги тўғараклар ташкил этади.

Тўғараклар ўз фаолиятини ўқув дастурлари асосида амалга оширади. Ўқув дастурлари Вазирлик тасарруфидаги Республика таълим маркази қошидаги тегишли илмий-методик кенгашда тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан амалиётга тадбиқ этилади.

24. Марказда таълим-тарбия ишлари давлат тилида, шунингдек, маҳаллий хусусиятдан келиб чиққан ҳолда рус тилида олиб борилади.

25. Марказда ташкил этиладиган тўғарак машғулотлари мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мувофиқ биринчи, иккинчи ва кейинги ўқув йилларида тегишли ўқув дастурлари асосида, хусусан, техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича гуруҳларга бўлиб ўтказилади.

Тўғарак машғулотлари ўқув дастурлари талабларига кўра бутун ўқув йили учун ҳамда қисқароқ муддатларга ҳам ташкил этилади.

Тўғарак машғулотлари ўқув йилининг 15 сентябридан кечикмаган ҳолда бошланиб 25 майда якунланади. Ёзги таътил кунлари учун алоҳида мавсумий режалар тузилади.

Марказнинг тўғарак машғулотлари жадвали тўғарак аъзолари учун қулай тартибда, уларнинг ёши, психофизиологик хусусиятлари ва санитария-гигиена нормалари инобатга олинган ҳолда педагогик ходимларнинг тақдимномасига кўра маъмурият томонидан тузилади ва тасдиқланади.

26. Марказда тўғарак машғулотларининг ташкил этилиши учун ҳафтада 6 академик соат ажратилади. 6 ёшли болалар учун олиб бориладиган тўғарак машғулотлари вақти 35 дақиқа этиб белгиланади ва у ҳафтада 2 академик соатдан ошмаслиги лозим.

Марказда ҳар бир гуруҳдаги тўғарак аъзоларининг сони биринчи ўқув йилида 10 нафардан, иккинчи ва ундан кейинги ўқув йилларида эса 8 нафардан кам бўлмаслиги лозим.

Тўғараклар ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, махсус ўқув дастурлари асосида биринчи ва иккинчи ўқув йилларидан кейинги ўқув йиллари учун ҳам ташкил этилиши мумкин.

27. Марказ таътил пайтларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, дам олишларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида муассасалар ва маҳаллаларда (овулларда) ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорликда турли йўналишдаги оммавий тадбирларни ташкил этиши мумкин.

28. Марказ томонидан ўқувчиларга қўшимча таълим олганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 130-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга илова қилинган намунадаги шаклда гувоҳнома берилади.

29. Марказ тегишли халқ таълими органлари билан келишган ҳолда ўз йўналишлари бўйича умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган тўғараклар фаолиятига амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

30. Марказ Вазирлик тизимидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари билан ҳамкорликда ходимларнинг малакасини оширишни таъминлайди, илғор тажрибалар асосида тўғарак ўқув дастурларини тузиш ва такомиллаштиришга оид ишларни олиб боради.

Марказ ўқув йили натижалари бўйича тўғарак аъзолари билим, кўникма ва малакаларининг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини оғзаки, ёзма, тест синовлари ва амалий иш натижалари асосида мунтазам қилиб боради.

Марказ ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, ижодий уюшмалар, жамғармалар, бошқа ташкилотлар, маҳаллалар (овуллар), ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан узвий ҳамкорликда иш олиб боради.

31. Марказ тасарруфида сайёҳлик базалари ва ўқув тажриба-синов майдончалари ташкил этилиши мумкин.

V. Таълим муассасасининг тузилиши

(Мазкур бўлимга таълим муассасасининг таркибий бўлинмалари, уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби ва шартлари киритилади).

VI. Педагог ходимлар

32. Марказнинг педагог ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз касбий шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;

Марказни бошқаришда иштирок этиш;

Марказ маъмуриятига тўғараклар фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

касб фаолияти учун шароитлар билан таъминланиш, малакасини ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш, таълим шакли, услуби ва воситаларини танлашда ташаббус кўрсатиш;

тўғарак аъзоларини ўқитиш ва тарбиялашнинг воситалари ва усуллари мустақил белгилаш;

тўғарак машғулотларининг ўзига хос, ижодий дастурларини ишлаб чиқиш;

педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Марказнинг педагог ходимлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув дастурлари ва қўлланмалари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

педагог ахлоқ-одобига қатъий риоя қилиш;

ўқув-тарбиявий ишларни юқори савияда олиб бориш, таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқитиш воситаларини яратишда фаол қатнашиш;

боланинг кадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат каби фазилатларни шакллантириш, она Ватанига садоқат, давлат тилига, миллий ва умуминсоний, тарихий ва маданий қадриятларга, ота-онага ва ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устида мунтазам ишлаш;

ўқув-тарбиявий ва услубий ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

жисмонан бақувват, маънавий пок, фидойи, изланувчан, ташаббускор, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш;

Марказда, жамоат орасида ўз обрўси, маънавий-ахлоқий фаолиятлари билан бошқаларга ўрнак бўлиши;

34. Олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларининг тегишли маълумотига ҳамда касбий тайёргарликка, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахслар марказда педагогик фаолият билан шуғулланишга ҳақли.

Шунингдек, зарур ҳолларда, тегишли педагогик маълумотга эга бўлмаган, аммо касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга ҳамда “Уста”, техник ва сайёҳлик соҳаси бўйича “Спорт устаси” ёки “Спорт усталигига номзод” мақомига эга бўлган шахслар ҳам Марказда педагогик фаолият билан шуғулланишга жалб қилиниши мумкин.

35. Марказга ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш қонунчиликларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Марказда тўғарак машғулотларини ўтказишга асосан умутаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари 0,5 ставка бўйича ҳисоб-китобдан келиб чиқиб контракт асосида қабул этилади.

36. Суд ҳукми билан ёки тиббий ҳулосага кўра педагогик фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг Марказда ушбу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Марказ педагог ходимларининг фаолияти ўқувчилар шахсини, уларнинг маданий савиясини, фаоллигини, мустақиллигини, масъулиятлилигини, онгли, интизомли, уюшқоқ ва тартибли бўлишини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

37. Марказ тўғарак раҳбарларининг ҳафталик иш юкламаси 18 соатни ташкил этади.

38. Марказ педагог ходимларига қўйиладиган малака талаблари Вазирлик томонидан белгиланади.

VII. Марказга раҳбарлик қилиш

39. Марказўрнатилган тартибда муассис томонидан тайинладиган директор раҳбарлик қилади.

Марказ директорини ишга қабул қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вазирлик билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек, Марказ директори лавозимига қўйиладиган малака талаблари Вазирлик томонидан белгиланади.

40. Марказ директори:

Марказ номидан фаолият кўрсатади, барча муассаса ва ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Марказ мол-мулкани белгиланган тартибда тасарруф этади;

ўрнатилган тартибда ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида, унинг ҳудудий бўлимларида ва банк муассасаларида Марказ ҳисоб рақамларини очади;

Марказ ходимларини ишга қабул қилиш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, рағбатлантиради, интизомий жазо чораларини кўради ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини тўхтатади;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқаради;

Марказнинг ишларини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича халқ таълимининг юқори бошқарув органларига таклифлар киритади;

ўқувчилар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишнинг самарали ташкил этилиши, ўқув-тарбия жараёни, молия-хўжалик фаолияти аҳволи, моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши ва моддий бойликларнинг сақланиши учун жавоб беради.

41. Марказ тизимида сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкил этилишига ва фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди.

42. Педагогик кенгаш Марказда ўзини-ўзи бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Марказнинг педагогик жамоаси тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан Педагогик кенгаш таркибини сайлайди, уларнинг ваколатлари ва муддатини белгилайди.

43. Педагогик кенгаш ваколати қўйидагилардан иборат:

Марказ фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, унинг фаолияти сифат ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида ўқувчиларга керакли бўлган билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишида Марказ педагогик жамоасининг ҳаракатини бирлаштириш, таълим-тарбия сифатини ривожлантириш бўйича аниқ тадбирлар белгилаш;

таълим жараёнига янги педагогик технологияларни ва техник-ахборот воситаларини татбиқ этиш;

педагогик ходимларнинг касбий маҳорати, обрўси ва жавобгарлигини оширишга йўналтирилган мақсадли ишларни олиб бориш, уларнинг илмий-услубий малакаларини ошириш, ижодий ташаббусларини ривожлантириш.

44. Педагогик кенгаш йиғилиши йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

45. Ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш, педагогик ходимларнинг касб маҳоратларини ва ижодий ўсишларини кучайтириш мақсадида марказда педагогик ходимларни бирлаштирувчи жамоавий орган – услубий кенгаш тузилади.

Услубий кенгаш раиси педагогик ходимлар жамоаси томонидан сайланади.

Услубий кенгаш ўқув режалари, дастурлари, ўқув қўлланмаларини янги педагогик технологиялар асосида жорий этиш йўллариини муҳокама қилади, педагогик ходимларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ишларини ташкил қилиш юзасидан қарорлар қабул қилади.

46. Марказнинг Устави умумий йиғилишда қабул қилиниди. Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъмилаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тасдиқланади, тегишли ҳокимият рўйхатидан ўтказилади.

VIII. Марказнинг мол-мулки ва маблағлари

47. Муассис ёки ваколатли давлат органи Марказга мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бириктиради.

Марказ ўзига бириктирилган мол-мулкни ва харажатлар сметаси бўйича ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ўз тасарруфидаги пул маблағларига жавоб беради.

48. Муассаса фаолияти давлат бюджети ва бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

49. Қуйидагилар марказнинг мол-мулкини ва молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар; ота-оналар тўловлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

50. Марказ аҳолига, турли ташкилотларга пуллик таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатишга, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган, муассасанинг асосий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган бошқа тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли.

51. Қуйидагилар марказ маблағларининг қўшимча манбалари ҳисобланади:

ўқувчилар ва педагог ходимлар томонидан ўқув жараёнида тайёрланган буюм ва маҳсулотларни белгиланган тартибда сотишдан тушган маблағлар;

асосий машғулотлардан ташқари пайтда, таълим-тарбия жараёнига таъсир этмаган ҳолда, бўш турган бино ва иншоотлар, ўқув жиҳози ва асбоб-ускуналарини белгиланган тартибда ижарага беришдан тушган маблағлар;

эскирган ва яроқсиз ҳолга келган ускуналарни белгиланган тартибда рўйхатдан чиқариш орқали тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

бошқа тушумлар.

52. Педагог ходимларни мукофотлаш белгиланган тартибга кўра амалга оширилади.

53. Марказнинг моддий-техника базаси ерларни, биноларни, кутубхоналарни, спорт залларини, коммуникация, машина ва ускуналарни, транспорт воситалари ҳамда таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиладиган бошқа анжомларни ўз ичига олади.

IX. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш

54. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ**

2011 йил 23 сентябр

2267-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**““БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА БОЛАЛАР
ЎҚИГАНЛИГИ УЧУН ОТА-ОНАЛАР ТЎЛОВИНИ УНДИРИШ ВА
УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ**

ҚАРОР

2011 йил 3 октябрдан кучга киради

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Идоровий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРОРИ

“Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун
ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги
Низомни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги 50-сон “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 9-сон, 89-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги **қарор қилади:**

1. “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини йиғиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири
Тошкент ш.,
2011 йил 10 август,
48-сон

Р. Азимов

Халқ таълими вазири
Тошкент ш.,
2011 йил 10 август,
23-сон

Т. Ширинов

**“Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганлиги учун ота-оналар
тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида
Низом**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги 50-сон “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 9-сон, 89-бет) қарорига мувофиқ “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини (кейинги ўринларда – тўлов) ундириш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Тўлов вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ва республиканинг бошқа туманлари (шаҳарларида) 5 фоиз миқдорида ундирилади.

II. Тўловни амалга ошириш тартиби

2. Тўлов ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва “Баркамол авлод” болалар маркази ўртасида тузилган шартномага асосан тўланади. Ушбу шартномада тўлов белгиланган миқдорда ва узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда боланинг таълим олишини тўхтатиш ва бекор қилиш шартлари кўрсатилиши шарт.

3. Ҳар ойда жорий ой учун тўлов мазкур ойнинг 10-санасидан кечикмасдан тўланади.

4. Мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган муддатдан сўнг тўлов икки ҳафта мобайнида белгиланган миқдорда ва узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда, боланинг ўқиши тўхтатилади, агар тўлов бўйича қарздорлик ушбу қарздорлик юзага келган кундан бошлаб 30 календарь куни мобайнида тўланган бўлса, боланинг ўқиши қайта тикланади.

5. Тўлов бўйича қарздорлик у юзага келган кундан бошлаб 30 календарь куни мобайнида қопланмаса, бола белгиланган тартибда “Баркамол авлод” болалар марказида таълим олувчилар сафидан чиқарилади. Бу ҳолда боланинг “Баркамол авлод” болалар марказида ўқишини қайта тиклаш янги қабул қилинадиган болалар учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тўлов банк муассасаларига тўланади. Бунда тўловни тасдиқлайдиган ҳужжат (квитанция) нусхаси “Баркамол авлод” болалар марказига тақдим этилади.

Тўлов нақд пулсиз шаклда амалга оширилган ҳолда (пластик карточкалардан тўлашдан ташқари) “Баркамол авлод” болалар марказига тўлов топшириқ-номаси нусхаси (тўлов тўланганлик тўғрисидаги банк белгиси қўйилган ҳолда) тақдим этилади.

7. Тўлов “Баркамол авлод” болалар марказига хизмат кўрсатувчи тегишли Ғазначилик бўлимининг ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади ва тегишли “Баркамол авлод” болалар марказининг шахсий ғазначилик ҳисоб рақамида ундан кейинчалик фойдаланиш учун ҳисобга олинади.

8. Боланинг “Баркамол авлод” болалар марказига қатнаши бекор қилинганда жорий ой тўлови ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг бола “Баркамол авлод” болалар марказига қатнаши бекор қилингунига қадар камида уч кун олдин берган ёзма аризасига асосан тўлиқ бўлмаган ой учун (яъни қатнаши бекор қилинган кунга қадар) тўланиши мумкин. Бундай ариза мавжуд бўлмаганида тўлов тўлиқ ой учун тўланиши шарт.

Бунда боланинг “Баркамол авлод” болалар марказига қатнашига ушбу ой учун тўловнинг қолган қисми тўланмагунича рухсат берилмайди.

III. Тўлов ҳисоб-китоби

9. Бир кунлик тўлов миқдорини аниқлаш учун ойлик тўлов миқдори “Баркамол авлод” болалар марказининг бола жорий ойда қатнайдиغان тўгараги иш кунларининг режадаги сонига бўлинади.

Бунда бола “Баркамол авлод” болалар марказидаги биттадан ортиқ тўгарақда ўқийдиган бўлса, тўлов ҳар бир тўгарақда ўқиганлик учун белгиланган миқдорда алоҳида ундирилади.

10. Боланинг “Баркамол авлод” болалар марказига ўзи ёки оила аъзоларининг касаллиги (карантин) оқибатида, шунингдек, ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг меҳнат таътили пайтида уч кундан ортиқ кетма-кет келмаганлиги даври учун тўлов кейинги ойлар учун тўлов ҳисобига ҳисобланади. Бунда “Баркамол авлод” болалар марказининг тегишли иш кунлари сони ҳисобга олинади.

Боланинг “Баркамол авлод” болалар марказига ўзининг ёки оила аъзоларининг касаллиги(карантин) оқибатида узрли сабабга кўра келмаслиги тегишли даволаш муассасаси томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқланиши шарт.

11. Боланинг “Баркамол авлод” болалар марказига келмаган бошқа барча ҳолларида тўлов умумий асосларда ундирилади.

IV. Тўловдан озод қилиш тартиби

12. “Баркамол авлод” болалар марказларида таълим олувчиларнинг тегишли контингенти умумий сонининг 15 фоизи доирасида кам таъминланган оила болалари тўловдан озод қилинади.

Бунда биринчи навбатда ота-онаси (биттаси ёки иккаласи) I ёки II гуруҳ ногирони бўлган кам таъминланган оила болалари, шунингдек, ҳар бир оила аъзоси учун ҳисоблаганда ўртача ойлик даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оила болалари тўловдан озод қилинади.

13. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг кам таъминланганлиги тўғрисида “Баркамол авлод” болалар марказига тақдим этилган маълумотнома болани тўловдан озод қилиш учун асос бўлади.

14. Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати (кейинги ўринларда Рўйхат деб юритилади) молиявий йил бошлангунига қадар “Баркамол авлод” болалар маркази раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

15. Болалар “Баркамол авлод” болалар марказида таълим олувчилар сафидан чиқарилиши оқибатида Рўйхат ўзгарган тақдирда илгари Рўйхатга кирмаган кам таъминланган оила болаларидан шакллантириладиган заҳира ҳисобига тўлдирилади. Рўйхатни тўлдиришда ушбу Низомнинг 12-бандининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган биринчи навбатлилик талабларига риоя қилинади.

16. Болалар “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шаҳарчалари, “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси тарбия муассасалари тарбияланувчилари (кейинги ўринларда тарбияланувчилар деб юритилади) “Баркамол авлод” болалар марказларида тўловдан озод қилинади.

Тўловдан озод қилинган тарбияланувчилар рўйхати “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шаҳарчалари, “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси тарбия муассасалари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари молия бўлими раҳбарлари билан келишилган ҳолда “Баркамол авлод” болалар маркази раҳбари томонидан тасдиқланади.

V. Тўловлардан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби

17. Тўлов сифатида тушган маблағлар “Баркамол авлод” болалар марказларига тўғрақ ишлари учун зарур материаллар ва хом ашё сотиб олишга мақсадли йўналтирилади.

VI. Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи

18. Бухгалтерлик ҳисобини юритиш, шунингдек, тўловлардан тушадиган маблағларнинг кирим қилиниши ва сарфланиши ҳисоботларини тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VII. Якуний қоидалар

19. Тўловларнинг ўз вақтида тушиши ва тўғри ҳисобланиши, ҳисоб ва ҳисобот юритилиши, шунингдек, тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

20. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

21. Ушбу Низом “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси билан келишилган.

“SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари”

уюшмаси директори в. б.

М. Умурзоқова

«__» _____ 2011 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
БАЁНИ № 68. 12 АПРЕЛЬ 2012 ЙИЛ
(№ 07–07/1–91 13.04.2012 й.)

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИНИ
ЖИҲОЗЛАШ МЕЪЁРЛАРИ

НОРМАТИВ ОСНАЩЕНИЯ
детских центров “Баркамол авлод” (50 ученических мест)

<i>Техническое творчество</i>			
1. Кружки “Начальное техническое моделирование”, “Юный конструктор и изобретатель” (авиа, авто, ракета и судомоделирование), “Радиотехника, электроника и связь”			
1.1 Кабинет теоретических и практических занятий			
№	Наименование кружков, мебели, инструментов и инвентарей	Ед. изм.	Количество
1	Стол двухтумбочный для преподавателя	шт.	1
2	Стул полумягкий для преподавателя	шт.	1
3	Стол ученический (стол-1, стул-2)	комп.	5
4	Шкаф	шт.	3
5	Доска классная одностворчатая	шт.	1
6	Плакаты по технике безопасности	комп.	1
7	Наглядные пособия по направлениям	комп.	1
8	Компьютер с принтером	комп.	1
9	Аптечка	шт.	1
10	Огнетушитель	шт.	1
1.2 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Начальное техническое моделирование”			
1	Инструменты для черчения	комп.	5
2	Линейка металлическая, длиной: 0–150 мм; 300–400 мм; 1000 мм	комп.	2
3	Ножницы	комп.	2
1.3 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Юный конструктор и изобретатель” (авиа, авто, ракета и судомоделирование)*			
1	Станок фрезерный (вертикальный, горизонтальный) НГФ-110	шт.	1
2	Станок точильный	шт.	I
3	Линейка металлическая, длиной: 0–150 мм; 300–400 мм; 1000 мм	комп.	2
4	Тиски (настольные, слесарный)	шт.	1
5	Аккумулятор 12 Вт, 7 А	шт.	2
6	Шило	шт.	3
7	Молоток 200–300 гр	шт.	5
8	Пилы разные	шт.	2
9	Зинкера и развёртки	комп.	1
10	Разные точилы	комп.	1
11	Весы	комп.	1
12	Ножовка для металла	шт.	2
13	Ножницы по металлу	шт.	2
14	Пистолет термоклея	шт.	5
15	Пульверизатор	шт.	1
16	Надпилы 2–3 типов	шт.	1
17	Циркули разные	шт.	5

№	Наименование кружков, мебели, инструментов и инвентарей	Ед. изм.	Количество
18	Штангенциркуль	шт.	2
19	Электродрель	шт.	1
20	Плоскогубцы	комп.	1
1.4 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Радиотехника, электроника и связь”			
1	Осциллограф С-1–17	шт.	1
2	Сейф	шт.	1
3	Цифровой тестер	шт.	3
4	Радиоприёмники	шт.	5
5	Разделительный блок питания тока 36 V	комп.	1
6	Электродрель	шт.	5
7	Паяльник 20–40 Вт	шт.	5
2. Кружки “Компьютерный дизайн и графики”, “Юный программист”, “Юный фото и кинолюбитель”			
2.1 Кабинет теоретических и практических занятий			
1	Стол двухтумбовый для преподавателя	шт.	1
2	Стул полумягкий для преподавателя	шт.	1
3	Стол ученический (стол-1, стул-2)	комп.	5
4	Шкаф	шт.	2
5	Доска классная одностворчатая	шт.	1
6	Аптечка	шт.	1
7	Огнетушитель	шт.	1
8	Плакаты по технике безопасности	комп.	1
9	Наглядные пособия по направлениям	комп.	1
10	Стол компьютерный для преподавателя (1-стол. 1-стул)	шт.	1
11	Компьютер с принтером (для преподавателя)	комп.	1
12	Стол компьютерный для ученика (стол-1, стул-2)	шт.	5
13	Компьютер для ученика	шт.	5
2.2 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Юный фото и кинолюбитель”			
1	DVD-плеер	шт.	1
2	Аккумулятор для видеокамеры	шт.	2
3	Микрофон	шт.	2
4	Прожектор для камеры	шт.	2
5	Специальный монтажный стол (стол-1, стул-1)	шт.	1
6	Телевизор	шт.	1
7	Цифровая видеокамера	шт.	1
8	Штатив для камеры	шт.	2
9	Осветитель для фотоаппарата	шт.	2
10	Проектор с экраном	шт.	1
11	Сканер	шт.	1
12	Фотоглянцеватель	шт.	2
13	Фотопринтер	шт.	2
14	Фотофонарь	шт.	2
15	Цветной принтер	шт.	1
16	Цифровой фотоаппарат	шт.	2
17	Ширмы сценические разных видов	комп.	1

<i>Художественное творчество</i>			
3. Кружки “Чеканка”, “Плотник”, “Юный художник”, “Рукоделия” (кройка и шитьё, вязание, бисер), “Мягкие игрушки”, “Ковроделье”, “Тюбетейка”			
3.1 Кабинет теоретических и практических занятий			
№	Наименование кружков, мебели, инструментов и инвентарей	Ед. изм.	Количество
1	Стул полумягкий для преподавателя	шт.	1
2	Специальный стол для учителя	шт.	1
3	Стол ученический (стол-1, стул-2)	комп.	5
4	Плакаты по технике безопасности	комп.	3
5	Шкаф для сушения	шт.	1
6	Огнетушитель	шт.	1
7	Аптечка	комп.	1
8	Доска классная одностворчатая	шт.	1
9	Компьютер с принтером	шт.	1
10	Стеллаж железный для хранения готовых изделий	шт.	3
11	Мойка с отстойником	шт.	1
12	Ящик для хранения сухой глины, гипса, алебаstra.	шт.	1
13	Эмалированный посуд на 10 литров для хранения ганчeveго раствора	шт.	1
14	Эмалированный посуд на 10 литров для воды	шт.	1
15	Пластмассовая емкость для отходов по 10 литров	шт.	1
16	Специальный монтажный стол (стол-1, стул-1)	шт.	1
17	Электроточило	шт.	1
18	Набор ножниц	комп.	5
19	Вешалка для одежды	шт.	3
20	Зеркало	шт.	2
21	Шкаф для книг	шт.	3
22	Утюг электрический и гладильная доска	шт.	2
3.2 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Чеканка”			
1	Верстак слесарный	шт.	1
2	Кульман	шт.	1
3	Ящик для металлических отходов	шт.	1
4	Тиски слесарные /большие/	шт.	4
5	Тиски слесарные /маленькие/	шт.	4
6	Набор молотков	шт.	5
7	Набор зубил	шт.	5
8	Набор плоскогубцев	шт.	5
9	Набор круглогубцев	шт.	5
10	Ножницы по металлу	шт.	5
11	Набор чеканов	шт.	5
12	Молоток для чеканки	шт.	5
13	Лобзик с пилками по металлу	шт.	5
14	Набор напильников	шт.	5
15	Сверла по металлу различного диаметра	комп.	5
3.3 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Плотник”			
1	Деревянный молоток	шт.	5
2	Инструмент для резьбы по дереву	комп.	5
3	Стол рабочий (120 х 60 см)	шт.	1
4	Станок фуговально-распилочный КСФШ-4	шт.	1
5	Станок шлифовальный для дерева с местным отсосом	шт.	1

№	Наименование кружков, мебели, инструментов и инвентарей	Ед. изм.	Количество
6	Станок настольный сверлильный (НС-12А), с сверлами (d=0,5–3,0; 3,0–5,0; 5,5–10,0; 10,0 мм. и выше)	шт.	1
7	Верстак столярный	шт.	1
8	Измерительный инструмент	комп.	1
9	Электродрель	шт.	1
10	Пила поперечная	шт.	1
11	Пила лучковая мелкозубая	шт.	1
12	Напильники драчевые разного профиля	шт.	1
13	Распил по дереву	шт.	1
14	Распил со съёмным полотном	шт.	1
15	Рубанок	шт.	1
16	Набор приспособлений для токарного станка	комп.	1
17	Тиски для сверлильного станка	шт.	1
18	Шерхебель	шт.	1
19	Ножовка столярная	шт.	5
3.4 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Юный художник”			
1	Столы-планшеты	шт.	10
2	Мольберт	шт.	10
3	Табуретки	шт.	10
3.5 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Рукоделия”(кройка и шитьё, вязание, бисер), “Мягкие игрушки”, “Тюбетейка”			
1	Оверлочная машина	шт.	5
2	Швейная машина бытовая с тумбой	шт.	10
3	Стол и стул для швейной машины	шт.	10
4	Утюг электрический и гладильная доска	шт.	2
5	Раскройный стол	шт.	1
6	Иголки вышивальные разных номеров /№1, №2/	комп.	20
3.6 Специальный инструменты и инвентарь для кружка “Ковроделье”			
1	Набор ножниц, ножей, расчёсок	комп.	5
2	Котёл для окрашивания нитей	шт.	5
3	Специальный станок для вязания	шт.	1
4. Кружки “Дизайн одежды”, “Фото дизайн”, “Юный архитектор”			
4.1 Кабинет теоретических и практических занятий			
1	Стул полумягкий для преподавателя	шт.	1
2	Специальный стол для учителя	шт.	1
3	Стол ученический (стол-1, стол-2)	комп.	5
4	Плакаты по технике безопасности	комп.	3
5	Огнетушитель	шт.	1
6	Аптечка	комп.	1
7	Доска классная одностворчатая	шт.	1
8	Компьютер с принтером	шт.	1
9	Видеопроектор	шт.	1
10	Стеллаж железный для хранения готовых продуктов	шт.	3
11	Шкаф для книг	шт.	3
12	Зеркало	шт.	2
13	Шкаф для книг	шт.	3
14	Пилы разные	комп.	5

4.2 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Дизайн одежды”			
№	Наименование кружков, мебели, инструментов и инвентарей	Ед. изм.	Количество
1	Стеллаж-вешалка для костюмов	шт.	2
2	Разные манекены	шт.	5
3	Набор ножниц	комп.	5
4	Вешалка для одежды	шт.	3
5	Зеркало	шт.	2
6	Утюг электрический и гладильная доска	шт.	2
7	Оверлочная машина	шт.	1
8	Швейная машина бытовая с тумбой	шт.	1
9	Стол и стул для швейной машины	шт.	1
10	Раскройный стол	шт.	1
11	Иголки вышивальные разных номеров /№№ 1,2/	комп.	20
4.3 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Фотодизайн”			
1	Наглядные пособия по направлениям	комп.	1
2	Осветитель для фотоаппарата	шт.	2
3	Сканер	шт.	1
4	Фотоглянцеватель	шт.	1
5	Фотопринтер	шт.	1
6	Цветной принтер	шт.	1
7	Цифровой фотоаппарат	шт.	2
8	Ширмы сценические разных видов	комп.	1
4.4 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Юный архитектор”			
1	Доска для чертежа	шт.	5
2	Макеты зданий, сооружений	комп.	1
3	Макет внутреннего схематического вида здания и сооружения	комп.	1
4	Инструменты для черчения	комп.	5
5	Линейка металлическая, длиной: 0–150 мм; 300–400 мм; 1000 мм	комп.	2
6	Электродрель	шт.	2
7	Наглядные пособия по направлениям	комп.	1
5. Кружки “Фольклор”, “Кукольный театр”, “Юный журналист и оратор”, “Юный кулинар”, “Юный кондитер”			
5.1 Кабинет теоретических и практических занятий			
1	Стул полумягкий для преподавателя	шт.	1
2	Специальный стол для учителя	шт.	1
3	Стол ученический (стол-1 стул-2)	комп.	5
4	Плакаты по технике безопасности	комп.	3
5	Шкаф для сипения	шт.	1
6	Огнетушитель	шт.	1
7	Аптечка	комп.	1
8	Доска классная одностворчатая	шт.	1
9	Компьютер с принтером	шт.	1
10	Музыкальный центр	шт.	1
11	Пластмассовая емкость для отходов но 10 литров	шт.	1
12	Вешалка для одежды	шт.	3
13	Зеркало	шт.	2
14	Шкаф для книг	шт.	3
15	Утюг электрический и гладильная доска	шт.	2
16	Швейная машина	шт.	1
17	DVD-плеер	шт.	1
18	Телевизор	шт.	1

5.2 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Фольклор”			
№	Наименование кружков, мебели, инструментов и инвентарей	Ед. изм.	Количество
1	DVD-плеер	шт.	1
2	Нотный пульт	шт.	1
3	Ноты	шт.	10
4	Народные инструменты	комп.	1
5.3 Специальные инструменты и инвентарь для кружка “Кукольный театр”			
1	Стол гримерный	шт.	2
2	Стул поворотный	шт.	2
3	Стол с встроенной мойкой	шт.	1
4	Стеллаж деревянный	шт.	1
5	Зеркало для студии (H-150 см)	шт.	1
6	Штора-задник	шт.	1
7	Штора затемнения	шт.	1
8	Штора-занавес	шт.	1
9	Разные наценные одежды	комп.	5
10	Куклы разных мультипликационных героев	комп.	1
11	Звукоусилительная аппаратура	комп.	1
12	Приборы освещения	комп.	3
г) тарбиявий ишларни ташкил этиш усуллари, тўғарак дастурлари ва уларга методик йўриқномалар, касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини;

д) мактабдан ташқари таълим фаолияти ва уни ривожлантиришнинг педагогик ва иқтисодий асослари, кадрларни танлаш ва жой-жойларга қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

е) педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси асосларини, педагогика фани ва амалиёти, бошқариш психологияси ютуқларидан фойдаланишни, педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни;

ж) матнли редактор, электрон жадваллар, электрон почталар, мультимедия қурилмалари билан ишлаш асосларини;

з) тегишли равишда таълим муассасаси ва таълим бошқарув органлари фаолиятини тартибга солувчи фуқаролик, бошқарув, меҳнат, бюджет, солиқ қонунчилигини;

и) миллий истиқлол мафкурасини, унинг бош ва асосий ғояларини, миллий кадриятларни;

й) таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) беш йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

33-§. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

Лавозим вазифалари:

а) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг Қарор, Фармон, Фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари, Халқ таълими вазирлиги ва тегишли таълим бошқаруви органлари Хайъат қарори, буйруқ ва тошириқларининг ижросини марказ таркибидаги бўлинмалар томонидан ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

б) ҳудуднинг хусусияти, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга қаратилган, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ тўғарақлар фаолиятини ташкил этиш;

в) қизиқишларига кўра тўғарақларга ўқувчиларни жалб этиш, уларда ўқув-тарбиявий жараёни ташкил қилиш ва ўқув йили давомида тўғарақ аъзолари контингентини сақлаб қолишни таъминлаш;

г) марказнинг йиллик ва истиқбол режаларини шакллантириш, педагогик ходимлар, тўғарақ раҳбарлари ишини ҳамда марказ фаолиятига тегишли ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш, мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мувофиқ ўқув-тарбиявий режалар ва дастурларнинг бажарилишини таъминлаш;

д) педагогик ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этиш, педагогик жамоанинг ўқув-методик ишларига раҳбарлик қилиш, уларга методик ёрдамни, жамоанинг ва тўғарақ раҳбарларининг фаолиятини таҳлил қилишни ташкил этиш;

е) тўғарак раҳбарларининг ўқув режаларини тасдиқлаш ва бажарилишини назорат қилиш, уларнинг фаолиятини тасдиқланган режаларга мос равишда иш вақти ҳисобини олиб бориш, машғулотлар жадвали ва бошқа ўқув тадбирлари ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

ж) педагогик ходимларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришни, замонавий педагогик технологияларни жорий қилишни, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

з) ўқитилаётган болалар таълим тайёргарлигини мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мос келишини таъминлаш, назорат қилиш, марказ фаолиятининг мониторингини ташкил қилиш ва ўтказиш;

и) машғулотлар жараёнини дастурий-методик материаллар билан таъминлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, марказ педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини режалаштириш, методик ва ахборот материалларини ишлаб чиқиш ҳамда тўғарак йўналишлари бўйича ўқув-мавзуй режасини тузишни таъминлайди;

й) марказ педагогларининг малакасини ошириш истиқбол режаларининг бажарилишини таъминлаш;

к) машғулот жараёнларида тўғарак журналларининг юритилиши ва сақланишини таъминлаш, ўқув ишлари ҳолати ва натижалари тўғрисида ҳисоботларни тузиш;

л) ҳисобот ҳужжатларининг ўз вақтида тузилиши, тасдиқланиши ва тақдим этилишини таъминлаш, марказни бошқариш ва таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

м) ўқув хоналарини кўرғазмали ва техник таълим воситалари билан жиҳозланишига, тажриба-синов ишларига раҳбарлик қилиш, услубий кенгашишини ташкил этиш;

н) ёзги таътил кунлари учун алоҳида мавсумий режалар асосида тўғарак ишларини ташкил қилиш;

о) ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар), тегишли идоралар, маҳалла қўмиталари, жамоат ва ҳомийликка олувчи ташкилотлар билан ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни ташкил қилиш;

п) марказда ўзига берилган ваколатлар доирасида келиб тушган хат, ариза ва шикоятлар ҳамда мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш, фуқаролар қабулини амалга ошириш;

р) марказ фаолиятига қўйилган санитария-гигиена, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини;

б) Ҳукуматимизнинг таълимга тегишли қарорлари ва фармойишларини, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

в) мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмуни, жамоага раҳбарлик қилишнинг самарали кўринишлари ва методларини, ўқув ва тарбиявий ишлар сифатини, давлат талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;

г) тўғарак дастурлари ва уларга методик йўриқномаларни, касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини, ёзги таътил пайтида ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методларини;

д) педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси, таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

34-§. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

Лавозим вазифалари:

а) марказда маънавий-ахлоқий тарбиявий ишларни ташкил қилиш, тарбиявий ишларнинг йиллик ва ойлик режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

б) ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий шакллари, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш миллий мустақиллик ғояларини амалга оширишни таъминлаш;

в) марказнинг тарбиявий тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг сифати ва самарадорлиги мониторингини амалга ошириш, ижро интизоми ҳолатини ўрганиб, ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва уларнинг натижалари бўйича ҳужжатларни таҳлил ва назорат қилиш масалаларида методик ва амалий ёрдам кўрсатиш;

г) таълим муассасалари, тегишли манфаатдор ташкилот ва идоралар билан биргаликда маънавий-ахлоқий тарбия йўналишида кенг кўламда турли хил тарбиявий ишларни режалаштириш, ўтказилишини таъминлаш;

д) ўқувчиларнинг баҳорги, ёзги, кузги, қишки дам олишларини режалаштириш ва мазмунли ўтказилишини, педагогик жамоанинг таътил пайтидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

е) марказнинг тўғарак ва бошқа хоналарини кўرғазмали тарғибот ва ташвиқот воситалари, кутубхона ахборот манбалари билан жиҳозлашни ташкил қилиш;

ж) педагогик ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этиш, юқори малакали тўғарак раҳбарларининг илғор педагогик тажрибасини ўрганиш, оммалаштириш, тарбиявий ишлар сифати ва натижаларини таҳлил қилиш;

з) тарбиявий ишлар бўйича методик материаллар ишлаб чиқишни, ёш мутахассисларга методик ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, педагог ходимларнинг касб маҳоратини, малакасини ошириш ишларини олиб бориш;

и) ёшларни миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларни ташкил этиш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм, ақидапарастлик ва турли хил диний оқимларга ўқувчи-ёшларни кириб қолишларини олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилишини таъминлаш;

й) марказда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарори ва кўрсатмаларининг амалга оширилишини таъминлаш, давлат, нодавлат ва ҳомий ташкилотлари билан таълим-тарбия соҳаларида ҳамкорлик қилиш;

к) соғлиқни сақлаш бўлимлари билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом муҳитни тарғиб қилиш борасида, ОИБ/ОИТС касаллигини олдини олиш, гиёҳвандлик профилактикаси ва экологик таълим-тарбия йўналиши бўйича тадбирларни ташкил этишни таъминлаш;

л) ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси билан ҳамкорликда тарбияси оғир болаларни тўғарак машғулотларига қизиқтириш ва жалб қилиш ишларини таъминлаш;

м) мамлакатимизда нишонланадиган муҳим байрам саналарига бағишланган тадбирларни ташкил этилишини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларида марказ фаолияти ва мақсадларини тарғибот этиш;

н) ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устида мунтазам ишлашни амалга ошириш;

о) марказ фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини;

б) Ҳукуматимизнинг таълимга тегишли қарорлари ва фармойишларини, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

в) мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмунини, жамоага раҳбарлик қилишнинг самарали кўринишларини, тарбиявий ишлар сифатини, ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;

г) тўғарак дастурлари ва уларга методик йўриқномаларни, касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини, ёзги таътил пайтида ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методларини;

д) маънавий-ахлоқий тарбияни амалга оширишда таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш йўналишларини;

е) миллий истиқлол мафкурасини, унинг бош ва асосий ғояларини, миллий қадриятларни педагогика, педагогик психология, болалар физиологиясини;

ж) таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

35-§. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

Лавозим вазифалари:

а) хўжалик-бошқарув ишлари бўйича марказнинг хўжалик фаолиятини бошқариш, янги ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига тўлиқ тайёр ҳолга келтирилишини таъминлаш;

б) ўз ваколати доирасида марказнинг бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан тўғри фойдаланишни таъминлаш, марказнинг молиявий фаолият натижаларини таҳлил қилиш;

в) шартнома мажбуриятларининг ўз муддатида тўлиқ бажарилишини таъминлаш, молиялаштиришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган турли манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишни назорат қилиш;

г) пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва асосий воситалар тушумини тўлиқ ҳисобга олиш, шунингдек уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган муаммоларни олдини олиш;

д) марказнинг хўжалик фаолияти учун зарур шартномаларни ўз муддатида расмийлаштиришни, марказ уставида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча молиявий манбалар ва моддий маблағларни жалб қилиш чора-тадбирларни амалга ошириш, марказ ходимлари ва таълим олувчилар учун зарур ижтимоий-маиший шарт-шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

е) марказнинг ўқув жиҳозлари, асбоб-ускуналар ва бошқа таълим воситаларининг сақланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, моддий-техника базасини ривожлантириш ишларини ташкиллаштириш, бино ва қўшимча объектларининг техник ҳолати ва жиҳозланганлигини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

ж) марказга етказиб берилаётган жиҳозларни белгиланган тартибда қабул қилиш, жиҳозларни тўғарак ва бошқа хоналарга тўғри тақсимланишини амалга ошириш;

з) бинолар манзилли дастурга киритилган ҳолатда қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини қурилиш меъёрлари ва қоидаларига асосан олиб борилиши мониторингини юритиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга қабул қилинишида иштирок этиб, лойиҳа смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни қабул қилиш;

и) ўқув йили якунланиши билан марказнинг моддий-техник базасини ўрганиб чиқиб, бинони янги ўқув йилига тайёрлаш, зарур бўлган жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида тегишли таълим бошқаруви органларига талабномалар ва ўрнатилган тартибда янги ўқув йилига, куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан марказни таъмирлаш режаларини тақдим этиш;

й) куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида тегишлилигича кўмир, суюқ ёқилғи, табиий газ ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ва маълумотларни ҳудудий таълим бошқаруви органларига тақдим этиш ҳамда қабул қилинган ёқилғиларнинг сифати ва сақланишини таъминлаш;

к) марказ ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишларига раҳбарлик қилиш, ўзига бўйсунувчи тегишли бўлинма ҳамда техник хизмат кўрсатувчи ходимлар ишини мувофиқлаштириш;

л) марказ фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини;

б) Ҳукуматимизнинг қурилиш ва жиҳозлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ва уларнинг ижросини амалга ошириш тартибини;

в) жиҳозлаш меъёрлари асосида хоналарга керак бўлган жиҳозларни ва уларни жойлаштирилишини;

г) Марказ биносининг техник ҳолатини, унинг ҳудуди, хоналар сони ва ўлчамларини, таълим муассасаси биносига қўйиладиган техник талабларни;

д) бошқариш психологияси ютуқларидан фойдаланишни, жамоада қулай психологик муҳит яратишни;

е) таълим муассасаси фаолиятини тартибга солувчи фуқаролик, бошқарув, меҳнат, бюджет, солиқ қонунчилигини;

ж) таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) мутахассислик бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш стажи.

36-§. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИ МЕТОДИСТИ ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

Лавозим вазифалари:

а) марказда ўқув-методик ва тарбиявий ишлар ҳолатини таҳлил қилиш, тўғаракларни шакллантиришда иштирок этиш, тўғарак йўналишлари бўйича ўқув дастурларини методик таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

б) марказнинг педагогик ходимларига тегишли фаолият йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

в) ўқитилаётган болалар билим ва кўникмаларини мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини ўрганиш ва давлат талабларини бажарилишини таъминлаш бўйича методик ёрдам кўрсатиш;

г) педагогларни таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш бўйича методик тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш;

д) тўғарак раҳбарлари ва бошқа педагог ходимларнинг иш фаолиятини ва амалий машғулотларнинг ўтказилишини назорат қилиш, уларнинг таҳлилини олиб бориш ҳамда уларга машғулот ишларини ташкил этиш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

е) тўғарак йўналишлари бўйича методик ишларни мувофиқлаштириш, янги ўқув-методик қўлланма ва дастурлар синовини бўйича материаллар тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим тизимида амалга оширилаётган янгиликларни педагогик жамоага етказиш ва уларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш;

ж) илғор тажрибалар асосида тўғарак ўқув дастурларини тузиш ва такомиллаштиришга оид ишларни олиб бориш, марказ маъмуриятига тўғараклар фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш, ўқув хоналарини кўргазмали ва техник таълим воситалари ҳамда ўқув ва ахборот манбалари билан жиҳозланишида методик ёрдам кўрсатиш;

з) тўғарак раҳбарларининг машғулотлар ўтишга зарур бўлган дастурий-методик материаллар билан таъминланишига амалий ёрдам бериш, турли танловлар, кўргазмалар, мусобақалар ўтказиш бўйича керакли хужжатлар ишлаб чиқишни таъминлаш;

и) ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш ва касбий тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича “Устоз-шогирд” анъаналаридан фойдаланишни ҳамда тажриба-синов майдонлари ишига методик ёрдам кўрсатиш;

й) ўқув дастурлари ва қўлланмаларини янги педагогик технологиялар асосида жорий этиш усулларини, педагогик ходимларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ишларини ташкил қилиш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш;

к) илғор тажрибали тўғарак раҳбарларини аниқлаш, уларнинг тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича раҳбариятга таклиф киритиш;

л) таълим-тарбияни ривожлантиришга ва тўғарак машғулотларининг сифатини оширишга оид турли анжуман, ўқув ва кўрик-танловларда иштирок этиш;

м) тегишли йўналишлар бўйича ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларида иштирок этиш;

н) тўғаракларга амалий-услубий ёрдамлар бериш, долзарб масалалар бўйича давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш, юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;

о) ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва марказ фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини;

б) Ҳукуматимизнинг таълимга тегишли қарорлари ва фармойишларини, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

в) мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмуни, ўқув ва тарбия сифати, давлат талабларини жорий қилиш натижаларини таҳлил қилишни, педагогик услубий ишлар мазмуни ва уни ташкиллаштириш тамойилларини;

г) касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини, ёзги таътил пайтида ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методларини;

д) ўқув-дастурий ҳужжатлар, тўғарак йўналишлари бўйича ўқув режалари, таълим дастурлари ва бошқа ўқув методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва тартибини;

е) методик ва ахборот материалларини тартибга солиш тамойилларини, ўқитишнинг аудиовизуал ва интерактив воситаларига қўйилган асосий талабларни, матнли редактор, электрон жадваллар, электрон почталар, мультимедия қурилмалари билан ишлаш асосларини;

ж) таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талабларини, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) икки йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажини.

37-§. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИ МАДАНИЙ-ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛОТЧИСИ ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

Лавозим вазифалари:

а) маданий-оммавий тадбирлар (кўрик-танловлар, оммавий ва кўнгилочар ўйинлар, дам олиш кечалари, турли муҳим саналарга бағишланган театрлаштирилган байрамлар, мусобақалар, томошалар ва бошқа тадбирлар)ни ташкил этиш;

б) ўқувчи-ёшларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда иш шакли ва усулини танлаш, турли тадбирларни ўтказиш дастур ва сценарийларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

в) ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра клублар, уюшмаларни ташкил этишда иштирок этиб, уларни ижодий фаолиятга жалб этиш, маданий-оммавий ишларни ташкил этиш шакллари тақомиллаштириш бўйича семинарлар ўтказиш;

г) маданий-оммавий ишлар, ўйинларни, чиқишлар ва бадий ҳаваскорлик кўриқларига режиссёрлик қилиш ва ўтказиш;

д) ўқувчиларнинг таътил кунлари, бўш вақти ва дам олишларини самарали ўтказишни ташкил қилиш мақсадида экскурсиялар уюштириш;

е) ўқувчиларни ватанга муҳаббат, миллий анъаналар ва халқимизнинг урф-одатларига, буюк олимлар, санъат, маданият ва спорт усталарига ҳурмат, содиқлик ва фахрланиш туйғусида тарбиялаш;

ж) марказ тарбиявий ишлари режасига мувофиқ тўғарак раҳбарлари ва бошқа педагог ходимлар билан биргаликда ғоявий-тарбиявий ишларни, спорт-оммавий ва маданий тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;

к) маданий-оммавий, тарбиявий тадбирларни ўтказиш бўйича услубий материалларни ишлаб чиқиш, тадбирларга мос адабий ва мусиқа репертуарини танлаш, сахна кўринишига жиҳозларни тайёрлаш;

л) методик кенгаш ишларида, соғломлаштириш, тарбиявий ва ўқув дастурида назарда тутилган бошқа тадбирларни ўтказиш ишларида иштирок этиш;

м) таълим муассасалари, тегишли манфаатдор ташкилот, идоралар билан ҳамкорликда шахсни камол топтиришга қаратилган ўқув-тарбиявий йўналишдаги турли тадбирларни ташкил қилиш;

н) ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устида мунтазам ишлаш;

о) марказда санитария-гигиена тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғиндан ҳимояланиш қоидаларга риоя қилишни таъминлаш.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини;

б) Ҳукуматимизнинг таълимга тегишли қарорлари ва фармойишларини, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

в) мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмунини, тўғарак дастурларини ва касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини, ёзги таътил пайтида ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методларини;

г) классик ва замонавий сахна, ташкилий ва режиссёрлик фаолияти асосларини, таълим муассасаларида маданий ташкилотчилик ишининг илғор тажрибаларини;

д) ўқув-дастурий ҳужжатлар, тўғарак йўналишлари бўйича ўқув режалари, таълим дастурлари ва бошқа ўқув методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва тартибини;

е) маънавий-ахлоқий тарбияни амалга оширишда таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш йўналишларини;

ж) педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси, таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техник хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) икки йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажы.

38-§. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИ ТЎГАРАК РАЎБАРИ ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

Лавозим вазифалари:

а) ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра тегишли йўналиш бўйича тўғарак фаолиятини ташкиллаштириш, уларни тўғаракларга жалб этиш ва раҳбарлик қилиш;

б) ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълимга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, назарда тутилаётган тўғарак аъзолари контингентини аниқлаш ва уни сақлаб қолишни таъминлаш;

в) тўғарак машғулотларини ташкил этишда аъзоларнинг ёши, руҳий-физиологик ҳолати, лаёқати ва қизиқишларини инобатга олиш, таълим-тарбия жараёнини ўрнатилган тартибда санитария-гигиена нормаларига ва хавфсизлик қоидаларига мувофиқ ташкил этиш, тўғарак аъзоларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш;

г) болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларини ривожлантириш;

д) тўғарак машғулотларини мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув қўлланмалари ва дастурлари асосида илғор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

е) марказнинг масъул педагогик ходимлари билан ҳамкорликда ҳар чоракда ва ўқув йили якуни натижалари бўйича тўғарак аъзоларининг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларининг давлат талабларига мослигини аниқлаб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тўғарак йўналиши бўйича тавсиялар тайёрлаш;

ж) илғор тажрибалар асосида тўғарак ўқув дастурларини тузиш ва такомиллаштиришга оид ишларни олиб бориш, марказ маъмуриятига тўғараклар фаолиятини яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш;

з) тўғарак хоналарини кўргазмали ва техник таълим воситалари ҳамда ўқув ва ахборот манбалари билан жиҳозлаш, машғулотлар жараёнини дастурий-методик материаллар билан таъминлаш, амалий машғулотларни ўтказишда жиҳозларнинг сақланиши, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

и) ёзги таътил кунлари учун мавсумий режалар асосида тўғарак ишларини ташкил қилиш, шунингдек, марказнинг маданий-оммавий тадбирлари ташкилотчиси билан биргаликда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, дам олишларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида муассасалар ва маҳаллаларда (овуларда) ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорликда турли йўналишдаги оммавий тадбирларни ташкил этиш;

й) педагогика кенгашида ва ўз йўналиши бўйича турли танловлар, кўргазмалар, мусобақалар ўтказиш бўйича керакли хужжатлар ишлаб чиқишда, тўғарак машғулотларининг сифатини оширишга оид турли анжуманлар, илмий-амалий конференциялар, ўқувлар, кўрик-танловларда ўз маърузаси билан иштирок этиш;

к) оммавий ахборот воситаларида ўз иш фаолияти билан боғлиқ илғор тажрибаларни ёритиш ҳамда ўзининг педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш;

л) марказдаги санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғиндан ҳимояланиш қоидаларга риоя қилиш.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини;

б) Ҳукуматимизнинг таълимга тегишли қарорлари ва фармойишларини, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

в) мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмуни, ўқув ва тарбия сифати, давлат талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;

г) касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини, ёзги таътил пайтида ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методларини;

д) ўқув-дастурий ҳужжатлар, тўғарак йўналишлари бўйича ўқув режалари, таълим дастурлари ва бошқа ўқув методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва тартибини;

е) таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий ёки ўрта махсус маълумот;

б) амалий иш стажы талаб қилинмайди.

39-§. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИ МОНИТОРИНГ БЎЙИЧА МУТАХАССИС ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

Лавозим вазифалари:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор, Фармон, Фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва топшириқлари, тегишли таълим бошқаруви органларининг Ҳайъат қарори, буйруқ ва топшириқлари ҳамда фаолиятга доир меъёрий ҳужжатларнинг ижросини марказ таркибидаги бўлинмалар томонидан ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

б) ҳар чоракда Давлат талабларининг тўғарак аъзолари томонидан ўзлаштириш мониторинги ва йўналишлар бўйича ўқувчилар билимидаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чорасини кўриш, марказнинг тўғарак раҳбарлари ва бошқа педагогик ходимлари фаолиятига баҳо бериш ва рейтингини аниқлаш;

в) мактабдан ташқари таълим сифатини ошириш юзасидан педагоглар, ўқувчилар ва ота-оналар фикрларини ўрганиш ва таҳлил натижаларини марказ раҳбариятига тақдим этиш;

г) марказ педагог ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш режасининг бажарилиши мониторингини олиб бориш;

д) марказ фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўтказилган мониторинг натижалари юзасидан режа асосида педагогик ҳамда услубий кенгашга таҳлилий материаллар тайёрлаш;

е) ҳар ой давомида марказ иш режаси асосида амалга оширилган ишлар якунини таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш юзасидан таҳлилий маълумот тайёрлаш;

ж) ўзининг педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устида мунтазам ишлаш;

з) марказда санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғиндан ҳимояланиш қоидаларга риоя қилиш.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини;

б) Ҳукуматимизнинг таълимга тегишли қарорлари ва фармойишларини, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

в) мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмуни, ўқув ва тарбия сифати, давлат талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;

г) касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини, ёзги таътил пайтида ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методларини;

д) ўқув-дастурий ҳужжатлар, тўғарак йўналишлари бўйича ўқув режалари, таълим дастурлари ва бошқа ўқув методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва тартибини;

е) ўқув методик ва ахборот материалларини тартибга солишни, ўқитишнинг аудиовизуал ва интерактив воситаларига асосий талабларни;

ж) таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) икки йилдан кам бўлмаган педагогик иш стаж.

**40-§. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИ АХБОРОТ-РЕСУРС
МАРКАЗИ МУТАХАССИСИ ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА
ТАВСИФЛАРИ**

Лавозим вазифалари:

а) ахборот ресурс маркази фаолияти бўйича режалар ишлаб чиқиш ва ҳисоботлар тайёрлаш, уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини (китобхонлар сони, фонд ҳажми, қатнов ва китоб бериш сони, китоб билан таъминланганлик, сўровларнинг бажарилиши ва ҳоказолар) таҳлил қилиш;

б) кутубхоначилик ҳисоб-молия ҳужжатлари (инвентарь дафтари, ахборот ресурс маркази ишининг кундалиги, йўқотилган китоблар ўрнига қабул қилинган китобларни ҳисобга олиш дафтари, келиб тушган ва ҳисобдан чиқарилган ҳужжатлар юзасидан далолатнома, фондни инвентарлаштириш ва текшириш ишларининг ўтказилганлиги ҳақидаги далолатномалар, маълумотномалар, даврий нашрларнинг қайдлов картотекаси)ни юритиш;

в) мониторинг ўтказиш, сўровномалар олиш, статик кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш;

г) Марказнинг китобхонларга хизмат кўрсатиш, фондларни шакллантириш ва ташкил этиш, ахборот-излаш тизимларини яратиш ишларидаги инновацион жараёнларнинг библиографик, ахборот, методик, илмий-тадқиқот фаолиятига жорий этилишини амалга ошириш;

д) Марказга қабул қилинган адабиётларга илмий ва техникавий (таснифлаш, каталоглаштириш) ишлов беришга доир ишларни ташкил этиш, унинг фондини ва ундан қандай фойдаланилаётганлигини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

е) фойдаланиш хусусиятини йўқотган (эскирган) ва яроқсиз бўлиб қолган ҳужжатларни аниқлаш, уларни белгиланган меъёрлар ва қоидалар бўйича ўз вақтида ҳисобдан чиқариш;

ж) Марказнинг электрон каталогини автоматлаштирилган библиографик системадан фойдаланган ҳолда библиографик ёзувларни киритиш ёки кўчириб олиш йўли билан шакллантириш;

з) электрон ресурсларни (электрон каталог, электрон дарсликларнинг маълумотлар базаси, мақолалар, журналлар ва ҳоказоларни) Интернетдан фойдаланиш ёки ахборотнинг магнит ташувчиларидан (CD, флешка ва бошқалар) олиб киритиш йўли билан тўлдириш;

и) китобхонларнинг электрон ахборот ресурслари бўйича ахборот олиш эҳтиёжлари ва сўровларини аниқлаш ҳамда кутубхонага келган янги адабиётларни ўқувчи-ёшлар ўртасида тарғиб қилиш;

й) кутубхоначилик хизмати кўрсатиш, илғор ахборот технологияларини жорий қилиш ва Марказ дизайнини яхшилаш ишларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

к) ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, бошқа тизим ва идораларга қарашли ахборот-кутубхоналар билан алоқалар ўрнатиш, ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ишларни йўлга қўйиш;

л) педагогик, методик кенгаш ишларида, тарбиявий ва ўқув дастурларда назарда тутилган бошқа тадбирларни ўтказиш ишларида қатнашиш ҳамда китоб фондини бойитиш, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга маслаҳат ва методик ёрдам кўрсатиш;

м) ўз фаолият хусусиятлари билан бевосита боғлиқ семинарлар ва кенгашларда иштирок этиш, ўз фаолияти йўналишида ўқув-тарбиявий муассасалар, маданият муассасалари, ижодий ташкилотлар, жамоат уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш;

н) марказда санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғиндан ҳимояланиш қоидаларга риоя қилиш.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини;

б) Ҳукуматимизнинг таълимга тегишли қарорлари ва фармойишларини, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

в) ёзги таътил пайтида ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методларини, ўқув методик ва ахборот материалларини тартибга солишни;

г) ўқув-дастурий ҳужжатлар, тўғарак йўналишлари бўйича ўқув режалари, таълим дастурлари ва бошқа ўқув методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва тартибини;

д) кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик соҳасини, персонал компьютерлар, мультимедия қурилмалари, автоматлаштирилган кутубхоначилик тизими ва Интернет билан ишлаш фаолиятини;

е) таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) икки йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

41-§. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ШЎЪБАСИ МУТАХАССИСИ ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

Лавозим вазифалари:

а) Марказда мактабдан ташқари таълим бўйича ўзаро алоқалар ўрнатиш, тажриба алмашиш ва халқаро ҳамкорлик ишларини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш;

б) халқаро ҳамкорликни ташкил қилишда тегишли таълим бошқаруви органининг халқаро, хорижий, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамғармалари билан ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштирувчи координатори билан ҳамкорлик қилиш;

в) Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро, хорижий, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамғармалар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва кучайтириш бўйича раҳбариятга таклифлар тайёрлаш;

г) таълим беришнинг технологик жараёнида чет эл педагогикасининг энг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни марказ раҳбарияти билан муҳокама этиш;

д) турли соҳалар бўйича вилоят ёки туманларда фаолият кўрсатаётган хорижий ташкилот, корхона, фирма, компания, ваколатхона, халқаро дастур, лойиҳалар ҳақида маълумотлар банкени яратиш;

е) тегишли йўналишлар бўйича чет эл ўқув муассасалари, таълим йўналишида фаолият кўрсатаётган халқаро ва хорижий давлат ва нодавлат ташкилотлар, жамғармалар билан интернет орқали ўрнатилган тартибда ўзаро ҳамкорликлар қилиш, улардаги илғор педагогик технологиялар билан марказ ходимларини таништириб бориш;

ж) ривожланган давлатлар педагогикасидаги истиқболли моделларни ўрганиш, ўзлаштириш, уларни маҳаллий шароитга мослаган ҳолда тегишли халқ таълими бошқарув органлари билан келишиб, таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича Марказ педагоглари билан ҳамкорликда тавсиялар ишлаб чиқиш;

з) мактабдан ташқари таълим бўйича хорижий давлатлар педагогикасидаги янгилик ва ўзгаришлар, ўқув қўлланмалар, дастурлар ҳақида маълумотлар банкени янгилаб бориш;

и) мактабдан ташқари таълим йўналиши бўйича халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этган иқтидорли ёшлар ва педагоглар билан ўз таассуротлари ҳақида умумтаълим мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ташкил этиш;

й) ўқувчи-ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ОИТС касаллигининг олдини олиш бўйича профилактик ишлар олиб бориш мақсадида ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини олиб бориш;

к) раҳбарият билан келишган ҳолда ахборот-кутубхонани хорижий давлатлар таълимига оид ўқув қўлланмалар, дастурлар, ва электрон адабиётлар билан бойитиш, бу борада чет эл элчихоналарига мурожаат қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

л) “Ривожланган мамлакатларда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий технологиялари ва ютуқлари”ни ўрганиш;

м) халқаро ҳамкорлик бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумот-номалар тайёрлаш, педагогик, методик кенгаш ишларида, тарбиявий ва ўқув дастурида назарда тутилган бошқа тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;

н) ўз фаолият хусусиятлари билан боғлиқ семинарлар ва кенгашлар ишида иштирок этиш, ўз фаолияти йўналишида ўқув-тарбиявий муассасалар, маданият муассасалари, ижодий ташкилотлар, жамоат уюшмалари билан ҳамкорликлар қилиш;

о) ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устида мунтазам ишлаш;

п) марказ фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш.

Билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқ таълими тизимига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини;

б) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларини;

в) Ҳукуматимизнинг таълимга тегишли қарорлари ва фармойишларини, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

г) таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

д) мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмуни, ўқув ва тарбия сифати, давлат талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;

е) тўғарак ишларини методик таъминлаш ва таълим жараёнини ташкил қилиш тизимини;

ж) ўқув методик ва ахборот материалларини тартибга солишни, матнли редактор, электрон таблицалар, мультимедия қурилмалари ва Интернет билан ишлаш фаолиятини;

з) ёзги таътил пайтида ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методларини, ўқув-дастурий ҳужжатлар, тўғарак йўналишлари бўйича ўқув режалари, таълим дастурлари ва бошқа ўқув методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва тартибини;

и) таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) уч йилдан кам бўлмаган иш стажи.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ БУЙРУҒИ

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ТЎГАРАКЛАРНИНГ ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли ҳамда 2011 йил 11 майдаги “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 130-сонли қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, 2012–2013 ўқув йилидан бошлаб “Баркамол авлод” болалар марказларида янги тахрирдаги ўқув дастурларни жорий этиш ҳамда “Баркамол авлод” болалар марказларида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. Вазирликнинг 2011 йил 31 мартдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” асосида “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган тўғараклар учун ишлаб чиқилган янги тахрирдаги ўқув дастурлари 2012 йилнинг 30 август куни бўлиб ўтган Республика таълим маркази ҳузуридаги Маънавий-маърифий ишлар йуналиши бўйича Илмий методик кенгашнинг 7-сон йиғилишида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қлинсин.

2. “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган тўғараклар учун ишлаб чиқилган янги тахрирдаги ўқув дастурлари иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда 2012–2013 ўқув йилидан бошлаб барча “Баркамол авлод” болалар марказларида жорий этилсин.

3. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х. Даминов), “Баркамол авлод” Республика болалар марказлари (Ш. Бердиева, Х. Зокирова, З. Товбоев)га:

2012 йил 15 сентябрга қадар мазкур ўқув дастурларига асосан тўғарак машғулотлари ишланмаларини тайёрлаш ва жойларга етказиш;

2012–2013 ўқув йилидан бошлаб янги тахрирдаги тўғараклар ўқув дастурларини амалиётга жорий этишда “Баркамол авлод” болалар марказларига методик ёрдам бериш вазифалари топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

1 ҳафта муддатда тасдиқланган ўқув дастурларини барча “Баркамол авлод” болалар марказларига етказиш;

барча “Баркамол авлод” болалар марказларида тўғаракларнинг 2012–2013 ўқув йили режалари мазкур янги тахрирдаги тўғараклар ўқув дастурлари асосида тайёрланиши ва тўғарак машғулотлари тасдиқланган ўқув режалар асосида олиб борилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур буйруқнинг қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2011 йил 4 июлдаги “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган тўғараклар ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 143-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин,

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Холбеков зиммасига юклатилсин.

Т. Ширинов
Халқ таълими вазири

Тошкент шаҳри,
2012 йил 3 сентябрь,
№ 259-сон.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТЎГАРАК ИШЛАРИ УЧУН ЗАРУР МАТЕРИАЛЛАР ВА ХОМ-АШЁЛАР РЎЙХАТИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ 2012 ЙИЛ 18 СЕНТЯБРДАГИ № 03–2418-СОНЛИ ХАТИ БИЛАН ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН

“Тасдиқлайман”
Халқ таълими вазири ўринбосари
_____ А. Холбеков
18 сентябрь 2012 йил

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИГАН ТЎГАРАКЛАР МАШҒУЛОТЛАРИГА ЗАРУР БЎЛГАН ХОМ-АШЁЛАР РЎЙХАТИ

№	Хом-ашёлар номи	Ўлчов бирлиги	Бир ойга бир бола учун	Бир ойга бир гуруҳ учун (15 бола хисобида)	Бир гуруҳга ўқув йили учун	Бир ойга бир тўғарак учун (1 ставка хисобида)	Бир тўғаракка ўқув йили учун (1 ставка хисобида)	Ушбу хом- ашё ишлатила диган тўғараклар сони
ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК ЙЎНАЛИШИ								
1	DVD-диск	дона	2	30	270	90	810	4
2	USB-Flash 4 Gb	дона		1	9	3	27	3
3	Узайтирувчи симлар	метр	0,12	1,8	16,2	5,4	48,6	3
4	Принтер картридж бўёқлари	кг		1	9	3	27	2
5	Қоғоз (A4 формат)	пачка		1	9	3	27	5
6	Ватман қоғоз 860x600 mm	дона	1	15	135	45	405	5
7	Елим ПВА (850 гр.)	кг	0,2	3	27	9	81	5
8	Картон А-3x1 mm	дона	1	15	135	45	405	4
9	Акварель бўёқ (12 хил ранг)	тўплам	1	15	135	45	405	2
10	Рангли қоғоз (A4 формат)	тўплам	1	15	135	45	405	3
11	Қоғоз (А-3 формат)	тўплам	1	15	135	45	405	3
12	Фанера 1500x1500x5	лист		0,5	4,5	1,5	13,5	3
13	Гайка Мx3	кг		0,15	1,35	0,45	4,05	3
14	Винт Мx3x5	кг		0,15	1,35	0,45	4,05	3
15	Кулер	дона	-	1	9	3	27	1
16	Блок питания	дона	-	1	9	3	27	1
17	Пўлат сим (0,3 диаметр)	п/метр	32	480	4320	1440	12960	2
18	Пўлат сим (3 диаметр)	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	2
19	Пўлат сим (1 диаметр)	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	2
20	Кўп пайлик мис электр сими (3 диаметр)	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	2
21	Кўп пайлик мис электр сими (4 диаметр)	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	2
22	Бир пайлик мис электр сими (2,5 диаметр)	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	2
23	Бир пайлик алюмин электр сими (2,5 диаметр)	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	2
24	Микроёқичлар	дона	2	30	270	90	810	2

25	Фанера 1500x1500x1	лист		0,5	4,5	1,5	13,5	4
26	Органик шиша 1000x2000x3	лист		1,5	13,5	4,5	40,5	3
27	Ёғоч (жука) тўсин 100x100	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	4
28	Металл рухланган 1000x2000x0,5	лист		0,15	1,35	0,45	4,05	3
29	Латунь (эни 300 mm калинликда (-0,3))	п/метр	0,1	1,5	13,5	4,5	40,5	3
30	Микроэлектродвигатель	дона	1	15	135	45	405	2
31	Қалай	кг		0,15	1,35	0,45	4,05	2
32	Мисни эритувчи химиявий тузлар	кг		0,15	1,35	0,45	4,05	2
33	Конибол (техник)	кг		0,15	1,35	0,45	4,05	3
34	Стеклоткань (эни 1100; 0,04 mm)	метр	1	15	135	45	405	1
35	Авиамодель (МДС-1,5 двигатель)	дона	1	15	135	45	405	1
36	Авиамодель (МДС-2,5 двигатель)	дона	1	15	135	45	405	1
37	Нитроэритгич №646	литр	0,08	1,2	10,8	3,6	32,4	1
38	Нитробуёқлар ҳар хил рангли	кг	0,08	1,2	10,8	3,6	32,4	1
39	Лавсан қоғози (эни 600 mm; 0,03 mm)	метр	1,5	22,5	202,5	67,5	607,5	1
40	Лавсан полиграфияли (эни 600 mm; 0,18 mm)	метр	1	15	135	45	405	1
41	Углеткань (эни 600; 0,05 mm)	метр	1	15	135	45	405	1
42	Ацетон (техник)	литр	0,08	1,2	10,8	3,6	32,4	1
43	Пенопласт ПС-6	куб. метр	0,01	0,15	1,35	0,45	4,05	1
44	Қора қалам	дона	1	15	135	45	405	1
45	Елим	кг	0,1	1,5	13,5	4,5	40,5	1
46	Ёғоч (қарағай) 30x200	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	1
47	Елим (Суперклеј 35 гр.)	флакон	1	15	135	45	405	2
48	Дихлоретан	кг		0,15	1,35	0,45	4,05	1
49	Полистирол 1000x2000x2	лист		1,5	13,5	4,5	40,5	1
50	Алюкапон 1000x2000x2	лист		1,5	13,5	4,5	40,5	1
51	Копирка қоғози А-3 (4 хил ранг)	дона	4	60	540	180	1620	4
52	Ёғоч (қарағай) брус 100x100	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	2
53	Ёғоч (қарағай) брус 50x50	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	2
54	Кўп пайлик мис электр сими (2 диаметр)	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	1
55	Кевлар ип (1 диаметр)	п/метр	1,5	22,5	202,5	67,5	607,5	2
56	Лавсан ип (1 диаметр)	п/метр	1,5	22,5	202,5	67,5	607,5	2
57	Электромотор ДПМ-1	дона	1	15	135	45	405	2
58	Миллиметровка (эни 600 mm)	метр	1,5	22,5	202,5	67,5	607,5	4
59	Резина “ТАН-4”	кг	0,05	0,75	6,75	2,25	20,25	2
60	Картон А-3x2 mm	дона	1	15	135	45	405	2
61	Картон А-3x3 mm	дона	1	15	135	45	405	3
62	Конденсатор қоғози (эни 300 mm; қалинлиги 0,001 mm)	метр	1,5	22,5	202,5	67,5	607,5	1
63	Калька гушли (эни 800 mm)	метр	1,5	22,5	202,5	67,5	607,5	2
64	Калька қаламли (эни 800 mm)	метр	1,5	22,5	202,5	67,5	607,5	1
65	Миколент қоғози (эни 800 mm)	метр	1,5	22,5	202,5	67,5	607,5	1
66	Ракета заряди МРД-2,5	дона	3	45	405	135	1215	1
67	Ракета заряди МРД-5	дона	1	15	135	45	405	1

68	Ракета заряди МРД-10	дона	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	1
69	Ракета заряди МРД-20	дона	0,2	3	27	9	81	1
70	Эбоксид елими (ЭДП)	кг		0,6	5,4	1,8	16,2	1
71	Органик шиша 1000x2000x5	лист		1,5	13,5	4,5	40,5	1
72	Кавшар (БОС-60)	кг		0,15	1,35	0,45	4,05	1
73	Ёғоч (жўка) брус 50x50	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	1
74	Турли рангдаги иплар (№40, №10)	галтак	1	15	135	45	405	1
75	Ғижим қоғоз (эни 600 mm; 0,5 mm)	метр	1	15	135	45	405	1
76	Мис кўп жилкали электр сими диам-2	п/метр	0,5	7,5	67,5	22,5	202,5	1
77	Рангли қалам (24 рангли)	комплект	1	15	135	45	405	1
78	Фотоқоғоз оқ-қора (20x30 mm)	тўплам	1	15	135	45	405	1
79	Фотоқоғоз рангли (20x30 mm)	тўплам	1	15	135	45	405	1
80	Рангли қоғоз (рақамли, 10x15 mm)	дона	9	135	1215	405	3645	1
81	Рангли фотоплёнка	дона	3	45	405	135	1215	1
82	Оқ-қора фотоплёнка	дона	3	45	405	135	1215	1
83	Видеокассета	дона	1	15	135	45	405	1
84	CD-диск	дона	1	15	135	45	405	1
БАДИЙ ИЖОДИЁТ ЙЎНАЛИШИ								
1	Бўёқ эзгилаш учун палитра	м ²	-	5	45	15,0	135,0	1
2	Сопол бўёғи (турли рангдаги)	кг	-	5	45	15,0	135,0	1
3	Махсус ҳайкалтарошлик лойлари	кг	1	15	135	45,0	405,0	2
4	Эритгич (растворитель)	дона	-	2	18	6,0	54,0	6
5	Мис	кг	-	4,5	40,5	13,5	121,5	2
6	Жўка (сосна) ёғочи	м ³		0,2	1,8	0,6	5,4	1
7	Елим ПВА	кг		1	9	3,0	27,0	6
8	Дуродгорлик елими	кг		0,5	4,5	1,5	13,5	1
9	Ёнғоқ ёғочи	м ³		0,3	2,7	0,9	8,1	1
10	Чинор ёғочи	м ³		0,3	2,7	0,9	8,1	1
11	Нитролак	кг		0,5	4,5	3,5	13,5	1
12	Лок	кг		1	9	3,0	27,0	6
13	Ҳимоя кузойнаги	дона		8	72	24,0	216,0	1
14	Фанера бўлаклари № 3 мм	м ²	-	2	18	6,0	54,0	1
15	Фанера бўлаклари № 5 мм	м ²	-	2	18	6,0	54,0	1
16	Фанера бўлаклари № 10 мм	м ²	-	1	9	3,0	27,0	1
17	Турли размердаги михлар	кг	-	1	9	3,0	27,0	1
18	Турли катталикдаги бурама михлар	кг	-	1	4,5	1,5	13,5	1
19	Ватман қоғоз 860x600 mm	дона	1	15	135	45,0	405,0	7
20	Картон А3x2 мм	дона	1	15	135	45,0	405,0	3
21	Қора қалам	дона	1	15	135	45,0	405,0	10
22	Ўчирғич	дона	1	15	135	45,0	405,0	9
23	Фломастер	пачка		5	45	15,0	135,0	1
24	Чизғич (хар хил турдаги)	тўплам	1	15	135	45,0	405,0	1
25	Нусха тушириш (Капировка) қоғози	почка		2	18	6,0	54,0	1
26	Миллиметрли чизғич	дона	1	15	135	45,0	405,0	5
27	Чизмачилик анжомлари	тўплам		5	45	15,0	135,0	2
28	Акварель мўйқаламлари № 1–10	тўплам	1	15	135	45,0	405,0	4

29	Акварель бўёқлари (12–24 хил)	почка	1	15	135	45,0	405,0	4
30	Бадий холст матоси	метр	1	15	135	45,0	405,0	1
31	Мой бўёқлар	дона	4	60	540	180,0	1 620,0	4
32	Лок бўёғи	кг	-	5	45	15,0	135,0	1
33	Қоғоз (А3 формат)	дона	9	135	1215	405,0	3 645,0	2
34	Қоғоз (А4 формат)	почка		1	9	3,0	27,0	7
35	Рангли қалам	почка	1	15	135	45,0	405,0	3
36	Елим (Клей блестящий)	тўплам	1	15	135	45,0	405,0	1
37	Чизғич	дона	1	15	135	45,0	405,0	6
38	Гуаш бўёқлари (24 хил)	почка		5	45	15,0	135,0	4
39	Пластелин	почка	2	30	270	90,0	810,0	1
40	Елим КМЦ	кг	-	1	9	3,0	27,0	1
41	Қолиплар (пластмасса)	тўплам	-	1	9	3,0	27,0	1
42	Қурук бўёқлар	кг	-	1	9	3,0	27,0	1
43	Чизғич (метровая)	дона	1	15	135	45,0	405,0	1
44	Турли ҳажмдаги кистлар	тўплам		2	18	6,0	54,0	1
45	Кавшарлагич учун бензин	литр	1	15	135	45,0	405,0	1
46	Кавшарлаш учун кислоталар (сульфат кислота)	литр	-	1	9	3,0	27,0	1
Марказ регламенти 10 та бўлимдан, яъни “Умумий қоидалар”, “Марказ ишини ташкил этиш”, “Халқ таълими бошқарув идораларига масалаларни киритиш тартиби”, “Марказ буйруқларини расмийлаштириш, эълон қилиш ва кучга киритиш”, “Марказга юқори ташкилотлардан, бошқа идоралардан юборилган ҳужжатларни кўриб чиқиш тартиби”, “Марказ томонидан назорат ваколатининг амалга оширилиши”, “Марказ қошидаги доимий комиссия, кенгашлар ва бошқа ишчи гуруҳлар”, “Марказда халқ таълими бошқарув идораларининг ҳужжатлари билан ишлаш тартиби”, “Марказга келиб тушган ҳужжатларни расмийлаштириш ва ижросини таъминлаш бўйича қарор қабул қилиш”, “Халқ таълими бошқарув идоралари мажлис баёнларини ва шу асосида ишлаб чиқилган Марказнинг қарор ва буйруқларини назорат қилишни ташкил этиш ҳамда ижросини таъминлаш” бўлимларидан иборат бўлади.

1.4. Ички меҳнат тартиб қоидалари.

Марказ ходимлари ўртасидаги ички меҳнат тартиб қоидалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 174-моддасига биноан ишлаб чиқилади ва Марказ директори ҳамда касаба уюшмаси ўртасида келишилган ҳолда тасдиқланади. Ички меҳнат тартиб қоидаларини тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлган масалалар иш берувчи томонидан унга берилган ҳуқуқлар доирасида амалдаги қонунчилик ва Марказнинг ички меҳнат тартиб қоидаларида назарда тутилган ҳолларда эса касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ёки келишувга биноан ҳал қилинади.

Ички меҳнат тартиб-қоидаларида иш берувчи ва ходимиинг асосий ҳуқуқлари, вазифалари, меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби, иш ва дам олиш вақти, рағбатлайтириш, меҳнат интизомини бузганлиги учун интизомий жавобгарлик ва жазо чораларини қўллаш каби бандлардан иборат бўлади.

1.5. Марказ раҳбари ўзгарган тақдирда собиқ ва янги раҳбар, халқ таълими бошқарув идоралари вакиллари томонидан имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномаси.

Марказнинг ташкилий ва бошқарув ҳамда ўқув-педагогик ҳужжатлари Марказ директори алмашган пайтда, далолатнома асосида янги тайинланган директорга топширилади. Далолатнома собиқ ва янги тайинланган директорлар, шунингдек, топшириш чоғида иштирок этаётган тегишли халқ таълими бошқарув идоралари вакиллари томонидан тузилади ва имзоланади.

1.6. Марказнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги ҳақидаги далолатномаси.

Марказнинг янги ўқув-йилига тайёргарлиги юзасидан далолатномаси тузилиши керак. Ушбу далолатнома Марказ, ҳокимият ва тегишли коммунал ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда тузилади. Мазкур далолатномани тузишда эътиборни ўқув йили давомида Марказ биносини куз-қиш мавсумида иссиқ, қуруқ ва хавфсиз ўтказишга қаратиш лозим.

1.7. “Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган Давлат талаблари.

Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларида қуйидаги йўналишлар бўйича тўғарак қатнашчиларига талаблар белгиланган:

1. Техник ижодкорлик йўналишида.
2. Бадиий ижодиёт йўналишида.
3. Ўлкашунослик ва экология йўналишида.

Давлат талаблари тўғарак йўналишларига қараб белгиланади. Ҳар ўқув йили ва чораклар якуни асосида тўғарак раҳбарлари томонидан тўғарак аъзоларининг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари оғзаки, ёзма, тест синовлари ва амалий иш натижалари асосида аниқлаб борилади.

1.8. Марказнинг иш режаси.

Республика ва вилоят Марказлари ўзининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб календарь йил бошида йиллик, туман (шаҳар) Марказлари ўқув йили бошида ўқув йили мўлжалланган иш режасини шакллантиради. Ёзги таътил кунлари учун алоҳида мавсумий режа тузилади.

Марказ иш режасини ишлаб чиқишда вазирлик, ҳудудий халқ таълими органларининг таклиф ва кўрсатмалари инобатга олинади ҳамда юқори ташкилот тасдиғига киритилади.

1.9. Тўғарак ўқув дастурлари.

Тўғараклар ўз фаолиятини тасдиқланган ўқув дастурлари асосида амалга оширади.

Тўғарак ўқув дастурлари “Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида ишлаб чиқилади. Тўғарак ўқув дастурлари Республика таълим маркази ҳузуридаги Маънавий-маърифий йўналишдаги Илмий методик кенгашида тасдиқланади ва вазирликнинг буйруғи билан амалиётга тадбиқ этилади.

Тўғарак ўқув дастурларида берилган ўқув режаларга ҳудуднинг ва тўғаракларга жалб қилинган болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тўғарак раҳбарлари томонидан 25 фоизгача ўзгартириш киритилиши мумкин.

II. ЎҚУВ-ПЕДАГОГИК ҲУЖЖАТЛАР

Марказнинг ўқув-педагогик ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- 2.1. Тўғарак машғулотлари журнали;
- 2.2. Мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва тўғарак аъзоларига тарқатилишини қайд этиш дафтари;
- 2.3. Педагогик ва Услубий кенгаш баённомалари дафтарлари;
- 2.4. Қолдирилган ва ўрни алмаштирилган машғулотларни рўйхатга олиш дафтари;
- 2.5. Тўғарак аъзоларининг ҳаракат (тўғаракка қабул қилинганлиги ва чиқиб кетганлиги ҳақида) рўйхати;
- 2.6. Буйруқлар дафтари.

2.1. Тўғарак машғулотлари журнали.

Тўғарак машғулотлари журнали давлат ҳужжати ҳисобланади. Марказ директори ва унинг таълим-тарбия ишлари бўйича ўринбосари журналларнинг тўғри юритилишини мунтазам назорат қилиб боради ва сақланишини таъминлайди.

Мазкур журнал ўқув йилига мўлжалланган бўлиб, Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда, тўғаракнинг ҳар бир гуруҳида юритилади.

Ҳар бир гуруҳ журналнинг алоҳида саҳифасига ёзилади. Тўғарак раҳбари тўғарак аъзолари давоматини мунтазам белгилаб боради. Журналнинг ўнг бетидида машғулотларда ўрганилаётган мавзулар ёзилади, чап томонида машғулот куни қўйилади, машғулотга сабабсиз келмаган тўғарак аъзолари “–”, сабабли келмаган тўғарак аъзоси “+” белгилари билан белгиланади. Ўтилган мавзулар ва соатлар миқдори аниқ кўрсатилади. Журналдаги барча ёзувлар белгиланган тартибга мувофиқ кўк сиёҳли ручкада аниқ ва тартибли ёзилиши лозим.

Журналда таълим йили бўйича тўғарак аъзолари алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратилади. Кетган тўғарак аъзоларининг исми, шарифи рўпарасига “кетган” деб ёзилади. Янги тўғарак аъзолари келиши билан рўйхат охирига ёзиб қўйилади. Уй-жойини алмаштирганлиги сабабли Марказга келмай қўйган, бошқа таълим муассасасига ўтиб кетган, машғулотларга сабабсиз келмаётган тўғарак аъзолари тўғаракдан кетган ҳисобланади.

Тўғарак раҳбари журналда тўғарак аъзоларининг исми, шарифларини алифбо тартиби билан ёзади ва “Тўғарак аъзолари ҳақида маълумот”ларни тўлдиради.

Журналнинг “Тўғарак ишини таҳлил қилганларнинг фикр-мулоҳазалари” саҳифаси директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда Марказнинг масъул ходимлари томонидан ўрнатилган тартибда тўлдириб борилади.

2.2. Мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани ҳисобга олиш ва тўғарак аъзоларига тарқатилишини қайд этиш дафтари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 130-сон қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғри-

сидаги Низомга илова қилинган шаклда “Баркамол авлод” болалар марказлари томонидан ўқувчиларга қўшимча таълим олганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Гувоҳномаларнинг берилиши дафтарга қайд этилади. Тўғарак аъзолари гувоҳномани олганликлари тўғрисида дафтарга имзо қўйишади. Рўйхатга олиш тартиб рақамига кўра амалга оширилади. Дафтар рақамланган ва шнурланган ҳолда Марказ директори томонидан имзоланиб, муҳрланади.

*_____ вилояти _____ туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари
фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли
“Баркамол авлод” болалар марказида 20__-20__ ўқув йилида мактабдан
ташқари таълим ҳақида гувоҳномани ҳисобга олиш ва тўғарак аъзоларига
тарқатишни қайд этиш дафтари*

Т/р	Гувоҳнома берилган тўғарак аъзосининг Ф.И.Ш	Туғилган йили ва санаси	Қатнашган тўғарак номи	Тўғаракка қатнашган вақти	Гувоҳнома қайд рақами	Гувоҳнома берилган сана	Тўғарак аъзосининг исми

2.3. Педагогик ва Услубий кенгаш баённомалари дафтарлари.

Марказда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, Марказ фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш, педагогик ходимларнинг касбий маҳоратларини ва ижодий ўсишларини кучайтириш мақсадида Педагогик ва Услубий кенгашлар ташкил этилади.

Педагогик ва Услубий кенгашлари йиғилиши “Баркамол авлод” болалар марказларининг Педагогик ва Услубий кенгашлари тўғрисидаги Низомларга мувофиқ ўтказилади.

Ўтказилган ҳар бир кенгаш жараёнини расмийлаштириш учун Марказда Педагогик ҳамда Услубий кенгаш баённомалари дафтарлари юритилади.

Педагогик ва Услубий кенгаш баённомалари дафтарларида, кенгашга олиб чиқилган масалалар муҳокамасининг бориши, кенгаш аъзоларининг таклиф ва мулоҳазалари қайд этиб борилади. Педагогик ва Услубий кенгашларнинг қабул қилган қарорлари баённомаларда ифодаланади. Ҳар бир баённома кенгаш раиси ва котиби томонидан имзоланади. Дафтарлар рақамланган ва шнурланган ҳолда Марказ директори томонидан имзоланиб, муҳрланади.

2.4. Қолдирилган ва ўрни алмаштирилган машғулотларни рўйхатга олиш дафтари.

Ҳар бир Марказда қолдирилган ва ўрни алмаштирилган машғулотларни рўйхатга олиш дафтари юритилади. Унга қолдирилган ва ўрни алмаштирилган машғулотлар ҳақидаги маълумотлар ёзиб борилади. Ёзувлар фақат зарур тарзда расмийлаштирилган ҳужжатлар (Марказ бўйича буйруқлар, касаллик варақаларидаги ёзувлар ва ҳоказо) асосида амалга оширилади. Иш ҳақи табели дафтардаги қайдларга тўғри келиши лозим. Дафтар рақамланган ва шнурланган ҳолда Марказ директори томонидан имзоланиб, муҳрланади.

*“Баркамол авлод” болалар марказида қолдирилган ва ўрни алмаштирилган
маиғулотларни рўйхатга олиш дафтари*

т/р	Тўғарак номи	Тўғарак раҳбарининг исми шарифи	Қолдирилган машғулотларнинг жами соат миқдори	Қолдирилган машғулотлар куни	Қолдирилган машғулотлар сабаби, асоси	Ўрни алмаштирилган тўғарак машғулотини ўтган шахснинг исми шарифи

2.5. Тўғарак аъзоларининг ҳаракат рўйхати.

Марказда тўғарак аъзоларининг ҳаракат рўйхати ҳар ойда шакллантирилади ва Марказнинг буйруғи билан тасдиқланади. Унга тўғаракка муайян вақтда қабул қилинган болалар ёки кетган тўғарак аъзолари ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Ушбу рўйхатнинг намунавий шакли қуйидагича:

*20__-20__ўқув йилининг _____ ойида марказ тўғарак аъзолари
таркибига киритилган таълим олувчилар рўйхати*

Т/р	Тўғарак аъзоларининг исми шарифи	Тўғаракка аъзо бўлган вақти
“Ёш дастурчи” тўғараги		
Тўғарак раҳбари _____		
1		
2		
“Авиамодель” тўғараги		
Тўғарак раҳбари _____		
1		
2		
3		
Жами	_____ та тўғарак	_____ нафар тўғарак аъзолари

*20__-20__ўқув йилининг _____ ойида марказ тўғарак аъзолари
таркибидан чиқарилган таълим олувчилар рўйхати*

Т/р	Тўғарак аъзоларининг исми шарифи	Тўғаракка аъзо бўлган вақти
“Бичиш-тикиш” тўғараги		
Тўғарак раҳбари _____		
1		
2		
“Ёш ўлкашунос” тўғараги		
Тўғарак раҳбари _____		
1		
2		
3		
Жами	_____ та тўғарак	_____ нафар тўғарак аъзолари

2.6. Буйруқлар дафтари.

Марказда кадрлар шахсий таркибига оид буйруқларни расмийлаштириш дафтари ҳамда асосий фаолиятга доир буйруқларни расмийлаштириш дафтари юритилади.

а) Кадрлар шахсий таркибига оид буйруқларни расмийлаштириш дафтарида ўрнатилган тартибда ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, рағбатлантириш, меҳнат таътили бериш, маъмурий чоралар кўриш ҳамда тўғарак раҳбарларига ҳафталик юкламаларни тақсимлаш каби буйруқлар қайд қилиб борилади.

б) Асосий фаолиятга доир буйруқларини расмийлаштириш дафтарида Марказда ишни ташкил қилиш, юқори ташкилотлардан келган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш, таълим-тарбияга оид бўлган турли тадбирларни ўтказишга боғлиқ буйруқлар қайд қилиб борилади.

Буйруқлар дафтарлари рақамланган ва шнурланган ҳолда Марказ директори томонидан имзоланиб, муҳрланади.

III. “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗИДА ИШ ЮРИТИШ

Марказда иш юритиш Халқ таълими вазирлигининг Регламентига мувофиқ ишлаб чиқилган Марказнинг “Иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича йўриқномаси” асосида амалга оширилади.

Марказда иш юритиш ишлари Марказ директори буйруғи билан бириктирилган “ижро интизоми бўйича масъул ходим” томонидан амалга оширилади.

Марказда ҳужжатларни қайд қилиш дафтарлари юритилади. Ушбу дафтарларнинг барчаси шнурланиб, рақамланган ҳолда Марказ муҳри ва директор имзоси билан тасдиқланади.

Марказда ҳужжатларни қайд қилиш дафтарларининг шакллари қуйидагича:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ҳужжатларининг ижроси бўйича халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг ҳужжатларини қайд қилиш дафтари (1-дафтар)

Т/р	Ҳужжат кирим бўлган сана	Ҳужжат келган ташкилот номи	Ҳужжат санаси, рақами ва тури	Мазмуни	Ижрочи	Кўрсатма	Муддат	Ижро ҳолати

Вазирлар Маҳкамаси (фармойиш, қарор, хат), Олий Мажлис (қарор, хат) ҳужжатларининг ижроси бўйича халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг ҳужжатларини қайд қилиш дафтари (2-дафтар)

Т/р	Ҳужжат кирим бўлган сана	Ҳужжат келган ташкилот номи	Ҳужжат санаси, рақами ва тури	Мазмуни	Ижрочи	Кўрсатма	Муддат	Ижро ҳолати

*Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимнинг (буйруқ, Ҳайъат қарори, баён, чора, чора-тадбир, хат) ҳужжатларини қайд қилиш дафтари
(3-дафтар)*

Т/р	Ҳужжат кирим бўлган сана	Ҳужжат келган ташкилот номи	Ҳужжат санаси, рақами ва тури	Мазмуни	Ижрочи	Кўрсатма	Муддат	Ижро ҳолати

*Турли ташкилот ва идоралардан келган ҳужжатларни қайд қилиш дафтари
(4-дафтар)*

Т/р	Ҳужжат кирим бўлган сана	Ҳужжат келган ташкилот номи	Ҳужжат санаси, рақами ва тури	Мазмуни	Ижрочи	Кўрсатма	Муддат	Ижро ҳолати

*Фуқароларнинг ёзма ва оғзаки (раҳбарият қабулида бўлган фуқаролар) муурожаатларини қайд қилиш дафтари
(5-дафтар)*

Т/р	Ҳужжат кирим бўлган сана	Ф.И.Ш	Манзили	Мазмуни	Ижрочи	Кўрсатма	Муддат	Ижро ҳолати

*“Баркамол авлод” болалар марказининг асосий фаолиятига доир буйруқларини расмийлаштириш дафтари
(6-дафтар)*

Т/р	Буйруқ рақами	Буйруқ чиқарилган сана	Манзили	Ижрога масъул шахс	Ижро муддати	Ижро ҳолати

*Марказдан чиқувчи ҳужжатларни қайд қилиш дафтари
(7-дафтар)*

Т/р	Ҳужжатнинг чиқиш рақами	Ҳужжатнинг чиқиш сана	Ҳужжат жўнатилаётган ташкилот номи	Ҳужжатнинг қисқача мазмуни	Ижрочи	Натижа

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ ҲАҚИДА ГУВОҲНОМАНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТОПШИРИШ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 130-сонли қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низом асосида “Баркамол авлод” болалар марказлари томонидан ўқувчиларга мактабдан ташқари таълим олганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг тайёрланишини ва топширилишини такомиллаштириш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. “Баркамол авлод” болалар марказларида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани тайёрлаш ва уни топширишнинг янги таҳрирдаги тартиби 1-иловага, мактабдан ташқари таълим олган ўқувчилар тўғрисида маълумот шакли 2-иловага, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 130-сонли қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказида мактабдан ташқари таълим ҳақида давлат намунасидаги гувоҳнома тавсифи асосида тайёрланган гувоҳнома шакли 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси (Д. Эрматов) “Баркамол авлод” болалар марказларида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани тайёрлаш ва уни топширишнинг янги таҳрирдаги тартибига мувофиқ “Баркамол авлод” болалар марказларида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани ўрнатилган тартибда тайёрланишини ва топширилишини назоратга олсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ва “Баркамол авлод” республика болалар марказлари директорларига:

бир ҳафта муддатда “Баркамол авлод” болалар марказларида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани тайёрлаш ва уни топширишнинг янги таҳрирдаги тартибини барча “Баркамол авлод” болалар марказларига етказиш;

“Баркамол авлод” болалар марказларида мазкур янги таҳрирдаги тартибга қатъий амал қилган ҳолда ушбу буйруққа илова қилинган шаклдаги гувоҳнома топширилишини ташкил этиш;

2014 йилдан бошлаб ҳар йили тасарруфдаги “Баркамол авлод” болалар марказларида болаларнинг мактабдан ташқари таълим олганлиги ҳақидаги гувоҳномани чоп этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг марказлашган тадбирлар бўйича харажатлар сметасида тегишли маблағларнинг назарда тутилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

4. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Ҳ. Дўстмуҳаммад) 2014 йилдан бошлаб ҳар йили “Баркамол авлод” республика болалар марказларида ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълим олганлиги ҳақидаги гувоҳномани чоп этиш учун ушбу ташкилотларнинг харажатлар сметасида тегишли маблағларни назарда тутсин.

5. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2012 йил 2 мартдаги “Баркамол авлод” болалар марказларида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани тайёрлаш ва топшириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги 59-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Холбеков зиммасига юклатилсин.

У. Иноятов
Халқ таълими вазири

Тошкент шаҳри,
2013 йил 30 октябрь,
№ 345-сон.

“Баркамол авлод” болалар марказларида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани тайёрлаш ва топширишнинг янги таҳрирдаги ТАРТИБИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу янги таҳрирдаги тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 130-сонли “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 19-сон, 190-модда.) асосида “Баркамол авлод” болалар марказининг таълим олувчиларига мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани тайёрлаш ва топшириш тартибини белгилайди.

II. Гувоҳномани тайёрлаш тартиби

2. Мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳнома туман (шаҳар) “Баркамол авлод” болалар марказлари директорларининг буюртмалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан мазкур буйруқнинг 3-илова-си билан тасдиқланган шаклда тайёрланиб берилади.

“Баркамол авлод” республика болалар марказлари томонидан бериладиган мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномалар ўрнатилган тартибда мазкур Марказлар томонидан тайёрланади.

3. Мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 130-сонли “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган қуйидаги тавсифга асосан тайёрланади:

“Баркамол авлод” болалар марказида мактабдан ташқари таълим ҳақидаги гувоҳнома А4 форматли қалин оқ қоғозга тўрт хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун – қора рангда, расмлар тасвири учун – яшил, кўк, қизил рангларда чиқарилади.

Варақнинг юқори қисмида 20 мм чекинган ҳолда диаметри 46 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлаштирилади. Варақнинг икки ён тарафидан 15 мм ва қуйи қисмидан 15 мм чекинган тасманинг эни 6 мм ни ташкил этади.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида “O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI “Barkamol avlod” bolalar markazida maktabdan tashqari ta'lim haqida GUVOHNOMA” сўзлари босилади. Гувоҳномага икки лотин ҳарфи – МТ ва тартиб рақами қўйилади.

III. Гувоҳномани топшириш тартиби

5. “Баркамол авлод” болалар марказида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳнома тўғарак ўқув режасини якунлаган ўқувчиларга 1 ҳафта ичида бериллади. Гувоҳнома тўғарак ўқув режасини якунламаган ўқувчиларга берилмайди.

5. “Баркамол авлод” болалар марказида гувоҳномаларни тарқатиш ва расмийлаштириш бўйича Комиссия тузилади. Комиссия таркиби “Баркамол авлод” болалар маркази директори томонидан тасдиқланади.

Комиссия таркибига “Баркамол авлод” болалар марказининг жами 3 нафар ходимлари, яъни марказ директори, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (“Баркамол авлод республика болалар марказларида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари) ва 1 нафар тажрибали педагог ходим киритилади.

“Баркамол авлод” болалар маркази директори комиссия раиси ҳисобланади.

6. Гувоҳномалар тўғарак аъзоларига комиссия томонидан марказ директори ва директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари тасдиқлаган мактабдан ташқари таълим олган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотга асосан бепул равишда тарқатилади.

7. Гувоҳномада гувоҳноманинг тартиб рақами, ўқувчининг исми шарифи, муассаса номи, тўғаракка қатнашган муддати, тўғарак номи, муассаса директорининг исми шарифи, гувоҳноманинг берилган вақти ва қайд рақами тўлиқ кўрсатилади.

8. “Баркамол авлод” болалар марказида қуйидаги намунавий шаклда “Мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга тарқатилишини қайд этиш дафтари” юритилади:

Намунавий шакл

_____ вилояти _____ туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли “Баркамол авлод” болалар марказида 20__-20__ ўқув йилида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга тарқатишни қайд этиш
ДАФТАРИ

т/р	Гувоҳнома берилган ўқувчининг Ф.И.Ш	Туғилган йили ва санаси	Қатнашган тўғарак номи	Тўғаракка қатнашган вақти	Гувоҳнома қайд рақами	Гувоҳнома берилган сана	Ўқувчи имзоси
1.	Саидхўжаева Лазиза Рамзиддинхўжа қизи	2000 й. 15 июнь	Либослар дизайни	2012 йил 20 сентябрь- 2013 йил 25 май	МТ № 001	2013 йил 30 май	
2.							

IV. Якуний қоидалар

9. Марказда “Мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномаларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга тарқатилишини қайд этиш дафтари” ва тегишли ҳужжатларнинг ўрнатилган тартибда сақланиши учун Марказ директори жавобгар ҳисобланади.

Халқ таълими вазирлигининг
2013 йил 30 октябрдаги
345-сонли буйруғига 2-илова

_____ вилояти _____ туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари
фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли
“Баркамол авлод” болалар марказида 20__-20__ ўқув йилида мактабдан
ташқари таълим олган ўқувчилар тўғрисида
МАЪЛУМОТ ШАКЛИ

т/р	Ф.И.Ш	Туғилган йили ва санаси	Қатнашган тўғарак номи	Тўғаракка катнашган қақти	Тўғарак рахбарининг исми шарифи
1.	Саидхўжаева Лазиза Рамзиддинхўжа қизи	2000 й. 15 июнь	Либослар дизайни	2012 йил 20 сентябрь 2013 йил 25 май	Д. Собирова
2.					

“Баркамол авлод” болалар
Маркази директори

(имзо)

Ф.И.Ш

Директорнинг ўқув ва маънавий-
Маърифий ишлар бўйича ўринбосари

(имзо)

Ф.И.Ш

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ БУЙРУҒИ

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИ ЖУРНАЛЛАРИНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА”НИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 130-сон “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини тизимли ташкил этиш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак машғулотлари журналин юритиш бўйича Йўриқнома” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда “Баркамол авлод” Республикас болалар марказларига:

бир ҳафта муддатда мазкур Йўриқномани барча “Баркамол авлод” болалар марказларига етказиш;

“Баркамол авлод” болалар марказларида тўғарак машғулотлари журналларини мазкур Йўриқнома талаблари асосида юритилишини таъминлаш ва доимий назорат қилиш вазифалари топширилсин.

3. Ахборот хизмати (Б. Шайвалиев) мазкур Йўриқноманинг вазирлик муассислигидаги илмий-методик журналларда чоп этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Холбеков зиммасига юклатилсин.

У. Иноятлов
Халқ таълими вазири

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 27 феврал,
№ 46-сон.*

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИ ЖУРНАЛИНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Сизларга маълумки, мактабдан ташқари таълим узлуксиз таълим тизимининг бир бўғини ҳисобланади.

“Баркамол авлод” болалар марказлари ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариши ва фаолиятлари давомида таълим-тарбия ишини режалаштириши, ўқув-педагогик жараёни олиб бориши, марказ ишларини юритишни ташкил қилиш билан боғлиқ ишлари ҳужжатларда ўз аксини топади.

“Баркамол авлод” болалар марказларида юритиладиган ҳужжатлар мазкур марказда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишларини сифат жиҳатдан тавсифлаб берувчи омилдир.

“Баркамол авлод” болалар марказларида ҳужжатларнинг юритилиши вазирликнинг 2013 йил 20 февралдаги 61-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказларида ҳужжатларнинг юритилиши бўйича Йўриқнома асосида тартибга солинади.

Тўғарак машғулотлари журнали – “Баркамол авлод” болалар марказларининг ўқув-педагогик ҳужжатларидан бири ҳисобланади.

Тўғарак машғулотлари журнали – давлат молиявий ҳисобот ҳужжати ҳисобланади. Уни ҳар бир тўғарак раҳбари юритиши лозим. Тўғарак машғулотлари журналининг тўғри юритилиши “Баркамол авлод” болалар маркази директори ва унинг маънавий-маърифий ва ўқув ишлари бўйича ўринбосари, услубчилар томонидан мунтазам назорат қилиб борилади ва сақланишини таъминлайдилар.

Тўғарак машғулотлари журнали ўқув йилига мўлжалланган бўлиб, Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда ҳар бир тўғаракда юритилиши лозим.

Тўғарак машғулотлари журналининг сақланиш муддати 20 йил.

Ушбу йўриқномадан “Баркамол авлод” болалар марказлари, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида касбга йўналтирилган тўғарак машғулотлари журналларини юритишда фойдаланишлари мумкин.

Энди тўғарак машғулотлари журналларини юритиш бўйича намуна кўрсатамиз. Тўғарак машғулотлари журналининг юритилишини “*Тўқини*” тўғараги мисолида кўрсатибгина эмас, балки тўғарак машғулотлари журналидаги айрим саҳифа ва жадвалларнинг юритилиши бўйича *бошқа тўғараклар учун* хос бўлган мавзулар ва мисоллар келтирилган.

Тўғарак машғулоти журналининг 1 саҳифаси

“ _____ да тўғарак машғулоти ишини ҳисобга

(таълим муассасаси номи)

олиш журналини юритиш бўйича кўрсатмалар” деб номланиб, ҳар бир тўғарак раҳбари машғулоти журналини юритишдан олдин қуйидаги кўрсатмалар билан танишиб чиқиши лозим.

ДА ТЎГАРАК

(таълим муассасаси номи)

МАШҒУЛОТЛАРИ ИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЖУРНАЛИНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

1. Тўғарак машғулоти ишини ҳисобга олиш журнали давлат молиявий ҳисобот ҳужжати ҳисобланади ва уни ҳар бир тўғарак раҳбари олиб бориши шарт.
2. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ёки услубчилар доимий равишда журналнинг тўғри олиб борилишини назорат қилиб туришлари шарт.
3. Тўғарак машғулоти ишини ҳисобга олиш журнали бир ўқув йилига мўлжалланган бўлиб, у ҳар бир тўғаракда олиб борилиши лозим.
4. Журналдаги ёзувлар аниқ, тартибли ва мунтазам олиб борилиши керак. Журнал ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарида сақланади.
5. Журналнинг иккинчи-учинчи бетида тўғарак раҳбари ўзи олиб борадиган тўғарак номи, муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган машғулоти жадвалини, тўғарак раҳбарининг фамилияси-исмини, отасининг исми, тўғарак аъзолари сардорларининг тўлиқ исми-фамилиясини ёзиб қўяди.
6. Жадвалдаги ўзгаришлар ўқув ишлари бўйича жавобгар шахс билан келишилган ҳолда журналнинг учинчи бетида қайд қилинади.
7. Тўғарак ишини ҳисобга олиш учун 18–93-бетлар ажратилган бўлиб, унда тўғарак аъзолари таркиби (фамилияси – исми) тўлиқ, машғулоти мавзуси, тўғарак ишининг бажарилган соати ва муддати жадвалга мувофиқ кўрсатилади.
8. Тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларининг давоматини журналда машғулоти раҳбари ажратилган кунлар ва соатлар устунда мунтазам белгилаб боради ва сабабсиз келмаганларга “–” белгиси, сабабли қатнашмаганларга “+” белгиси қўйилади.
9. Тўғарак ташкил топган кундан 10 кун муддатда тўғарак аъзоларининг рўйхатини тузади ва тегишли устунларни тўлдиради. Агарда тўғарак таркибида ўзгариш бўлса, у ҳолда кетган тўғарак аъзолари фамилияси рўпарасида “рўйхатдан чиққан” деб белгиланади, янги қабул қилинганлар “тўғарак аъзолари рўйхати”га киритилиб, қабул қилинган муддати кўрсатилади.
10. Тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларига доимий суратда техника хавфсизлиги қоидалари бўйича кўрсатма бериб боради ва ўқувни муваффақиятли ўзлаштирганларни “Кўрсатмадан ўтган тўғарак аъзолари рўйхати”га киритади.
11. Ўқув йили ва ёз мавсуми тугагач, журнал йиллик ҳисобот билан бирга муассаса маъмуриятига топширилади.

Тўғарак машғулотилари журналининг 2–3 саҳифалари “Тўғарак ишини ҳисобга олиш журнали” деб номланади.

Тўғарак машғулотилари журналининг 2 саҳифасининг шакли ва намунавий юритилиши куйидагича:

**ТЎГАРАК ИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ
ЖУРНАЛИ**

20 13 – 20 14 ўқув йилига мўлжалланган.

Мактабдан ташқари таълим муассасасининг номи _____

Фарғона тумани “Баркамол авлод” болалар маркази

Халқ амалий безак санъати _____ бўлим

Тўқиш _____ тўғараги

Тўғаракнинг машғулоти ўтиш жойи:

1 гуруҳ _____ **2 қават “Тўқиш” тўғараги хонаси**

2 гуруҳ _____ **2 қават “Тўқиш” тўғараги хонаси**

3 гуруҳ _____ **ёки 2 қават 58 хона**

4 гуруҳ _____

5 гуруҳ _____

6 гуруҳ _____

Тўғарак раҳбари _____ **Якубова Зумрад Юсуповна**
(фамилияси, исми, отасининг исми)

Тўғарак аъзоларининг сардори:

1 гуруҳ _____ **Шомансурова Лола**

2 гуруҳ _____ **Саидқулов Хусан**

3 гуруҳ _____ **Қодирова Зухра**

4 гуруҳ _____

5 гуруҳ _____

6 гуруҳ _____

Тўғарак машғулотилари журнали 2 саҳифасининг “Мактабдан ташқари таълим муассасасининг номи” деган бандига муассасанинг расмий номи тўлиқ ёзилади. Масалан, Фарғона тумани “Баркамол авлод” болалар маркази.

Сизга маълумки, “Баркамол авлод” болалар марказининг тўғарак йўналишлари, туркумлари ва номлари Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 9 апрелдаги 03–517-сонли хати ҳамда 2011 йил 31 мартдаги 69-сонли “Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғида белгилаб берилган.

Шу муносабат билан 2 саҳифанинг “*Бўлими*” деган бандига тўғарак қайси туркумга хос бўлса, ўша туркум номи ёзилади. Масалан, “*Тўқииш*” тўғараги “*Халқ амалий безак санъати*” туркумига киради.

“*Тўғараги*” деган бандига “тўғарак номи” худди вазирлик томонидан белгилаб берилганидек ёзилиши шарт, унга қўшимча номлар қўйиш мумкин эмас. Масалан, “*Тўқииш*” тўғарагини “*Бадиий тўқииш*” деб номлаш мумкин эмас.

“*Тўғарак машғулотининг ўтиш жойи*” деган бандига тўғарак машғулоти ўтиладиган жойнинг яъни хонанинг номи (агар номланган бўлса) ёки рақами ёзилади. Биз мазкур бандда 3 та гуруҳни тўлдириб кўрсатганмиз.

“*Тўғарак раҳбари*” деган бандига тўғарак раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ ёзилади.

“*Тўғарак аъзоларининг сардори*” деган бандига тўғаракда нечта гуруҳ бўлса, тўғаракдаги ҳар бир гуруҳнинг сардорлари фамилияси, исми навбат билан ёзилади. Масалан, тўғаракда 3 та гуруҳ бор. Ушбу бандга 3 та тўғарак гуруҳининг сардорлари исм-шарифлари ҳар бир гуруҳ қаторига алоҳида-алоҳида ёзилади.

Тўғарак машғулотлари журналининг 3 саҳифасининг
“_____” деган бандига
(тўғарак номи)

тўғаракнинг тўлиқ номи ёзилади.

“*Мақсад ва вазифалари*” деган бандига тўғаракни ташкил этилганининг мақсади ва тўғаракнинг вазифалари қисқа ва лўнда тарзда ёзилади.

“*Тўғарак раҳбари*” деган бандига тўғарак раҳбарининг фамилияси ва исми ёзилади.

“*Тўғарак машғулотларининг жадвали*” иккита (ҳафта кунлари ва гуруҳлар кўрсатилган) жадваллардан иборат бўлиб, биринчиси “*1-ярим йиллик*” жадвали, иккинчиси “*2-ярим йиллик*” жадвалидир.

Ушбу иккита жадвалларнинг тагида “*Жами _____ соат*” деб номланган банд берилган. Мазкур “*Жами _____ соат*” бандига тўғарак раҳбарининг ҳафталик юкласи (соати) ёзилади. Масалан “*Жами 18 соат*”.

“*1-ярим йиллик*” жадвали ва “*Жами _____ соат*” деб номланган банди ўқув йилининг сентябрь ойи иккинчи ўн кунлигида, “*2-ярим йиллик*” жадвали ва “*Жами _____ соат*” деб номланган банди январь ойининг иккинчи ўн кунлигида тўлдирилади.

Мазкур жадваллар “Баркамол авлод” болалар маркази директори томонидан умумий тўғарак машғулотлари жадвали тасдиқлангандан сўнг тўғарак раҳбари томонидан тўлдирилади.

Тўғарак машғулотилари журналининг 3 саҳифасининг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ТЎГАРАК ИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ

«Тўқиш»

(тўғарак номи)

Мақсад ва вазифалари: Ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар онгига миллий маданиятимиз, миллий қадриятлар руҳини сингдириш, уларга тўқиш ҳунарини эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиш, шу ҳунарга қизиқишларини орттиришдан иборат.

Тўғарак раҳбари Якубова Зумрад Юсуповна

ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЖАДВАЛИ

1-ярим йиллик

	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба
1 гуруҳ				08 ³⁰ -10 ⁴⁵		09 ⁰⁰ -11 ¹⁵	
2 гуруҳ				11 ⁰⁰ -13 ¹⁵		11 ³⁰ -13 ⁴⁵	
3 гуруҳ				13 ³⁰ -15 ⁴⁵		14 ⁰⁰ -16 ¹⁵	
4 гуруҳ							
5 гуруҳ							
6 гуруҳ							

Жами 18 соат

2-ярим йиллик

	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба
1 гуруҳ		09 ⁰⁰ -10 ³⁰		09 ⁰⁰ -10 ³⁰		08 ³⁰ -10 ⁰⁰	
2 гуруҳ		10 ⁴⁰ -12 ¹⁰		10 ⁴⁰ -12 ¹⁰		10 ¹⁰ -11 ⁴⁰	
3 гуруҳ		14 ⁰⁰ -15 ³⁰		14 ⁰⁰ -15 ³⁰		13 ⁰⁰ -14 ³⁰	
4 гуруҳ							
5 гуруҳ							
6 гуруҳ							

Жами 18 соат

Тўғарак машғулотилари жадвалидаги ўзгаришлар 1-гуруҳ сешанба, пайшанба кунлари 09⁰⁰-10³⁰, шанба кўни 08³⁰-10⁰⁰, 2-гуруҳ шанба кўни 14³⁰-16⁴⁰

“Тўғарак машғулотлари жадвалидаги ўзгаришлар” бандига машғулотларни ўтиш вақти ўзгарган гуруҳ, машғулот куни ва машғулотнинг вақтлари кўрсатилади. “2-ярим йиллик” жадвалида белгиланган машғулот вақти “1-ярим йиллик” жадвалида белгиланган машғулот вақти билан бир хил бўлмаслиги мумкин, лекин бу ўзгариш “Тўғарак машғулотлари жадвалидаги ўзгаришлар” бандига киритилмайди. Бу бандга “1-ярим йиллик” жадвалида белгиланган машғулот вақти 1 октябрдан январь ойининг 10 санасига қадар, “2-ярим йиллик” жадвалида белгиланган машғулот вақти 1 февралдан май ойининг 15 санасига қадар бўлган ўзгаришлар киритилади.

Тўғарак машғулотлари журналининг 4 саҳифасидан 9 саҳифасигача “Тўғаракнинг 20__-20__ўқув йили учун ўқув режаси” деб номланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 130-сонли қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўқув режалар биринчи, иккинчи ва ундан кейинги йиллар учун 216 соатни ташкил қилади. 6 ёшли болаларга тўғарак машғулотлари учун ўқув йили режаси 72 соат ҳисобланади.

Тўғаракнинг ўқув йили учун мўлжалланган ўқув режаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган тўғараклар ўқув дастурлари асосида тузилиши шарт. Чунки тўғарак ўқув дастурида тўғаракларнинг йўналишлари бўйича намунавий ўқув режалари кўрсатилиши билан биргаликда ўша режаларнинг мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқлиги ҳам инобатга олинган.

Илмий методик кенгаш муҳокамасидан ўтмаган тўғарак ўқув дастуридан ёки тўғаракнинг йўналишига оид бўлган турли хил адабиётлардан тўғаракнинг ўқув режасини тузиб олиш мумкин эмас.

Ўқув режа ҳар йили ўқув йилининг бошида “Баркамол авлод” болалар маркази директори томонидан тасдиқланади.

Ушбу саҳифага тўғаракнинг ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаси ёзилади яъни болаларга ўқув йили давомида бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда касбга йўналтириш мақсадида ўтиладиган мавзулар режаси, режанинг неча соати назарий, неча соати амалий тарзда ўтилиши ҳамда ушбу соатларни ўтиш муддатлари ёзилади.

Баъзи мавзуларни ўтиш учун катта соатлар ажратилган бўлса-ю унинг майда мавзулари берилмаган бўлиб, ўша бош мавзунинг айнан ўзи ўтиладиган мавзулар режасида такрорланган бўлса, ўша мавзулар журналдаги “Ўтказилган машғулотлар ҳисоботи” саҳифаларидаги “Машғулотлар мавзуси” деган блокига токи ўша мавзу учун ажратилган соатлар миқдорига тўғри келгунга қадар қайта-қайта ёзилади.

Тўғарак машғулотлари журналининг 4 саҳифасидан 9 саҳифасигача “Тўғаракнинг 20__-20__ўқув йили учун ўқув режаси” деб номланган саҳифасининг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

“Тасдиқлайман”
Директор _____
“ ” _____ 20__ й

**ТЎГАРАКНИНГ 20 13 – 20 14 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ЎҚУВ РЕЖАСИ**

T/p	Мавзулар номи	Назарий соат	Амалий соат	Берилган муддат
1	<i>Кириш, техника хавфсизлиги қоидалари ҳақида маълумот</i>	2		<i>сентябр</i>
2	<i>Керакли анжомлар: кегай, илгак (спица, крючоклар), жун иплар ҳақида маълумот</i>	1		<i>сентябр</i>
3	<i>Тўқиш техникаси. Бошланғич қатордаги халқаларни (петлаларни) териш</i>	1	8	<i>сентябр</i>
4	<i>Ўн халқалар (петлалар), милк халқалар (петлалар)</i>	1	8	<i>октябр</i>
5	<i>Терс халқа (петла), чалишма халқа (петла)</i>	1	8	<i>октябр</i>
6	<i>Хонаки халқа, кўчирилган халқалар</i>	1	8	<i>октябр</i>
7	<i>Чилвирлар, қамровчи халқалар</i>	1	8	<i>ноябр</i>
8	<i>Халқа турлари ва тўқиш нусхалари тарифида белгилар</i>	1	8	<i>ноябр</i>
9	<i>Нақшларни тўқиш</i>	1	14	<i>ноябр-декабр</i>
10	<i>Бўйинбоғ (шарф) тўқиш</i>	1	14	<i>декабр</i>
11	<i>Болалар юк халтасини тўқиш учун ишла-тиладиган ипни, спицани танлаш, юк халтасининг ўлчамини аниқлаш</i>	3		<i>январ</i>
12	<i>Болалар юк халтасини (рюкзак) тўқиш</i>		12	<i>январ</i>
13	<i>Болалар юк халтасига илгак билан безак бериш</i>		6	<i>январ</i>
14	<i>Пайпоқ тўқиш: пайпоқ турлари, кегайлар билан тўқилиши ҳақида маълумотлар бериш</i>	1		<i>январ</i>
15	<i>Пайпоқ тўқиш</i>		11	<i>январ-феврал</i>
16	<i>Панжасиз қўлқоплар тўқиш</i>	1	11	<i>феврал</i>
17	<i>Панжаси қўлқоплар тўқиш</i>	1	11	<i>феврал-март</i>
18	<i>Қўлқопча, рўмол тўқиш</i>	1	14	<i>март</i>
19	<i>Илгак (крючок) билан тўқиш техникаси</i>	1	11	<i>март</i>
20	<i>Рангли кийимлар ва сувинер ўйинчоқлар тўқиш: Кичкина хамён тўқиш</i>	1	11	<i>март, апрел</i>
21	<i>Кучукча тўқиш</i>	1	11	<i>апрел</i>
22	<i>Игна қадагич</i>		9	<i>апрел-май</i>
23	<i>Тўқилган кийимларни беаши</i>	1	8	<i>май</i>
24	<i>Кўргазма ташиқил қилиш</i>		3	<i>май</i>

Тўғарак машғулоти журналининг 10 ва 11 саҳифалари “**20__-20__-ўқув йили учун оммавий ишлар режаси**” деб номланган бўлиб, ушбу саҳифага турли оммавий тадбирлар режалари ёзилади. Масалан, “Наврўз” умумхалқ байрами, Мустақиллик байрами, Конституция куни ва шу кабиға бағишланган турли хил оммавий ишлар ёзилади. Шунингдек, ўтказиладиган турли хил кўргазмалар, учрашувлар, ярмаркалар, концертлар, рўзнома ва телевиденияларда чиқишлар ҳақида ёзилади.

Мазкур жадвалнинг “*Бажарилиш ишлар мазмуни*” деб номланган устунига бажарилиши режалаштирилган оммавий ишлар, “*Бажарилиш муддати*” деб номланган устунига оммавий ишларнинг ўтказилиш вақти, “*Бажарувчи масъуллар*” деб номланган устунига белгиланган оммавий ишларнинг ижрочилари кўрсатилади.

Ушбу саҳифаларнинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

**20 13 – 20 14 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ОММАВИЙ
ИШЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Бажариладиган ишлар мазмуни	Бажарилиш муддати	Бажарувчи масъуллар
1	Мустақиллик кунига бағишлаб “Мустақилликдан олдин ва кейин” мавзуда давра суҳбати	15 сентябр	Тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда
2	“Устозлар ва мураббийлар куни” га бағишлаб “Устоз отангдек улуг” мавзуда байрам дастури ташиқил этиши	15 октябр	Маданий ташиқилотчи ва тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда
3	“Шодлик” маҳалласида “Тўғарак ярмаркаси”ни ўтказиши.	20 октябр	Тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда
4	Марказда “Бизнинг ҳуқуқларимиз” мавзуда расмлар кўргазмаси ўтказиши.	3 декабр	Тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда
5	Тўғарак аъзолари ўртасида ““Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – инсонпарварлик ва адолат таянчи” мавзуда давра суҳбатлари ташиқил этиши	9 декабр	Тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда
6	“Ватан ҳимоячилари куни” тўғрисида суҳбат	14 январ	Тўғарак аъзолари билан
7	А. Навоий ва З. М. Бобур таваллудларига бағишлаб тўғарак аъзолари ўртасида “Буюк аجدодлардан буюк мерослар” мавзуда давра суҳбати ўтказиши	9–13 феврал	Кутубхоначи, тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда
8	“Хотин-қизлар байрами” бўйича тўғарак аъзолари билан биргаликда уларнинг ота-оналарини табриклаш мақсадида туман маданият уйида “Мўтабар аёл” мавзуида концерт бериши.	3 март	Маданий ташиқилотчи ва тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда
9	“Наврўз” умумхалқ байрамига бағишлаб байрам дастурини ташиқил этиши	17 март	Маданий ташиқилотчи ва тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда
10	Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган “Юрт озодлиги учун жонини фидо қилишди” мавзуда давра суҳбати	5 май	Тўғарак аъзолари билан ҳамкорликда
	ва ҳоказо ...		

Бажарилган ишлар ҳисоботлари журналнинг 96–98 саҳифаларидаги “Оммавий ишлар” жадвалига ёзилади.

Тўғарак машғулотилари журнаlining 12 саҳифасидан 17 саҳифасигача “Тўғарак аъзолари ҳақида маълумот” деб номланади.

Тўғарак ташкил топган кундан 10 кун муддатда тўғарак аъзоларининг рўйхати тузилади ва тегишли устунларни тўлдиради. Агарда тўғарак таркибида ўзгариш бўлса, у ҳолда кетган тўғарак аъзолари фамилияси рўпарасига “*рўйхатдан чиққан*” деб белгиланади, янги қабул қилинганлар “*тўғарак аъзолари рўйхати*”га киритилиб, қабул қилинган муддати кўрсатилади.

Ушбу саҳифага тўғарак раҳбари томонидан барча тўғарак аъзоларининг фамилияси, исми тўлиқ кўрсатилган ҳолда алифбо асосида тартиб билан ёзилади ва ушбу саҳифа тўлдирилади.

“Тўғарак аъзолари ҳақида маълумот” деб номланган саҳифанинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ТЎҒАРАК АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ					
Т/р	Фамилияси, исми	Тўғаракка аъзо бўлган вақти	Туғилган санаси (кун, ой, йил)	Миллати	Синфи
1	Шамсиева Лола	15.09.2013.	18.01.2000	ўзбек	7-синф
2	Шомансурова Лобар	15.09.2013.	21.03.1999	ўзбек	7-синф
3	Саидхўжаева Лазиза	15.09.2013.	15.06. 2000	ўзбек	7-синф
4	Саидова Диёра	12.11.2013	16.02.1999	ўзбек	8-синф
	-----\ -----				
32	Пўлатова Гулзода	04.01.2014.	12.08.1999	ўзбек	8-синф

-12-

ДАВОМИ			
Мактаб рақами, телефони	Тўғаракдан чиқиб кетган вақти	Турар жойи	Ота-онаси ҳақида маълумот
183-сонли мактаб 245-08-39		“Меҳржон” МФЙ Навоий кўча 2 уй	Отаси – Шомансуров Шухрат Онаси – Шомансурова Насиба
191-сонли мактаб 245-04-44		“Юксалиш” МФЙ Бобур кўча 5 уй	Отаси – Муродов Зоир Онаси – Муродова Нигора
191-сонли мактаб 245-04-44	14.01.2014	“Юксалиш” МФЙ Бобур кўча 9 уй	Отаси – Сулайманов Зоҳид Онаси – Сулайманова Нигора
183-сонли мактаб 245-08-39		“Меҳржон” МФЙ Фурқат кўча 2 уй	Отаси – Саидов Шокир Онаси – Саидова Хуррият
-----\ -----		-----\ -----	-----\ -----
183-сонли мактаб 245-08-39		“Меҳржон” МФЙ Х. Товбобоев кўча 2 уй	Отаси – Эсонов Одил Онаси – Эсонова Зухра

-13-

14–15, 16–17 саҳифаларда ҳам худди шундай жадвал бўлиб, шу тартибда тўлдирилади.

Тўғарак машғулотлари журналининг 18 саҳифасидан 67 саҳифасигача **“Ўтказилган машғулотлар ҳисоботи”** деб номланади.

“Ўтказилган машғулотлар ҳисоботи” тўғаракнинг ҳар бир гуруҳида юритилади. Ҳар бир гуруҳ журналнинг алоҳида саҳифасига ёзилади.

“Ўтказилган машғулотлар ҳисоботи” саҳифаларининг чап бетидаги *“Фамилияси, исми”* устунига гуруҳдаги ўқувчиларнинг фамилияси ва исми ёзилади.

“Ўтказилган машғулотлар ҳисоботи” саҳифаларининг ўнг бетидаги *“машғулотлар мавзуси”* устунига машғулотларда ўтилатган мавзулар ёзилади. Мавзуларни олдиндан ёзиб қўйиш мумкин эмас. Ўтилган мавзу ёки ўтказилган экскурсияларнинг мавзуси ва сарфланган соатлар миқдори аниқ кўрсатилади.

Тўғаракнинг ўқув режасида мавзулар учун ажратилган соатлар миқдори катта, яхлит яъни 6, 9, 12, 15 соатгача деб берилган бўлса, унинг *“соатлар миқдори”* устунига токи ўша соатлар бажарилгунига қадар қайта-қайта 2 ёки 3 соатдан қўйиб ёзиш лозим. 6 ёшли гуруҳлар мавзулари 1 соатдан ёзилади.

Шунингдек, ушбу саҳифадаги *“машғулотлар мавзуси”* устунининг чап томонида *“машғулот кун”* қўйилади. Ушбу *“машғулот кун”* ҳам машғулот вақти келмагунча олдиндан ёзиб қўйиш мумкин эмас.

Тўғарак раҳбари ўқувчилар давоматини мунтазам белгилаб боради. Машғулотга сабабсиз келмаган ўқувчи “–”, сабабли келмаган ўқувчи “+” белгилари билан белгиланади. Журналга баҳо қўйилмайди.

Журналдаги барча ёзувлар белгиланган тартибга мувофиқ кўк рангли шарикли (шариковой) ручкада аниқ ва тартиб билан ёзилиши лозим.

Тўғарак машғулотлари журналининг тўғарак аъзолари исми шарифи ёзилган саҳифасининг юқори қисмига ручка билан гуруҳ рақами ёзиб қўйилади.

Журналда таълим йили бўйича ўқувчилар алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратилади. Гуруҳга янги ўқувчилар келиши билан рўйхат охирига ёзиб қўйилади.

(Уй-жойини алмаштирганлиги сабабли таълим муассасасига келмай қўйган, бошқа таълим муассасаси ёки бошқа тўғаракка ўтиб кетган, машғулотларга сабабсиз келмаётган ва тўғарак ўқув режасини тугатган болалар тўғаракдан кетган ҳисобланади.

Шунингдек, “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириши ва ундан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги Низом талабларини бажармаган болалар ҳам белгиланган тартибда тўғарак аъзолари таркибидан чиқарилади.)

Ушбу саҳифаларни намунавий юритилиши қуйидагича:

ЎТКАЗИЛГАН МАШҒУЛОТЛАР ҲИСОБОТИ

Журналнинг чап бети (1 гуруҳ)

Т/р	Ой, кун	сентябрь															
		15	17	22	24	29											
	Фамилияси, исми																
1	Шамсиева Лола																
2	Шомансурова Лобар	+															
3	Саидхўжаева Лазиза																
4	Саидова Диёра				+												
	-----\ -----																
12	Пўлатова Гулзода																

Журналнинг ўнг бети

	Ой, кун	Машғулотлар мавзуси	Соат миқдори	Раҳбарнинг имзоси
	15.09	Кириш техника хавфсизлиги қоидалари ҳақида маълумот	1	имзо
	17.09.	Кегай, илгак (стица, крючоклар), жун иплар ҳақида маълумот	2	
	22.09.	Бошланғич қатордаги халқаларни (петлаларни) териш	3	
	24.09.	Бошланғич қатордаги халқаларни (петлаларни) териш	3	
	29.09.	Бошланғич қатордаги халқаларни (петлаларни) териш	3	

Тўғарак машғулотлари журналининг 68–69 саҳифалари “Тўғаракнинг ёз мавсумига мўлжалланган ўқув режаси” деб номланган.

Ёз мавсумида тўғарак машғулотлари ёз мавсумига мўлжалланган ўқув дастурлар асосида ташкил этилади. Ёз мавсуми ўқув режаси 78 соатни ташкил қилади.

Ёз мавсуми режасида болаларнинг ёзги таътилга чиққанлигини инобатга олган ҳолда уларни зериктирмайдиган, соғломлаштирадиган, ўйинларга ва тўғарак фаолияти тарғиботига хос бўлган турли хил маданий тадбирларни ўзида акс этган мавзулар ўрин олиши лозим.

Тўғарак машғулотлари журналининг “Тўғаракнинг ёз мавсумига мўлжалланган ўқув режаси” номли саҳифаси шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

“Тасдиқлайман”

Директор _____

“ ” _____ 20__ й

ТЎГАРАКНИНГ ЁЗ МАВСУМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎҚУВ РЕЖАСИ

Т/р	Мавзулар номи	Назарий соат	Амалий соат	Берилган муддат
1	<i>Кириш: марказда фаолият кўрсатаётган ҳар бир тўғарак ва марказдаги “кўргазмалар зали” билан танишиши</i>		6	2–6.06.2014
2	<i>Тўғарагимиз фаолияти: Тўғарак хонасида тўғарак аъзолари томонидан тўқилган буюмлардан кўргазма ташиқил этиши</i>		6	9–13.06.2014
3	<i>Тўқиш сирлари: Тўқиш техникаси асосида турли халқаларни тўқиш</i>	1	11	16–20–23–27.06.2014
4	<i>Турли халқаларда турли буюмлар тўқиш мусобақаси</i>		6	30.06.2014, 4.07.2014.
5	<i>Сувинер ўйинчоқлар: Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига совғалар тайёрлаш</i>		6	7–11.07.2014
6	<i>“Ёз ўтмоқда соз” мавзусида тўғарак спорт мусобақаси</i>		6	14–18.07.2014
7	<i>“Баркамол авлод – келажак пойдевори” номли тўғарак аъзолари ўртасида давра суҳбати</i>		6	21–25.07.2014
8	<i>“Миллий қадриятлар” номли тўғарак аъзолари томонидан тўқилган буюмлар кўргазмаси</i>		6	28.07.2014, 1.08.2014.
9	<i>“Мен танлаган касбнинг юрт тараққиётидаги аҳамияти” мавзусида давра суҳбати</i>	6		4–8.08.2014
10	<i>Болаларнинг ёз мавсуми давомида тўқиган буюмлари ҳисоботи</i>	3	3	11–15.08.2014
11	<i>“Бизнинг ютуғимиз” мавзусида кўргазма</i>		12	18–22–25–29.08.2014

Ёз мавсумида болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида фаолият кўрсатадиган тўғаракларнинг ўқув режалари оромгоҳлар учун белгиланган дам олиш кунларидан келиб чиқиб белгиланади.

Тўғарак машғулотилари журнаlining 70 саҳифасидан 93 саҳифасигача **“Ўтказилган машғулотилари ҳисоботи”** деб номланади.

Ушбу саҳифаларга ёз мавсумида ўтказилган тўғарак машғулотилари ёзилади. Ушбу саҳифалар худди тўғарак машғулотилари журнаlining 18–67 саҳифалари каби тўлдирилади.

Тўғарак машғулотилари журнаlining 94 ва 95 саҳифалари **“Тўғарак раҳбарининг методик ишлари”** деб номланади.

Ушбу жадвалга тўғарак раҳбари томонидан ўқув йили давомида ўтказилган семинарлар, тўғарак очик машғулотилари мазмуни, ўтказилган вақтлари ёзиб борилади. Методик иш бажарилгандан сўнг бир ҳафта ичида журналга ёзиб қўйилади.

“Қатнашувчилар сони” устунига методик ишларда қатнашган педагог ходимлар ва тўғарак аъзоларининг жами сони ёзилади. *“Имзо”* устунига тўғарак раҳбари томонидан имзо қўйилади.

Мазкур жадвалнинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ТЎГАРАК РАҲБАРИНИНГ МЕТОДИК ИШЛАРИ (семинарлар, гуруҳий маслаҳатлар, тўғарак очик машғулотилари)				
Т/р	Ўтказилган вақти	Иш мазмуни	Қатнашувчилар сони	Имзо
1	22 сентябр	Тўғарак очик машғулоти	20 нафар	
2	26 апрел	Тўғарак раҳбарларининг меъёрий ҳужжатларининг юритилиши мавзусида семинар	50 нафар	
3	12 май	“Нодавлат ташиқлотлар билан ўзаро ҳамкорлик ишлари” мавзусида тўғарак раҳбарлари давра суҳбати	25 нафар	
		ва ҳоказо...		

-94-95-

Тўғарак машғулотилари журнаlining 96–98 саҳифалари **“Оммавий ишлар”** деб номланади.

Ушбу жадвалга журналнинг 10 ва 11 саҳифаларидаги “20__-20__-ўқув йили учун оммавий ишлар режаси”да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар қайд қилиб борилади. Оммавий ишлар бажарилгандан сўнг бир ҳафта ичида ёзиб қўйилади.

Шунингдек, ушбу тадбирларнинг номи, ўтказилиш вақти ва жойи, тадбирни ўтказишда тўғаракнинг ўрни, аҳамияти ҳамда тадбирда қатнашган тўғарак аъзолари сони кўрсатилади.

Ушбу жадвалнинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ОММАВИЙ ИШЛАР				
(Кечалар, кўргазмалар, концертлар, анжуманлар уюштириш, рўзномаларга чиқиш ва ҳоказо)				
Т/р	Вақти	Нима ва қаерда ўтказилди	Тадбирларни ўтказишда тўғаракнинг аҳамияти	Қатнашганлар сони
1	15 сентябр	Тўғарак хонасида “Мустақилликдан олдин ва кейин” мавзуида тўғарак аъзолари билан давра суҳбати ўтказилди.	Тўғарак аъзолари давлат мустақиллигининг аҳамияти тўғрисида қўшимча тушунчага эга бўлишди.	20 нафар
2	15 октябр	Марказда “Устоз отангдек улуғ” мавзуида байрам дастури ташиқил этилди.	Тўғарак аъзоларининг устозларга бўлган ҳурмати эътибори, устозларнинг меҳнати самараси акс эттирилди.	32 нафар
3	20 октябр	“Чақар” маҳалласида “Тўғарак ярмаркаси” ўтказилди.	Ярмаркада болалар томонидан тўқилган миллий буюмлар намойиш этилди.	24 нафар
4	3 декабр	Марказда “Бизнинг ҳуқуқларимиз” мавзуида расмлар кўргазмаси ўтказилди.	Кўргазмада расмлар орқали конституциявий ҳуқуқларимиз акс эттирилди.	36 нафар
5	9 декабр	Марказда тўғарак аъзолари ўртасида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – инсонпарварлик ва адолат таянчи” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.	Тўғарак аъзолари ўзларининг ҳуқуқлари бўйича ўзаро тажриба алмашишди.	17 нафар
6	14 январ	Марказда “Ватан ҳимоячилари кун”га бағишлаб суҳбат ўтказилди.	Тўғарак аъзоларига ватаннинг тинчлиги моҳияти, уни ҳимоя қилиш бурчи тўғрисида қўшимча тушунчалар берилди.	10 нафар
7	9–13 феврал	Марказда А. Навоий ва З. М. Бобур таваллудларига бағишлаб тўғарак аъзолари ўртасида “Буюк аجدодлардан буюк мерослар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.	Тўғарак аъзоларининг миллий истиқлол мафқураси бўйича билимлари шакллантирилди.	25 нафар
8	3 март	Туман маданият уйида “Мўтабар аёл” дастури бўйича концерт берилди.	Концертда тўғарак аъзолари ўз рақсларини намойиш этди.	12 нафар
9	17 март	Маданий ташиқилотчи билан ҳамкорликда марказда “Наврўз” умумхалқ байрамига бағишлаб байрам дастури ташиқил этилди.	Тўғарак аъзоларининг миллий қадриятларга бўлган муносабати акс эттирилди.	18 нафар
10	5 май	Хотира майдонида “Юрт озодлиги учун жонини фидо қилишди” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.	Тўғарак аъзоларининг ватанпарварлик туйғулари шакллантирилди.	11 нафар
		ва ҳоказо		

Тўғарак машғулотилари журналининг 99 саҳифаси **“Кўрик танловлар, кўргазмалар ва мусобақаларда иштирок этиш”** деб номланади.

Ушбу саҳифага тўғарак аъзоларининг турли хил кўрик-танловлар, кўргазмалар ва мусобақалардаги иштироки, ушбу тадбирларга тақдим этилган нарсалар ва уларнинг муаллифлари, натижалари ёзилади. Бу қайдлар иштирок этилгандан кейин бир ҳафта ичида ёзилади.

Ушбу саҳифанинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

Кўрик танловлар, кўргазмалар ва мусобақаларда иштирок этиш				
Вақти	Кўрик-танловлар ёки кўргазма тури	Нима тақдим қилинди	Ким томондан тақдим қилинди	Натижалар
14.11.2013	“Миср болалар нигоҳида” мавзuida расмлар танлови	“Миср эҳромлари” расмлари	“Тасвирий санъат” тўғараги аъзоси Алимов Воҳид	Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи
23.12.2013	“Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” ёш мусаввирларнинг Республика танлови	“Ўзбекистондаги турли миллат вакиллариининг ўзаро ҳамкорлиғи” расми	“Тасвирий санъат” тўғараги аъзоси Саидова Диёра	Танловда 1 ўринни олди.

-99-

Тўғарак машғулотилари журналининг 100 саҳифаси **“Ижтимоий-фойдали фаолият”** деб номланади.

Ушбу саҳифага тўғарак аъзолари томонидан амалга оширилган ижтимоий-фойдали ишлар ёзилади. Жумладан, йўналишларига қараб тўғарак аъзолари томонидан тайёрланган турли хил амалий ишлар, ясалган ижод маҳсуллари, ободонлаштириш ишларидаги иштироки ва ҳоказолар ёзиб борилади. Бу қайдлар иш бажарилгандан кейин бир ҳафта ичида ёзилади.

“Ижтимоий-фойдали фаолият” саҳифасининг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ИЖТИМОИЙ-ФОЙДАЛИ ФАОЛИЯТ		
Вақти	Нима ва ким учун бажарилди	Ким томондан бажарилди
16.01.2014.	Болалар уйи тарбияланувчилари учун “Болалар шапкалари”, “Қўлқоплар” тўқилди.	Тўғарак аъзолари
19.03.2014	Марказни гўзал бўлиши учун ободонлаштириш ишлари бажарилди.	Тўғарак аъзолари
20.03.2014.	Ногирон болалар учун “Болалигим – подшолигим” мавзuida концерт дастури намоиши этилди.	Тўғарак аъзолари
24.04.2014.	Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари учун “Эртақлар яхшиликка етаклар” мавзуларидаги расмлар чизилди.	Тўғарак аъзолари
	ва ҳоказо...	

Тўғарак машғулотилари журналининг 101 ва 102 саҳифалари “**Яқунланган ишлар рўйхати**” деб номланади.

Бу жадвалга тўғарак раҳбари ва тўғарак аъзолари томонидан яратилган тавсиялар, рефератлар, кўргазмалар, тўғарак машғулотилари жараёнида ясалган буюмлар ҳақида ёзилади. Бу қайдлар иш бажарилгандан кейин бир ҳафта ичида ёзиб қўйилади.

Унинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ЯҚУНЛАНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ (Ўқув-кўргазмали тавсиялар, моделлар ва ҳ.к.)			
Вақти	Ишлар тури	Ким томонидан бажарилди	Кимда сақланади
12.12.2013.	“Бизнинг истеъдодимиз” мавзuidaги кўргазмали стенд тайёрланди.	Тўғарак аъзолари ва тўғарак раҳбари томонидан	Тўғарак раҳбарида
14.02.2014.	“Тўқини сирлари” мавзuida тўғарак раҳбарлари учун қўлланма тайёрланди.	Тўғарак раҳбари ва услубчи билан биргаликда тайёрланди	Кутубхонада
22.03.2014	Қўлқоп, бўйинбоғ, болалар юк халтаси буюмлари тўқилди.	Тўғарак аъзолари томонидан	Тўғарак раҳбарида
	ва ҳоказо....		
-101–102-			

Тўғарак машғулотилари журналининг 103 саҳифаси “**Фаол тўғарак аъзоларининг рўйхати**” деб номланади.

Ушбу саҳифага турли хил оммавий тадбирларда фаол иштирок этган, танловлар, мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаган, тўғарак машғулотилари жараёнида фаол иштирок этган тўғарак аъзолари ҳақида маълумотлар ёзилади. Ушбу маълумотлар ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги бўйича январь ойининг иккинчи ўн кунлигида, иккинчи ярим йиллиги бўйича 26 майдан 1 июнга қадар ёзилади.

Ушбу саҳифанинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ФАОЛ ТЎГАРАК АЪЗОЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ				
Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Мактаби	Синфи	Қайси ўқув йилидан қатнашади
1	Саидова Диёра Шокир қизи	183-сонли мактаб	6-синф	2013–2014
2	Муродова Нилуфар Зоир қизи	191-сонли мактаб	6-синф	2013–2014
3	Шарипова Шахло Рустам қизи	165-сонли мактаб	8-синф	2013–2014
4	Норбоев Дилшод Дониёр ўғли	2-сонли мактаб	9-синф	2013–2014
5				
6				
	ва ҳоказо...			
-103-				

Тўғарак машғулоти журналининг 104 саҳифаси **“Мақтадан ташқари таълим муассасаларининг тўғарак раҳбарларига техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш тозаллигига риоя қилиш бўйича қўйиладиган талаблар”** деб номланади.

Тўғарак раҳбарлари қуйидаги талаблар билан танишиб, уларни инобатга олган ҳолда тўғарак аъзоларини техника хавфсизлиги кўрсатмаларидан ўтказиши зарур. Ушбу талаблар қуйидагилар:

Мақтадан ташқари таълим муассасаларининг тўғарак раҳбарларига техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш тозаллигига риоя қилиш бўйича қўйиладиган талаблар

Тўғарак раҳбари лаборатория, устахона ходимларининг бевосита қатнашиши ва ёрдами билан қуйидаги ишларни бажаради:

1. Машғулотларни хавфсиз ўтказиш чораларини кўради.
2. Амалдаги техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш тозаллигига оид қоидалар ва кўрсатмаларни бажаришни таъминлайди.
3. Машғулоти ва ишларни техника хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларида кўзда тутилган шароитлар, зарур асбоб-ускуналар мавжуд бўлган тақдирдагина ўтказилади.
4. Иш жойларининг, асбоб ускуналарнинг, анжомларнинг хавфсизлик ҳолати ва хоналарнинг тозаллик ҳолатини таъминлайди.
5. Тўғарак аъзоларига техника хавфсизлиги бўйича кўрсатма бериб, уни мақсадга мувофиқ равишда журналда расмийлаштириб қўяди (Кўрсатмадан ўтган тўғарак аъзоларининг рўйхатини қаранг).
6. Техника хавфсизлиги бўйича тадбирларни ишлаб чиқади.
7. Мўлжалланган махсус кийим ва ҳимоя қилувчи мосламалар бўлмаса, у ҳолда тўғарак аъзолари машғулотида ёки иш бажаришга киритилмайди.
8. Ҳаёт учун хавф туғдирадиган машғулоти ёки ишни тўхтатиб қўяди ва дарҳол муассаса раҳбарига хабар беради.
9. Ҳар бир бахтсиз ҳодиса рўй берганда зудлик билан муассаса раҳбарига хабар беради.
10. Юқлатилган мажбуриятларни бажармай бахтсиз ҳодисага йўл қўйса, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида жавобгарликка тортилади.

-104-

Тўғарак машғулоти журналининг 105–107 саҳифалари **“Техника хавфсизлиги кўрсатмаларидан ўтган тўғарак аъзоларининг рўйхати”** деб номланади.

Тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларига доимий суратда техника хавфсизлиги бўйича кўрсатма бериб боради ва ўқувни муваффақиятли ўзлаштирганларни *“Кўрсатмадан ўтган тўғарак аъзолари рўйхати”* га киритади.

Бу жадвалга тўғарак раҳбари томонидан техника хавфсизлиги кўрсатмаларидан ўтган тўғарак аъзоларининг фамилияси ва исми, кўрсатма ўтказилган сана, кўрсатманинг қисқача мазмуни кўрсатилади.

Кўрсатманинг қисқача мазмуни тўғарак хонасидаги электр розеткаларга турли хил буюмларни тикмаслик, тўғарак машғулоти жараёнида фойдалани-

ладиган меҳнат қуроллари эҳтиёткорона ишлатиш, тўғарак аъзолари ушбу меҳнат қуроллари бир-бирларига отиб ўйнамасликлари ва ҳоказолар киради.

Агар тўғаракка янги бола жалб қилинса, у машғулотга келган ҳафтада кўрсатмадан ўтказилади рўйхатга киритилади. Техника хавфсизлиги кўрсатмаларидан ўтмаган тўғарак аъзолари машғулотга қўйилмайди.

Ушбу жадвалнинг пастки қисмидаги “Кўрсатма ўтказган шахс _____” қаторига кўрсатма ўтказган шахснинг фамилияси, исми ёзилади ва имзоси қўйилади.

Ушбу жадвалнинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ КЎРСАТМАЛАРИДАН ЎТГАН ТЎГАРАК АЪЗОЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ				
Т/р	Фамилияси, исми	Кўрсатма ўтказилган сана	Кўрсатманинг қисқача мазмуни	Тўғарак аъзоларининг имзоси
1	Алимов Воҳид	22.09.2013	Тўғарак хонасидаги электр розедкаларга турли хил буюмларни тиқмаслик, тўғарак машғулот жараёнида фойдаланиладиган меҳнат қуроллари, электр асбобларидан эҳтиёткорона фойдаланиш, тўғарак аъзолари ушбу меҳнат қуроллари бир-бирларига отиб ўйнамасликлари тўғрисида	имзо
2	Муродова Нилуфар	22.09.2013		имзо
3	Сулайманов Нурали	22.09.2013		имзо
4	Саидова Диёра	22.09.2013		имзо
5	Шайхева Лобар	22.09.2013		имзо
6	Шарипова Шахло	15.11.2013		имзо
7	-----\ ----	15.11.2013		имзо
8	-----\ ----	15.11.2013		имзо
9	-----\ ----	15.11.2013		имзо
10	-----\ ----	15.11.2013		имзо
11	-----\ ----	18.11.2013		имзо
12	-----\ ----	18.11.2013		имзо
13	-----\ ----	18.11.2013		имзо
14	-----\ ----	18.11.2013		имзо
15	-----\ ----	18.11.2013		имзо
16	-----\ ----	18.11.2013		имзо
17	-----\ ----	18.11.2013		имзо
	-----\ ----	19.11.2013		имзо
33	Эсонова Хуррият	04.01.2014	Йўлни кесиб ўтаётиб аввал чапга кейин ўнгга қараш лозим. Йўл ҳаракати қоидалари белгиларига амал қилиш лозим. Йўлдан ўтишда пиёдалар кесиб ўтиш йўлакчасидан ўтиш керак.	имзо
		04.04.2012.		

Кўрсатма ўтказган шахс _____

Тўғарак машғулотлари журналининг 108 саҳифаси “Тўғаракнинг йиллик рақамли ҳисоботи” деб номланади.

Унда тўғаракка жалб қилинган жами ўқувчилар сони, шундан нечтасини ўғил бола, нечтасини қиз болалар ташкил қилиши ёзилади.

Шунингдек, жалб қилинган ўқувчиларнинг қайси синфдан ёки академик лицейдан қатнашаётганлиги ҳамда ушбу тўғаракка неча йилдан бери қатнашаётганлиги қайд қилиниб борилади.

Бу қайдлар одатда ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги *январь ойининг биринчи ўн кунлигида* ва иккинчи ярим йиллиги ҳамда йиллиги *26 майдан 1 июнга қадар* тўлдирилади.

Ушбу ҳисоботларни қайд қилиш давригача тўғаракдаги болалар ўзларини қизиқтирган бошқа тўғаракларга ҳам ўтишлари мумкин.

Бу жадвалнинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ТЎГАРАКНИНГ ЙИЛЛИК РАҚАМЛИ ҲИСОБОТИ																		
2013 -2014 ўқув йили	Жами тўғарак аъзолари сони	Ўғил болалар	Қиз болалар	Қайси синфдан қатнашмоқда												Неча йилдан бери тўғаракка қатнашмоқда		
				МТМ	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	КХК	Ак. лиц ей	I	II	III ва ундан кўп
I ярим йиллик	32	7	25						4	8	10	10				32		
II ярим йиллик	33	6	27						7	7	9	10				33		
Йиллик	33	6	27						7	7	9	10				33		

-108-

Тўғарак машғулотлари журналининг 109 ва 110 саҳифалари “Тўғарак ишини таҳлил қилганларнинг фикр ва мулоҳазалари” деб номланган.

Ушбу саҳифага тўғарак машғулотлар журналининг таҳлил қилганларнинг фикр ва мулоҳазалари, тўғарак машғулотлари журналининг юритилишидаги камчиликлар қайд қилиниб борилади.

Унга “*ўрганиб чиқилди*”, “*кўриб чиқилди*” деган фикр мулоҳазалар қайд қилинмайди. Саҳифага йўл қўйилган камчиликнинг айнан номини ёзиши талаб этилади.

Шунингдек, агар камчиликлар мавжуд бўлса, камчиликнинг номини ёзиш билан биргаликда камчиликни қайд қилган вақтини ҳамда фикр мулоҳаза берган кишининг фамилияси, исми, лавозими ва имзоси кўрсатилиши лозим.

Тўғарак машғулотлари журналининг юритилишини муассаса раҳбари, унинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосарлари, услубчи ёки муассаса фаолиятини ўрганиш ҳамда услубий ёрдам бериш мақсадида келган юқори ташкилот вакили таҳлил қилиши мумкин.

Тўғарак машғулоти журнали мутасадди ходимлар томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг, аниқлаб кўрсатилган камчиликларни тўғарак раҳбари ўша куннинг ўзида тезда бартараф қилиши лозим.

Ушбу саҳифанинг намунавий юритилиши бўйича билдирилган бир неча фикрларни кўрсатиб ўтамыз.

ТЎГАРАК ИШИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛГАНЛАРНИНГ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАРИ

Тўғаракдаги ҳар бир гуруҳ таркибини алоҳида саҳифаларга ёзинг
2013 йил 25 октябр Нарматов Ш, услубчи, имзо

Маишулотга қатнашмаётган тўғарак аъзоларининг давоматини қайд қилиб боринг. Тўғаракнинг йиллик рақамли ҳисоботининг 1 ярим йиллиги бўйича ҳисоботни тўлдириб қўйинг.
2014 йил 26 январ Шомансурова Н, директор ўринбосари, имзо

Журнал белгиланган тартибда юритилмоқда.
2014 йил 20 феврал Довудова Р, услубчи имзо

Журналнинг 16 саҳифаси (1 гуруҳ) даги маишулотлар мавзусини ўз вақтида ёзинг
2014 йил 24 феврал Норбоева Д, услубчи, имзо

Журналнинг 101 ва 102 саҳифаларидаги “Яқунланган ишлар рўйхати”
жадвалини ўз вақтида тўлдириб боринг
2014 йил 18 март Машарипова Р, услубчи, имзо

-109-110-

Тўғарак машғулоти журналининг 111 саҳифасидан 116 саҳифасигача “Тўғаракнинг ўқув йили давомидаги фаолияти ҳақида ҳисобот” деб номланади. Ушбу саҳифаларга тўғарак раҳбари ва тўғарак аъзолари томонидан ўқув йили давомида амалга оширилган ишлари ёзилади.

Жумладан, ташкил этилган оммавий ишлар яъни турли хил кўргазмалар, концертлар, учрашувлар ҳам ёзилади.

Шунингдек, кўрик-танловлар, кўргазмаларда иштирок этганлиги, ижтимоий-фойдали ишлари, тўғарак раҳбари ва тўғарак аъзолари томонидан яратилган турли хил ўқув кўргазмали тавсиялар, услубий қўлланмалар, моделлар, буюмлар ҳақида ҳамда тўғарак раҳбари томонидан ўтказилган турли хил семинарлар, очик машғулотлар ҳам ёзиб борилади.

Барча бажарилган ишлар хронологик тартибда ёзиб борилади.

Тўғаракнинг ўқув йили давомидаги фаолияти ҳақида ҳисоботлар ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги бўйича январь ойининг биринчи ўн кунлигида ва иккинчи ярим йиллиги яъни ўқув йили якуни бўйича 26 майдан 1 июнга қадар ёзилади.

Унинг шакли ва намунавий юритилиши куйидагича:

ТЎГАРАКНИНГ ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДАГИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ

2013–2014 ўқув йилининг 15 сентябр куни тўғаракда мустақиллик кунига бағишлаб “Мустақилликдан олдин ва кейин” мавзусида давра суҳбати ўтказдик. 22 сентябр куни тўғаракда очиқ машғулот ўтказдик. Унда 20 нафар марказ педагог ходимлари иштирок этди. 15 октябр куни маданий ташиқлотчилар билан ҳамкорликда тўғаракда “Устозлар ва мураббийлар куни”га бағишлаб “Устоз отангдек улуг” мавзуида байрам дастурини ташиқил этдик. 20 октябр куни “Чақар маҳалласида “Тўғарак ярмаркаси”ни ташиқил этдик. 3 декабр куни тўғарак аъзолари билан “Бизнинг ҳуқуқларимиз” мавзуида расмлар кўргазмасини ўтказдик. 9 декабр куни тўғарак аъзолари ўртасида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – инсонпарварлик ва адолат таянчи” мавзуида давра суҳбати ташиқил этдик. 12 декабр куни “Бизнинг истеъдодимиз” мавзуидаги кўргазмали стенд тайёрланди.

2014 йил 14 январ куни тўғаракда “Ватан ҳимоячилари куни” тўғрисида суҳбат ташиқил этилди. 16 январ куни Болалар уйи тарбияланувчилари учун “Болалар шапкалари”, “Кўлқоплар” тўқилди. 9 ва 13 феврал кунлари кутубхонаси билан ҳамкорликда А. Навоий ва З. М. Бобур таваллудларига бағишлаб тўғарак аъзолари ўртасида “Буюк аждодлардан буюк мерослар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди. 14 феврал куни “Тўқиш сирлари” мавзуида тўғарак раҳбарлари учун қўлланма тайёрланди. 3 март куни маданий ташиқлотчилар билан ҳамкорликда “Хотин-қизлар байрами” бўйича тўғарак аъзолари билан биргаликда уларнинг ота-оналарини табриклаш мақсадида туман маданият уйида “Мўтабар аёл” мавзуида концерт бердик. Шунингдек, 17 март куни “Наврўз” умумхалқ байрамига бағишлаб байрам дастурини ташиқил этдик. 19 март куни Марказни гўзал бўлиши учун ободонлаштириш ишлари бажарилди. 20 март куни ногирон болалар учун “Болалигим – подшолигим” мавзуида концерт дастури намойиш этилди. 22 март куни тўғарак аъзолари томонидан қўлқоп, бўйинбоғ, болалар юк халтаси буюмлари тўқиб якунланди. 24 апрел куни 13-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари учун “Эртақлар яхшиликка етаклар” мавзуларидаги расмлар чизилди. 26 апрел куни “Тўғарак раҳбарларининг меъёрий ҳужжатларининг юритилиши” мавзуида семинар ўтказдик. Семинарда 50 нафар педагог ходимлар қатнашди. 5 май куни тўғаракда “Хотира ва қадрлаш куни”га бағишланган “Юрт озодлиги учун жсонини фидо қилишди” мавзуида давра суҳбати ўтказдик. 12 май куни “Нодавлат ташиқлотлар билан ўзаро ҳамкорлик ишлари” мавзуида тўғарак раҳбарлари ўртасида давра суҳбатини ўтказдик. Суҳбатда 25 нафар педагоглар қатнашди.

Тўғарак машғулотилари журналининг 117 саҳифасидан 119 саҳифасигача “Тўғаракнинг ёз мавсуми давомидаги фаолияти ҳақида ҳисобот” деб номланади. Ушбу саҳифаларга тўғарак раҳбари ва тўғарак аъзолари томонидан ёз мавсуми давомида амалга оширилган ишлар ёзилади.

Жумладан, ёз мавсуми давомида ташкил этилган оммавий ишлар яъни турли хил кўргазмалар, концертлар, саёҳатлар, тўғарак раҳбари ва тўғарак аъзолари томонидан яратилган моделлар, буюмлар ва ҳоказолар ҳақида хронологик тартибда ёзиб борилади.

Унинг шакли ва намунавий юритилиши қуйидагича:

ТЎГАРАКНИНГ ЁЗ МАВСУМИ ДАВОМИДАГИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ

Марказда фаолият кўрсатаётган ҳар бир тўғарак ва марказдаги “кўргазмалар зали” билан тўғарак аъзоларини таништириб чиқилди. Тўғарак хонасида тўғарак аъзолари томонидан тўқилган буюмлардан кўргазма ташкил этилди. Тўғарак аъзолари билан тўқиш техникаси асосида турли буюмлар тўқилди. Тўғарак аъзолари ўртасида турли халқларда турли буюмлар тўқиш мусобақаси ўтказилди. Тўғарак аъзолари билан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига совғалар тайёрланди. Тўғаракда спорт мусобақаси ўтказилди. Тўғарак аъзолари ўртасида “Ёзги таътилни мароқли ўтказаяпман” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тўғарак аъзолари томонидан тўқилган буюмлар кўргазмаси ташкил этилди. Тўғарак аъзолари ўзлари танлаган касблари ва мазкур касби бўйича ватан олдидаги бурчини бажариш омиллари ҳақида давра суҳбати ўтказилди. Болалар тўғаракда эгаллаган билимлари асосида ёз мавсуми давомида тўқиган буюмлари ҳисоботи ўтказилди. Ёз мавсуми давомида тўғарак аъзолари томонидан тўқилган буюмлар билан марказда ташкил этилган кўргазмада иштирок этилди.

ва ҳоказо.....

ТЎГАРАК РАҲБАРЛАРИ УЧУН ЭСЛАТМА:

А) Тўғарак раҳбарлари 26 майдан 1 июнгача қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

тўғаракнинг ўқув йили давомидаги фаолияти ҳақида якуний ҳисоботларни ёзади (111–116 саҳифалар);

фаол тўғарак аъзолари ҳақида ўқув йилининг иккинчи ярим йиллиги бўйича маълумотларни ёзади (103 саҳифа);

тўғаракнинг йиллик рақамли ҳисоботини ёзади (108-саҳифа);

тўғаракнинг ёз мавсумига мўлжалланган ўқув режаси лойиҳасини вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув режалар асосида тузади ва марказ директори-га тасдиқлатади (68–69 саҳифалар);

тўғаракларга жалб қилинган болаларни гуруҳларга бўлади (70–93 саҳифалар).

В) Тўғарак раҳбарлари 2 сентябрдан 15 сентябргача қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

тўғаракнинг ёз мавсуми давомидаги фаолияти ҳақида ҳисоботларни ёзади (117–119 саҳифалар);

тўғарак машғулоти ўқув режаси лойиҳасини вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув дастурлар асосида тузади ва марказ директори-га тасдиқлатади (4–9 саҳифалар);

ўқув йилига мўлжалланган оммавий режасини тузади (10–11 саҳифалар);

ёз мавсуми давомида тўғараклар ишини тарғибот қилиш орқали жалб қилинган болаларни гуруҳларга бўлади (18–67 саҳифалар);

тўғарак хоналарини жихозлайди;

тўғарак аъзоларини тўғарак ва марказ фаолияти билан таништиради.

Тўғарак раҳбарларининг бу вазифалари ташкилий ишлар бўлганлиги сабабли режаси сифатида журналнинг 4–9 саҳифаларига ёзилмайди, журналга фақат ўқув режа мавзулари ёзилади.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ ТАВСИЯЛАРИ

“Баркамол авлод” болалар марказларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича ТАВСИЯЛАР

1. “Баркамол авлод” болалар марказининг ободонлаштириш режасини шакллантиришда алоҳида эътибор қаратиладиган жиҳатлар

– “Баркамол авлод” болалар маркази ҳудудини инвентаризация (хатлов)-дан ўтказиш (*ҳудуднинг ўралганлиги, олдин экилган кўчатларнинг аҳволи (ўрнига экиш), парвариши, экиш учун бўш жойлар, дарахтларга шакл бериш, оқлаш, тозалик, гулзор, боғлар ташкил этиш, суғориш тизимини ва бошқа қўшимча қилинадиган ишларни инобатга олиш*);

– ҳудуднинг иқлим хусусиятидан келиб чиқиб, экиш учун мевали ва манзарали дарахтлар, мавсумий ва кўп йиллик гул кўчатларини танлаш, сонини аниқлаш, уларни экиш жойларини аниқлаш, дизайн бўйича тартиб билан экиш, йил давомида ҳар бир экилган дарахт парвариши учун масъулларни бириктириш;

– “Баркамол авлод” болалар маркази ҳудудининг ҳолатидан келиб чиқиб, ўралган бўлса таъмирлаш ва бўяш, ўралмаган бўлса ҳудуд бўйлаб тартиб билан терак ёки атиргул (*қирқ оғайни*) экиш;

– ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун зарур иш қуроллари (*кетмон, лопата, хаскаш, панишаха, арра, болта, супурги, челақ ва бошқа*) билан таъминлаш ва уларни сақлаш учун жой ҳамда моддий жавобгар шахсни белгилаш;

– ҳар бир амалга ошириладиган ишнинг тури, уларни бажаришнинг аниқ муддати ва масъулларини белгилаш.

2. “Баркамол авлод” болалар марказига кириш, бинонинг олд, орқа ва ён томонларида амалга ошириладиган ишлар

“Баркамол авлод” болалар маркази пешлавҳасини вазирликнинг тавсиялари асосида тайёрлаш, кириш дарвозасидан биногача бўлган йўлақлар атрофига маҳаллий иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда арча, қарағай ва ҳ.к ҳамда гул (*петуния, шафран, атиргул, райхон, гултожи хўроз ва б.*) кўчатларини экиш, имкониятдан келиб чиқиб чим ётқизиш, ҳудуд хусусиятига мос равишда олд, орқа ва ён атрофига дарахтлар экиш, мавжудларига бир хил ўлчамда шакл бериш, оқлаш, уларни парваришлаш, гулзор ёки боғлар ташкил этиш, кунлик тозалаш ва озода сақлашга эътиборни қаратиш лозим.

Бинонинг жойлашув ўрнидан келиб чиқиб, йўлак четларига, соя-салкин жойларга ўтирғич(скамейка)лар ўрнатиш, мавжудларини таъмирлаш ва бўяш зарур бўлади.

Кириш қисмида – ландшафтли композициялар (*турли эскизлар асосида мавсумий гуллар экиш, чим ётқизиш, турли рангдаги тошлар билан безаш ва ҳ.к.*) яратиш, йўлак четларини оқлаш.

Ён қисмида – ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, мевали ва манзарали дарахтлар, мавсумий ва кўп йиллик гул кўчатларини экиш.

Орқа қисмида – ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, игна баргли (мевали) дарахтлар, ҳудуднинг атрофи бўйлаб терак (мирзатерак, канадка) ҳамда кўп йиллик гул кўчатлари экиш.

Барча дарахт ва гул кўчатларини экишда уларни суғориш тизимига албатта эътибор қаратиш лозим.

3. “Баркамол авлод” болалар маркази ҳудудига дарахтлар ва гул кўчатлар экиш ва парваришlash, мавжудларига шакл бериш

Дарахт ва гул кўчатларини экиш ҳамда парваришlash ишларини соҳа мутахассисларидан хулоса олган ҳолда амалга ошириш лозим.

Дарахтларнинг турига қараб бир хилликда шакл бериш:

- терак туридаги дарахтларга – ердан 2–4 м гача;
- мевали дарахтларга – ердан 1–2 м гача.
- манзарали ва игна баргли дарахтларга бўйига қараб шакл берилади.

Дарахтларни бир хил баландликда оқlash:

- манзарали дарахтга – ердан 1,2 м гача;
- мевали дарахтга – ердан 0,5 м гача.

Дарахтлар ва гул кўчатларини экиш:

Манзарали дарахтлар орасидаги ўртача масофа:

- игна баргли – 1,5–2,5 м гача;
- терак – 0,5–0,8 м гача, қаламча ҳар 5–10 см;
- мевали дарахтлар турига қараб – 1,5–4 м гача экилади.

Гул кўчатлари орасидаги ўртача масофа:

- кўп йиллик – турига қараб 0,3–1 м гача;
- мавсумий – турига қараб 5–30 см гача.

4. Ободонлаштириш ишлари учун зарур иш қуроллари ва уларни сақlash

Ҳар бир “Баркамол авлод” болалар марказида ободонлаштириш ишлари учун зарур бўлган иш қуроллари – кетмон, лопата, хаскаш, паншаха, арра, болта, супурги, челак ва бошқа тегишли анжомлар бўлиши лозим.

Ҳар бир марказда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда – 8 та лопата, 4 та кетмон, 2 та хаскаш, 2 та паншаха, 2 та арра, 2 та болта, 8 та челак, 10–15 та супурги (катта, кичик) бўлиши тавсия этилади.

Иш қуроллари марказ омборхонасида сақланади ва улар муассаса балансига ўрнатилган тартибда кирим қилинади. Уларнинг сақланиши учун марказнинг хўжалик мудирининг жавобгар шахс ҳисобланади.

5. “Баркамол авлод” болалар марказидаги мавжуд ички ва ташқи ҳожатхоналарнинг санитария талаблари асосида фаолиятини таъминлаш

1. Ҳожатхоналарнинг тозалиги ва у ердаги шароитлар санитария талаблари даражасида бўлиши лозим.

2. Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ҳожатхоналар муассасанинг ўқув биносидан 30–50 метр узоқликда ташкил этилади.

3. Ички ва ташқи ҳожатхоналар жами энига 4,5–5 метр (ўғил болалар ва қиз болалар учун), баландлиги 3 метрдан кам бўлмаслиги лозим. Узунлиги очколар сонига қараб ҳисобланади (ҳар 30 нафар ўқувчига 1 та очко тўғри келиши ҳамда очколарнинг оралиғи 0,9 метр бўлиши ҳамда ички девор билан ўралиши шарт). Бунда эркак ва аёл педагоглар учун кириб-чиқилиши алоҳида бўлган эшик билан ёпиладиган очколар бўлиши лозим.

4. Ҳожатхона биноларининг ички ва ташқи девор қисми цемент қоришмаси билан сувоқ қилиниши, дид билан бўялиши ёки оқланиши, пол қисми бетон қоришмаси билан қопланиши, том қисми эса албатта қаттиқ жисмли материал (шифер, тунука) билан ёпилиши лозим.

5. Ҳожатхонага унитазлар ўрнатилиши, агар ҳожатхона ҳовлига мослаштирилган бўлса, металл қопламадан тайёрланган (чаша Генуя) мосламалар ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Ўғил болалар учун алоҳида мўлжалланган хонада унитазлардан ташқари албатта писсуар бўлиши шарт.

6. Ҳовлига мослаштирилган ҳожатхона ичидаги унитазларни ювиб туриш учун ҳар-бир очкога совуқ сув келтириши лозим ёки ҳожатхона биносининг том қисмига очколар сонига қараб 1,5–3 куб метрли металл бак ўрнатилиб вақти-вақти билан ювиб турилиши лозим.

Марказий оқава (канализация) мавжуд бўлмаган жойларда оқава сув махсус тайёрланган ўраларга чиқарилиб, улар тўлгандан сўнг махсус транспортда олиб кетилишига мослаштириш зарур.

7. Ҳожатхона биносининг пол қисми қалин кафел (метлахская плитка) билан ёпилиши, очко деворлари эса баландлиги 1,2–1,4 метр ўлчамда кафел-плитка билан ёпилиши талаб этилади.

8. Бундан ташқари, айниқса ҳовлига мослаштирилган ҳожатхоналарнинг электр тизими мис симдан монтаж қилиниши, ҳар 5 кв. метр учун махсус ёпиқ ҳолдаги лампочкалар ўрнатилиши лозим.

9. Ташқи ҳожатхоналарнинг ҳар икки томонига бинонинг узунлигига қараб ёруғлик ва ҳаво алмашиши учун 0,4 кв. метр ўлчамдаги деразача (форточка)лар ўрнатилиши талаб этилади.

10. Қўл ювиш учун ҳожатхона йўлагига камида 4 та қўл ювиш мосламаси (умывальник) ўрнатилиши ва оқава сувининг ўрага чиқариб юборишини таъминлаш керак.

11. Ҳожатхонага бориш йўлакларига имкониятдан келиб чиқиб, асфальт, бетон ёки плитка (брусчатка) ётқизиш, йўлакни бардюра билан ажратиш ва оқлаш, йўлакнинг ҳар икки томонига кўп йиллик ва мавсумий гуллар ҳамда манзарали дарахтлар экиш лозим.

6. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари

Таълим муассасалари бино ва иншоотларини, иситиш тизими, электр тизими, қозонхоналар иссиқ ва совуқ сув ҳамда оқава тизими ҳолатини кўриқдан ўтказиб, зарур ҳолларда таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

томларни баҳорги текширувдан ўтказиб, чакки ўтаётган жойларини аниқлаган ҳолда таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича буюртма тайёрлаш;

ёғоч конструкциялардан килинган томларда ҳар икки йилда ёғоч тўсиқ, стропила ва рейкаларни ёнғинга қарши битум мастекаси билан ишлов бериш;

худудий “саноатконтехназорат” бошқармалари ходимлари билан биргаликда таълим муассасаларидаги қозонларни улардаги насос, винтелятор, “задвижка” ва винтелларни ҳамда мўриларини кўриқдан ўтказиб, зарур ҳолларда уларни куз-қиш мавсумига қадар таъмирлаш ишларини режалаштириш, ташқи иссиқлик қувурларини иссиқлик сақловчи материаллар билан ўраш ишларини амалга ошириш (изоляция);

таълим муассасаларидаги ички ва ташқи электр тизимини (кабель, электр симлари, шитлар)ни кўриқдан ўтказиш, мутасадди ташкилотларни жалб қилган ҳолда синовдан ўтказиш(прозвонка), зарур ҳолларда электр тизимини алмаштириш ёки таъмирлаш ишларини режалаштириш;

тоғли ва борилиши қийин бўлган ҳудудлардаги таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари иситиш печкаларининг мўриларини тозалаш, уларни куз-қиш мавсумига тайёр ҳолга келтириш;

“Иссиқлик манбаи” корхонаси томонидан марказлашган иссиқликни қабул қиладиган ҳар бир таълим муассасаларининг балансидаги ташқи ва ички иссиқлик тизимини босим остида тозалаш ҳамда муассасадаги иссиқлик узели (теплоизоляция) профилактик таъмирлаш бўйича тегишли идоралар билан шартномалар тузиш, бу ишларни амалга оширилиши якунида тегишли далолатномалар имзолаш;

барча дераза ойналарини бутунлигини текшириб, синганларини алмаштириш чораларини кўриш;

кўмир ёқилғиси билан иситиладиган ҳар бир таълим муассасасида тузилган ишчи гуруҳ томонидан “Ўқувтаълимтаъминот” ДУК томонидан етказиб берилаётган кўмирнинг сифатига ва миқдорига (фактура бўйича) эътибор қаратиш;

иситиш қозонлари ва печлари табиий газ билан иситиладиган таълим муассасалар бўйича қиш мавсумида газ босими кескин пасайиб кетиши кутилаётган бўлса, улар учун захира альтернатив ёқилғи сифатида кўмир ёқилғисига буюртма бериш ишларини ташкил қилиш;

кўмир ёқилғисини махсус қурилган омборхоналарда ёки қуруқ ва ер ости сувларининг таъсири тегмайдиган жойларда устини сомонли лой билан мустаҳкам сувалган ҳолда сақланишини таъминлаш;

дераза ромларини, айниқса улар бир каватли бўлса қўшимча целофан плёнкалари, скотч билан қоплаш учун захиралар яратиш.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ БУЙРУҒИ

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИНИНГ БАДИЙ ИЖОДИЁТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН РЕСПУБЛИКА ИЖОДИЙ ГУРУҲИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 50-сонли ҳамда 2011 йил 11 майдаги “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 130-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича яратилган шарт-шароитлар ҳамда амалга оширилаётган ишларни ўрганиб, уларга амалий-услубий ёрдам бериш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. “Баркамол авлод” болалар марказларининг бадий ижодиёт йўналишидаги фаолиятларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган Республика ижодий гуруҳи тўғрисидаги Низом 1-иловага, Республика ижодий гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ижодий гуруҳига:

– “Баркамол авлод” болалар марказларининг бадий ижодиёт йўналишидаги фаолиятларини янада такомиллаштиришга, уларнинг сифат-самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

– Марказлар ўртасида тажриба алмашинувини йўлга қўйиш ва жойлардаги “Баркамол авлод” болалар марказлари мутахассислари томонидан бадий ижодиёт йўналишини ривожлантиришга қаратилган мақолалар, тавсиялар, ўқув қўлланмалари ва илғор иш тажрибаларини ўрганиш ҳамда белгиланган тартибда оммалаштириш;

– “Баркамол авлод” болалар марказларининг бадий ижодиёт йўналиши фаолиятини чуқур ўрганиш, ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш;

– Хорижий давлатларнинг мактабдан ташқари таълим тизимини ўрганиш ва ўрганилган тажрибаларни оммалаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

– Республика миқёсида ҳал қилинадиган масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар тайёрлаш ҳамда уларнинг ечимлари бўйича ҳар чоракда Халқ таълими вазирлигининг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасига маълумотлар киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Республика ижодий гуруҳи фаолиятини назорат қилиб боришни ўз зиммамда қолдираман.

3. Товбоев
“Баркамол авлод” Республика
болалар маркази директори

Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 ноябрь,
№ 62-сон.

**“Баркамол авлод” болалар марказларининг бадий ижодиёт
йўналишидаги фаолиятларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган
Республика ижодий гуруҳи тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари ва 2011 йил 11 майдаги “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 130-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Баркамол авлод” болалар марказлари тизимида амалга оширилаётган методик хизмат жараёнини ўрганиш, таҳлилий ишларни амалга ошириш, ривожлантиришга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бажарилишини назорат қилиш, Марказлар раҳбарлари ва педагогларининг касбий маҳоратларини ошириш ишларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. “Баркамол авлод” болалар марказларидаги узлуксиз методик хизматни ташкил этиш, унинг йўналишларини белгилаш, соҳада амалга оширилаётган методик хизматни мувофиқлаштириш, Давлат талаблари асосида таълим самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш ва назорат қилиш каби жараёнларни бошқариш мақсадида “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази қошида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги “Баркамол авлод” болалар марказлари раҳбарлари ва мутахассисларидан иборат Республика ижодий гуруҳи фаолият кўрсатади.

2. Республика ижодий гуруҳи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодни яратиш концепсияси”, “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низом ва таълим бошқарув органлари томонидан тасдиқланган соҳага доир меъёрий ҳужжатлар ҳамда ушбу Низомга амал қилган ҳолда юритади.

3. Республика ижодий гуруҳи “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази қошида ташкил этилиб, марказ директори раис, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари раис ўринбосари вазифасини бажаради.

4. Республика ижодий гуруҳига масалалар тайёрлаш, вилоятдаги узлуксиз методик хизматнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш учун Марказ методистларидан масъул котиб белгиланади.

II. Ижодий гуруҳнинг асосий мақсад ва вазифалари

5. Республика ижодий гуруҳи марказларда узлуксиз амалий-услубий ишларни ташкил этиш йўналишларини белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади.

6. Давлат талабларининг бажарилиши учун зарур бўлган ўқув-услубий мажмуалар ва бошқа таълим воситалари билан таъминланишини таҳлил қилади, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

7. Ҳорижий давлатларнинг мактабдан ташқари таълим тизимини ўрганиш ва ўрганилган тажрибаларни оммалаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

8. Республика миқёсида ҳал қилинадиган масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар тайёрлаш ҳамда уларнинг ечимлари бўйича ҳар чоракда Халқ таълими вазирлигининг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасига маълумотлар киритиб боради.

III. Республика ижодий гуруҳининг иш тартиби

9. Республика ижодий гуруҳи йиғилишлари ҳар чоракда бир марта ўтказилади. Зарур ҳолларда тезкор (навбатдан ташқари) йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

10. Ижодий гуруҳнинг йиллик иш режаси тузилади ва кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

11. Республика ижодий гуруҳи йиғилиши баёнлари бет рақамлари кўрсатилиб, шнурланган ва Марказ муҳри билан тасдиқланган махсус дафтарга тўлалигича ёзилади.

IV. Республика ижодий гуруҳи таркиби ва уларнинг ҳуқуқлари

12. Республика ижодий гуруҳи таркиби раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолардан иборат бўлади.

13. “Баркамол авлод” болалар марказлари директорлари, директор ўринбосарлари ва энг тажрибали-фидоий мутахассислар эгаллаб турган лавозимларига кўра кенгаш аъзоси ҳисобланади ва жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.

Республика ижодий гуруҳи фаолиятига умумий раҳбарлик “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази томонидан амалга оширилади. Республика ижодий гуруҳи раиси “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази директори ҳисобланади. Республика ижодий гуруҳи раиси йўқлигида Республика ижодий гуруҳи фаолиятини раис ўринбосари бошқаради.

Иш юритиш ва ташкилий ишларни олиб бориш учун Республика ижодий гуруҳи котиби тайинланади.

14. Республика ижодий гуруҳи раиси:

Республика ижодий гуруҳи ишини ташкил этади, ҳужжатлар юритилиши ва сақланишини назорат қилади, гуруҳ йиғилишларини ўтказиш кунини ва вақтини белгилайди.

Республика ижодий гуруҳи аъзоларига йиғилиш кун тартибига биноан маърузалар, йиғилиш қарорлари лойиҳаси ва кўрсатилаётган масалалар юзасидан материаллар тайёрлашни юклайди.

Ижодий гуруҳи ўзининг иш фаолиятини умумий йиғилишда қабул қилинган йиллик режаси асосида олиб боради. Ижодий гуруҳи йиғилиши қарори йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

15. Республика ижодий гуруҳи йиғилишларига 3 марта узрсиз сабаб билан иштирок этмаган аъзолар йиғилиш қарорига кўра Республика ижодий гуруҳи аъзолари таркибидан чиқарилиб, улар ўрнига янги аъзолар киритилиши мумкин.

V. Ижодий гуруҳнинг фаолият доирасидаги ҳуқуқлари

16. Республика ижодий гуруҳининг фаолият доирасидаги ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Марказлардан Республика ижодий гуруҳининг асосий вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотлар, материаллар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда олиш;

Республика ижодий гуруҳи йиғилишларини ҳар чоракда бир марта ўтказиш;

Республика ижодий гуруҳи ваколатига тегишли масалаларни, жойларда узлуксиз методик хизмат кўрсатиш даражасини ўрганиш учун мутахассисларни жалб қилиш ва хизмат сафарига юбориш учун таклифлар киритиш;

ўз ваколати доирасида раҳбар ва педагог ходимларни, методистларни рағбатлантириш ёки маъмурий, интизомий жавобгарлик чораларини кўришга оид таклифлар бериш;

зарур ҳолларда методик қўлланмаларни муҳокама қилиш ва хулосалар бериш;

жойлардан олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлиллари натижасида Халқ таълими вазирлигига “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар бериш;

Республика ижодий гуруҳи йиғилишларига “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича алоқадор бўлган шахслар таклиф қилиниши мумкин.

VI. Ижодий гуруҳнинг молиявий таъминоти

17. Республика ижодий гуруҳи аъзоларининг сарф-харажатлари асосий иш жойлари ҳисобидан тўланади.

18. Ижодий гуруҳда фаол иштирок этувчи аъзолар гуруҳ тавсиясига асосан иш жойларида моддий рағбатлантирилиши мумкин.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ЯЛПИ ВА ШЎЪБА ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Таълим ходимларининг йиллар давомида анъанага айланиб қолган август кенгашлари ўтган ўқув йилига хулоса ясаган ҳолда янги ўқув йилини қизиқарли, самарали, ижодий ёндошган ҳолда янгича бир кўтаринки руҳ билан замон талаблари асосида бошлаш бўйича долзарб вазифалар, услубий тавсиялар беришга йўналтирилган. Бу эса келгуси ўқув йилини сифатли ташкил этиш, педагоглар ва тўғарак раҳбарларининг фаолиятини замон талаби асосида такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Август кенгашлари – “Баркамол авлод” болалар марказлари педагог ходимларининг раҳбарлик ва педагогик маҳорати, касбий маданияти ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саводхонлигини юқори сифат даражасига кўтариш” мавзусида ўтказилади.

Анъанавий Август кенгашининг асосий мақсади: мактабдан ташқари таълим тизимидаги “Баркамол авлод” болалар марказларига қўйиладиган Давлат талабларини амалиётга тадбиқ этишда педагогларнинг келгуси вазифаларини аниқ белгилаб бериш, шунингдек, “Баркамол авлод” болалар марказлари учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш, таълим-тарбия ишининг методик таҳлили мониторинги натижаларини хулосалаш ва соҳадаги янгиликларни ўрганиш.

Анъанавий Август кенгашларининг асосий вазифалари:

1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларни амалиётга тадбиқ қилиш.

2. Ўтган ўқув йилида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, янги ўқув йили вазифаларини белгилаб олиш.

3. Илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда тўғаракларни мазмунли ва сифатли ташкил этишга асосий эътиборни қаратиш.

4. “Баркамол авлод” болалар марказлари раҳбарлари, педагог ходимларининг ҳуқуқий, молиявий, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш бўйича саводхонлигини ошириш.

5. “Баркамол авлод” болалар марказлари ходимларини педагогик, психологик салоҳиятини, педагогик маҳорати ва маданиятини ошириш ҳамда фаолиятда ахборот технологияларини қўллаш ва таълим-тарбия жараёнига изчил олиб кириш, улардан фойдаланишни такомиллаштириш.

6. Тўғарак машғулотларини самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик технологиялар, интерфаол методларни танлаш ва жорий этишга методик тавсиялар бериш.

7. Тўғарак машғулотларида шахсга йўналтирилган таълим-тарбияни кенг тарғиб қилиш.

8. Тўғарак аъзолари онгида Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат, касб-хунарга қизиқиш ва ҳурмат туйғуларини шакллантиришда давом этиш, маънавий-ахлоқий фазилатларни такомиллаштириш.

9. Иш фаолиятида самарали натижаларга эришаётган мутахассислардан йилнинг энг яхши директорлари, директор ўринбосарлари, маданий-оммавий тадбирлар ташкилотчилари ҳамда услубчиларни аниқлаш, уларнинг ишларини оммалаштириш.

10. 2012–2013 ўқув йилида тажриба-синовдан ўтган илғор педагогик технологияларни тўғарак машғулотларига тадбиқ этишда “моҳирлик машғулоти” усулидан фойдаланиш ва тавсияномалар бериш.

11. Педагогик жамоа ва тўғарак аъзолари ўртасида соғлом муҳитни шакллантириш, ахборот хуружларидан ҳимояланиш усуллари белгилаш.

12. Тўғаракларда болаларга ҳунар ўргатишнинг янги замонавий усуллари билан мунтазам танишиб боришни йўлга қўйиш ва улар билан марказ ходимларини таништириб бориш мақсадида ўқувлар, конференциялар ташкил этиш, илғор тажрибаларни тарғиб қилиш, оммалаштириш, видеодарслар, интернет-даги таълим порталида методик материаллар бериб бориш орқали педагогларни услубий жиҳатдан бойитиш.

Анъанавий Август кенгашлари ҳудудларда “Баркамол авлод” болалар марказларининг раҳбар ва педагогик ходимлари учун шўъба ҳамда ялпи йиғилишлар шаклида ўтказилади.

Август кенгашлари ялпи йиғилишларини қуйидаги умумий мавзулар асосида ўтказиш тавсия этилади: “Баркамол авлод” марказлари фаолиятида ижодкорлик, амалиёт, тажриба”, “Илғор тажриба ва интерфаол услублар болалар марказлари фаолияти самарадорлигини асоси”.

Шўъба йиғилишларини қуйидаги йўналишларда ташкил этиш тавсия этилади:

1-шўъба. “Баркамол авлод” болалар марказларининг директорлари ва директор ўринбосарлари.

2-шўъба. “Баркамол авлод” болалар марказларининг маданий-оммавий тадбирлар ташкилотчилари, мониторинг ишлари бўйича мутахассислари, услубчилари.

3-шўъба. “Баркамол авлод” болалар марказларининг тўғарак раҳбарлари (мазкур шўъба йиғилишларини жойлардаги “Баркамол авлод” болалар марказлари контингентига қараб уч йўналишда – бадиий ижодиёт, техник ижодиёт ҳамда ўлкашунослик ва экология йўналишларида ўтказиш мумкин).

Ҳар бир йўналишдаги шўъба йиғилишининг мақсади, вазифалари ва кутиладиган натижаси аниқ белгилаб олиниши лозим. Шўъба йиғилишларини ўтказиш ва олиб бориш учун жойларда ҳудудий “Баркамол авлод” болалар марказлари раҳбарлигида тегишли халқ таълими бошқарув органлари билан ҳамкорликда маърузачи-тренер гуруҳи ташкил қилинади. Мазкур гуруҳга “Баркамол авлод” болалар марказларининг ижодкор, юқори савияли тажрибага эга бўлган, таълим тизимида ўтказилган семинар-тренингларда қатнашиб тренерликни ўрганган, кўп йиллик тажриба мактабини ўтаган мутахассислар,

тўғарак раҳбарлари, у ёки бу мавзуларни ёритишга махсус фан мутахассислари жалб этилади. Маърузачи-тренер гуруҳи аъзолари ўз соҳалари бўйича етарли билим, кўникма, малака ва маҳоратга, жамоа билан ишлаш, интерфаол методлар, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб кичик гуруҳларда ишлаш тажрибасига эга бўлишлари лозим.

Август кенгашлари ўтказилишидан икки ҳафта олдин ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари билан “Баркамол авлод” болалар марказлари ҳамкорлигида кенгаш ва шўъбалар мавзулари, материаллари, муҳокама қилинадиган масалалар, уларни тайёрлаш, ўтказиш тартиби билан танишиш мақсадида йиғилишларга жалб этилган маърузачи-тренерлар (тажрибали раҳбар ёки тўғарак раҳбари, услубчилар) учун махсус интенсив-интерактив ўқув семинари ташкил этилади. Унда йиғилишларни ўтказиш шакли, тартиби, мазмуни, педагогик технология ва интерфаол методлар ҳамда керакли ёрдамчи материаллар аниқлаб олинади. Шунингдек, мазкур ўқув семинарида йиғилишларни ўтказувчи ҳар бир тренер (раҳбар, услубчи, тўғарак раҳбари, таклиф этилган мутахассис) қуйида тавсия қилинган йиғилиш шакллари ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, техникаси билан амалий машқ орқали танишиб оладилар ва улардан бирини шўъба йўналиши, мақсади, вазифаси, мазмуни ҳамда натижасига қараб танлаб оладилар.

Мазкур ўқув семинари жараёнида маърузачи-тренер гуруҳи аъзолари:

- “Мустақиллик йилларида амалга оширилган таълим соҳасидаги ислохотлар, хусусан, “Баркамол авлод” болалар марказларида бажарилган ишлар ва келгусидаги вазифалар”;

- “2012–2013-ўқув йили якунлари бўйича ўтказилган сифат мониторинги, конкурслар, фестиваллар, турли хил беллашувлар, кўргазмаларда аниқланган бўшлиқлар, мураккаб масалалар юзасидан тавсиялар бериш”;

- ““Баркамол авлод” болалар марказларида тўғаракларнинг сифатини ва болалар қамровини ошириш омиллари”;

- “Раҳбарнинг касбий компетентлиги, педагогик маҳорати ва касбий маданиятини оширишда бошқарув санъати, бошқарувда шахсий муносабатларнинг психологик хусусиятлари. Раҳбарнинг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлиги”;

- “Ахборот хуружларидан ҳимояланиш”;

- “Интернетда ахборот излаш тизимлари ва улардан фойдаланиш услубияти”

тўғрисида ҳам назарий ҳам амалий маълумотларга эга бўлишлар мумкин.

Шўъба йиғилишларини қуйидаги шаклларда ташкил этиш ва ўтказиш мумкин:

- маъруза-суҳбат, маъруза-мулоқот;
- амалий машғулот, амалий машқ;
- давра суҳбати, мунозара давраси;
- ишчан-ролли ўйин;
- педагогик меҳмонхона;
- кўргазма “ижодиёт саройи”;
- видеоконференция;

- касбий ўйинлар
- “ижодиёт бозори” ярмаркаси
- “Ақлий ҳужум” усулида долзарб муаммоларни ҳал этиш;
- “Блиц-сўров”, “Блиц-ўйин” ва сўровномалар;
- семинар-тренинг;
- мавзули мунозаралар ва б.

Шўъба йиғилишларини ижодий ёндошган ҳолда, кўп йиллик педагогик тажрибалар асосида муваффақиятли амалга оширишга керакли зарурий материаллар, тарқатма материаллар, меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш ҳамда моддий-техник шароит яратиш ва ўқув хоналарини тайёрлаш талаб этилади.

Ялпи кенгаш ёки шўъба йиғилишлари жараёнида замонавий маълумотларга бой, мазмунан тўлиқ тайёрланган энг яхши ўқув ёки услубий қўлланмалар, тўғарак аъзолари ишлари кўргазмаси, болалар марказларини йил давомида олиб борган ишларини видеороликлар орқали намойиш этишни ташкил қилиш ҳамда йил давомида ўз ишига масъулият, ижодкорлик билан ёндашган марказ ходимларини, конкурс, беллашувлар ғолибларини тақдирлаш, тажрибали, ижодкор тўғарак раҳбарлари томонидан “моҳирлик дарслари” (“мастер класс”)ни ўтказиш тавсия этилади.

“Баркамол авлод” болалар марказлари бўйича август кенгашлари шўъба йиғилишларини семинар – тренинг шаклида (ёки юқорида тавсия этилган шаклларнинг бири асосида) 3 йўналишда ташкил этиш ва юқорида таъкидлаб ўтилганларни инобатга олиб, белгиланган долзарб мавзуларни атрофлича муҳокама қилиш тавсия этилади. Жумладан,

1-шўъбада “Баркамол авлод” болалар марказлари директорлари ва директор ўринбосарлари иштирокида қуйидаги масалаларни муҳокама қилиш мумкин:

– “Баркамол авлод” болалар марказлари раҳбарларининг йил якунлари, таҳлиллари, истиқбол режалари ва иш фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари;

– “Раҳбарнинг касбий компетентлиги, педагогик маҳорати ва касбий маданиятини оширишда бошқарув санъати, бошқарувда шахсий муносабатларнинг психологик хусусиятлари. Раҳбарнинг молиявий, ҳуқуқий ва ахборот коммуникация саводхонлиги”;

– марказ фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

– марказ директори ва ўринбосарларининг раҳбарлик маҳорати, ташкилотчилик фаолияти, бошқарув усуллари, нотиқлик санъати;

– марказнинг педагогик, услубий кенгашлари ва директор ҳузуридаги ишлаб чиқариш мажлисларини тайёрлаш, ўтказиш методикаси ва техникаси;

– марказ директори ва ўринбосарлари, педагог ходимларини меҳнатини илмий асосда ташкил этиш назарияси ва амалиёти.

2-шўбада “Баркамол авлод” болалар марказлари маданий-оммавий тадбирлар ташкилотчилари, мониторинг ишлари мутахассислари ва услубчилари иштирокида қуйидаги масалаларни муҳокама қилиш мумкин:

- “Баркамол авлод” болалар марказларига қўйилган давлат талаблари асосида билим, кўникма ва малакалар бериш, болаларнинг билим даражаси, ижодий имкониятларини аниқлаш ва тўлақонли ривожлантириш орқали таълим дастурларининг ўзлаштирилишига эришиш йўллари;

- маданий-оммавий тадбирларни тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, шакллари ва уларни самарадорлигини ошириш йўллари;

- марказ фаолиятининг асосий кўрсаткичлари мониторингини олиб бориш, иқтидорли ёшларни излаш, уларнинг имкониятларини юзага чиқариш, илғор иш тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, оммалаштиришнинг шакл ва услублари;

- шу йўналишдаги масъул ходимларни мунтазам равишда малака оширишларини ташкил этиш ишлари.

- услубий тавсияларни тайёрлаш ва тўғарак машғулотлари журналларини юритиш тартиби;

- услубчининг инновацион фаолияти, вазифаси, маҳорати ва маданияти;

- тўғарак машғулотларини ташкил этиш, ўтказиш, таҳлил қилиш методикаси ва техникаси;

- услубчининг жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиши, бунда тарғиботчи ёшлар гуруҳларини ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланиш усуллари;

- услубчи меҳнатини илмий асосда ташкил этиш тамойиллари;

- машғулотлар ўтказиладиган хоналарни замон талаблари даражасида жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш;

- услубий қўлланмалар яратишга қўйилган талаблар, тўғарак машғулотларида замонавий педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол, илғор усулларида фойдаланишга тегишли услубий қўлланмалар тайёрлаш методикаси ва техникаси.

3-шўбада “Баркамол авлод” болалар марказларининг тўғарак рахбарлари иштирокида қуйидаги масалаларни муҳокама қилиш мумкин:

- тўғарак аъзоларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни тўғараклар ва турли тадбирларга жалб қилиш усуллари;

- марказларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, давлат талабларининг бажарилишини таъминлашда машғулотларни самарали ташкил этиш усуллари;

- ўзаро тажриба алмашиш, “Очиқ тўғарак машғулотлари”ни ўтказиш ва илғор иш тажрибаларини таҳлил қилиш, оммалаштириш;

- тўғарак машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда оила, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш тажрибаси;

- тўғарак машғулоти жараёнида қизиқарли кўргазмали материаллар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

“Баркамол авлод” болалар марказлари олдига қўйилган вазифалар:

1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларни амалиётга тадбиқ қилиш ишларини давом эттириш.
2. Тўғарак машғулотларини қизиқарли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш ва ўқувчилар қамровини янада ошириш.
3. “Баркамол авлод” болалар марказлари таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда бола шахсига йўналтирилган таълимга алоҳида эътибор қаратиш.
4. “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятида эгалланган педагогик тажриба, анъаналари асосида методик ишлар ҳамда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш.
5. “Баркамол авлод” болалар марказларида молиявий фаолият ҳамда педагогик кадрлар фаолияти сифатини яхшилаш чораларини кўриш.
6. “Баркамол авлод” болалар марказлари педагогларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саводхонликларини мунтазам равишда ошириб бориш.
7. “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини такомиллаштиришда оила, мактаб, маҳалла, ҳомийлар ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш.
8. Иқтидорли ижодкор ёшларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш.
9. “Баркамол авлод” болалар марказларида ота-оналар тўловидан мақсадли ва самарали фойдаланиш.

Август кенгашлари муносабати билан ҳамда янги ўқув йили олдидан “Баркамол авлод” болалар марказлари педагог ходимлари учун ташкил этиладиган ялпи ва шўъба йиғилишларининг самарали ўтиши унинг аниқ режа асосида ташкил этилишига боғлиқ. Август кенгашларида энг асосий эътибор муҳокама қилинаётган масалалар, ёритилаётган мавзуларнинг мазмуни ва уларнинг амалиётда қанчалик жорий қилиниш даражасига қаратилиши лозим.

Анъанавий Август кенгашларини ўтказишда “Маърифат” рўзномасида чоп этилаётган тавсиялардан ҳам фойдаланиш мумкин.

3. ТОВБОЕВ

***Республика “Баркамол авлод” болалар
бадий ижодиёт маркази директори***

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА “МУСТАҚИЛЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ”НИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯ

Мустақиллик бу – ҳуррият, элу-юрт осойишталиги, ободлик демакдир. Шу боис ҳам, Мустақиллик байрами ҳар йили чинакам умумхалқ тантанасига айланиб кетиши бежиз эмас. Бу тантана ўсиб келаётган ёш авлоднинг қалбида ватанпарварлик, илм олишга ва яратувчанликка интилиш каби туйғуларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик – яратганнинг халқимизга берган буюк тухфасидир. Мана шу олий неъматга эришганимизга ҳам 22 йил бўлди.

Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларни она-Ватанга муҳаббат, аجدодларимиз ва уларнинг маънавий-маърифий, маданий меросига содиқлик, тинчликсеварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида бугунги тинч-фаравон ҳаётимизга шукроналик туйғусини камол топтириш энг муҳим вазифа деб қаралмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари инсон манфаатларини, Ватан қадри, турмуш тарзини ҳар томонлама яхшилашга, инсоннинг жамиятда ўз қадр-қимматига эга бўлиш каби эзгу ғояни ўзида мужассам этади.

“Баркамол авлод” болалар марказларида ўқув йилининг дастлабки машғулоти “*Мустақиллик машғулоти*” ҳисобланади. Ҳар йилги Мустақиллик машғулоти ҳукуматимиз томонидан эълон қилинган алоҳида шиор остида ўтказилади. Шу ўринда, бир соатлик тўғарак машғулоти ишланмасини намуна сифатида келтириш ўринлидир.

мавзуидаги

бир соатлик тўғарак машғулоти ишланмаси

(мавзу сифатида ҳар йили ҳукуматимиз томонидан эълон қилинган шиорлар танланади ва унинг моҳияти очиб берилади)

Тўғарак машғулотининг мақсади:

Тўғарак аъзоларига мустақилликнинг бугунги кундаги аҳамияти, ўқувчи-ёшларнинг бугунги ва эртанги ҳаётидаги ўрни, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, мустақилликни асраб-авайлаш, қадрига етиш каби туйғуларини янада шакллантириш.

Машғулот жиҳозлари:

Президентимиз И. Каримовнинг сўнгги йилларда нашр этилган асарлари, мустақиллик йилларида эришган ютуқлар акс эттирилган суратлардан иборат кўргазма, дунё сиёсий харитаси.

Машғулотни бориши:

Ташкилий қисм – саломлашиш, давоматни аниқлаш.

Янги мавзу баёни – “Қадди баланд, қадрли баланд Ўзбекистоним!”

“Мустақиллик” – сўзи арабча – “мустаҳал” ҳақиқий маъноси – “қарам эмас, эркин” деган тушунчаларни англатади.

Истиқлол – миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавакати дунёга тараннум этадиган соғлом авлодни, ҳар жихатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўриш имкониятини яратади. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун – миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъий назар, фаровон ҳаёт кечириш кафолатларини таъминламоқда.

1989 йил 21 октябрда “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мустақилликка қўйилган дастлабки қадамдир.

1990 йил 20 июнда “Мустақиллик декларацияси” қабул қилинди.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон тарихининг янги даври бошланди. Ўзбекистон мустақилликка эришди ва И. Каримов томонидан “1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни – умумхалқ байрами” деб эълон қилинди.

Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли кўплаб имкониятларга эга бўлди. Жумладан:

- ўз тақдирини ўзи белгилаш;
- тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мустақил танлаш;
- миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ҳолда демократик давлат қуриш;
- тарихимизни холисона ёритиш, миллий ва диний қадриятларимизни қайтадан тиклаш;
- ёш авлодларга замон талаблари даражасида билим бериш ва касб ҳунар ўргатиш;
- болаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжлариги мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларини, техник ижодкорлигини ривожлантириш;
- жонажон ўлка тарихи ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича билимларини ошириш, уларнинг фойдали дам олишини ташкил этиш;
- ўқувчи-ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо (*тўғарак раҳбари болаларга юқорида санаб ўтилган имкониятларнинг ҳар бири бўйича ўқувчи-ёшлар томонидан эришилган ютуқлар мисолида тушинтирса, мавсадга мувофиқ бўлади*).

Буларнинг барчаси мустақилликнинг халқимизга берган ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек тарихий имкониятга эга бўлдик”.

Президентимиз Ислам Каримов айтганидек, “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”. Бугунги кун ёшлари мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги. Уларни қанчалик маънавий жихатдан баркамол қилиб вояга етказиш борасида давлатимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Болаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжлариги мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларини, болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш, жонажон ўлка тарихи ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича билимларини ошириш, уларнинг фойдали дам олишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги 50-сонли “Мақтадан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан республика бўйича жами 211 та “Баркамол авлод” болалар марказлари ташкил этилди.

Таълим-тарбия миллат ва давлат келажагида муҳим ўрин тутати. Мустақиллик даврида унинг тўғри ташкил этилгани ўз медаларини бера бошлади. Йилдан-йилга ёшларимизнинг нафақат мамлакатимизда, балки ривожланган давлатлар ўқувчи-ёшлари қаторида ҳалқаро даражадаги мусобақа ҳамда турли кўрик-танловларида ютуқларга эришмоқда.

Ўзбекистон истеъдодли ёшлар мамлакати. Бугун илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда дунё бўйлаб ўзбек фарзандлари юртимиз шаънини янада юксакларга кўтараяётганлиги барчамизни бирдек қувонтиради.

Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Мавзунини мустаҳкамлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланилса, тўғарак машғулотлари самарадорлиги ошади. Мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги усул тавсия этилади:

“Блиц-сўров” усули

Усулнинг мақсади: ўқувчи-ёшларнинг ўз фикрини мустақил баён этиши ва бошқаларга фикрини тушинтира олиш, бошқалар фикрини таҳлил қилиш каби кўникмаларни шакллантириш ҳамда уларда мустақиллик тўғрисидаги тушунчаларни янада бойитиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби.

Ушбу усул бир неча босқичда ўтказилади:

- ✓ тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларига ушбу машғулот бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида тушунча беради;
- ✓ тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларидан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этишларини сўрайди. Кичик гуруҳлар тўғарак аъзоларининг хоҳишларига қараб ёки рақамлар бўйича ташкил этилиши мумкин;
- ✓ тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларига алоҳида-алоҳида тарқатма материал беради ва улардан ушбу материални синчиклаб ўрганишларини сўрайди;
- ✓ тўғарак раҳбари тарқатма материал мазмуни ва бажариладиган вазифа (тарқатма материалда берилган ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри белгилаш, белгини қоғозда алоҳида ажратилган бўлимга рақамлар билан қўйиш кераклигини)ни тушунтиради;
- ✓ кичик гуруҳлардаги тўғарак аъзолари биргалашиб (бир-бирлари билан тортишиб, баҳслашиб, ўз фикрларига ишонтириб) келишган ҳолда, тарқатилган қоғоздаги “*гуруҳ баҳоси*” бўлимига муқобил рақамларни белгилаб чиқадилар;

✓ барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғарак раҳбари ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича тўғри жавобни беради, яъни тўғарак аъзоларидан уларга тарқатилган қоғозлардаги “*тўғри жавоб*” бўлимига у томонидан айтилган ҳаракатлар кетма-кетлиги рақамларини ёзишни сўрайди;

✓ тўғарак раҳбари “*тўғри жавоб*” бўлимида берилган рақамлар билан “*гуруҳ баҳоси*” бўлимидаги рақамларни солиштириш ва каттасидан-кичигини айириш, айирмаларни мос ҳолда “*гуруҳ хатоси*” бўлимига ёзишларини сўрайди;

✓ тўғарак раҳбари гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради ва уларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради;

✓ тўғарак раҳбари машғулоти яқинлаб, баъзи гуруҳларнинг машғулоти мобайнидаги иш фаолиятларига ўз фикрини билдиради ва талаба (ёки ўқувчи)-ларнинг билимини иловадаги мезонлар асосида баҳолайди ёки мос келган тўғри жавоблар сонига қараб ҳар бир тўғарак аъзоси ўз баҳосини иловада кўрсатилгандек аниқлайди.

Изоҳ: мисол тариқасида “*Мустақиллик йиллари*” мавзусидаги блиц – сўровнинг жадвалини келтириш мумкин (ҳар бир тўғарак раҳбари ўз предмети бўйича ўтаётган ёки аввал ўтган мавзуси асосида ушбу жадвалдан фойдаланиб блиц-сўров тузиш мумкин).

Блиц-сўров: “Мустақиллик йиллари”

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Йилларнинг номланиши	Йиллар
		12	Ижтимоий ҳимоя йили	2007
		1	Амир Темур йили	1996
		11	Ҳомийлар ва шифокорлар йили	2006
		2	Инсон манфаатлари йили	1997
		10	Сиҳат-саломатлик йили	2005
		3	Оила йили	1998
		9	Меҳр-мурувват йили	2004
		4	Аёллар йили	1999
		8	Обод маҳалла йили	2003
		5	Соғлом авлод йили	2000
		7	Қарияларни қадрлаш йили	2002
		6	Она ва бола йили	2001
		13	Ёшлар йили	2008
		14	Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили	2009
		17	Мустаҳкам оила йили	2012

		15	Баркамол авлод йили	2010
		18	Обод турмуш йили	2013
		16	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили	2011

10 – 12 та тўғри жавоб – “қониқарли”

13 – 15 та тўғри жавоб – “яхши”

16 – 18 та тўғри жавоб – “аъло”

Мустақиллик машғулотида сўнг ҳар бир тўғаракда тўғарак раҳбарлари томонидан тўғаракнинг йўналиши ва туркумига кўра тўғаракнинг тарихи ва бугунги кундаги аҳамияти ҳақида маълумотлар берилади.

Л. ХОШИМОВ,
“Баркамол авлод” Республика болалар
бадий ижодиёт маркази мутахассиси

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ-МЕЎЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЮЗАСИДАН СИНОВ ТЕСТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги 50-сонли қарори нима тўғрисида?

А. “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида.

В. “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

С. Мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида.

Д. Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

2. Туман (шаҳар) “Баркамол авлод” болалар маркази директор ўринбосарлари ким томонидан тайинланади?

А. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари буйруғи билан.

В. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят “Баркамол авлод” болалар маркази директори буйруғи билан.

С. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирлари буйруғи билан.

Д. Туман (шаҳар) “Баркамол авлод” болалар маркази директори буйруғи билан.

3. “Баркамол авлод” туман (шаҳар) болалар марказларининг намунавий штат тузилмасида ходимларнинг чекланган сони неча нафарни ташкил этади?

А. 5–10 нафар. В. 6–10 нафар. С. 6–11 нафар. Д. 12–13 нафар.

4. “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганлиги учун ота-оналар тўлови қандай тартибда амалга оширилади?

А. Вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи, республиканинг бошқа туман (шаҳар)ларида 5 фоизи миқдорида.

В. Вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи, республиканинг бошқа туман (шаҳар)ларида 10 фоизи миқдорида.

С. Барча “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганлиги учун ота-оналар тўлови ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида.

Д. Барча “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганлиги учун ота-оналар тўлови ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи, кам таъминланган оила фарзандлари ва махсус мактаб-интернат ўқувчилари учун 5 фоизи миқдорида.

5. Умумтаълим мактабларининг алоҳида ўқув блокларида ташкил этилган “Баркамол авлод” болалар марказларида нечта тўғарак хонаси бўлиши лозим?

- A. Тўрттадан олтитагача.
- B. Бештадан олтитагача.
- C. Еттитагача.
- D. Учтадан еттитагача.

6. “Баркамол авлод” болалар марказлари тасарруфида ... ҳам ташкил этилиши мумкин.

- A. Ўқув тажриба-синов майдончалари ва сайёҳлик базалари
- B. Сайёҳлик базалари ва алоҳида филиаллар
- C. Тажриба-синов базалари
- D. Сайёҳлик марказлари

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори қачон қабул қилинган?

- A. 2011 йил 28 февралда.
- B. 2011 йил 11 майда.
- C. 2011 йил 30 майда.
- D. 2012 йил 28 февралда.

8. 2011–2014 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларини ташкил этиш бўйича манзилли рўйхат қачон ким томонидан тасдиқланган?

- A. 2011 йилнинг апрел ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан.
- B. 2011 йилнинг май ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан.
- C. 2010 йилнинг апрел ойида Халқ таълими вазирлиги томонидан
- D. 2011 йилнинг феврал ойида “Давархитектқурилиш” томонидан

9. “Баркамол авлод” болалар марказларида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани тайёрлаш ва топшириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги 345-сонли буйруғи қачон чиққан?

- A. 2011 йил 5 майда.
- B. 2013 йил 30 октябрда.
- C. 2011 йил 14 майда.
- D. 2012 йил 31 мартда.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нечанчи сонли қарори асосида “Баркамол авлод” болалар марказларининг намунавий штат тузилмалари тасдиқланган?

- A. 183-сонли.
- B. 130-сонли.
- C. 50-сонли.
- D. 39-сонли.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят “Баркамол авлод” болалар марказларининг намунавий штат тузилмасида ходимларнинг чекланган сони неча нафарни ташкил этади?

- A. 5–10 нафар.
- B. 6–10 нафар.
- C. 11–12 нафар.
- D. 12–13 нафар.

12. “Баркамол авлод” болалар марказлари қандай муассаса ҳисобланади?

A. Ўзбекистон Республикасида жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таркибий ҳисобланиб, қўшимча таълим беришга мўлжалланган муассаса ҳисобланади.

В. Ўзбекистон Республикасида жорий этилган халқ тизимининг таркибий қисми бўлган нодавлат мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади.

С. Ўзбекистон Республикасида жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган давлат мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади.

Д. Ўзбекистон Республикасида жорий этилган халқ таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланган давлат мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади.

13. “Баркамол авлод” болалар марказларида тўғарак машғулоти ўқув дастурлари талабига кўра қисқа муддатлар учун ҳам ташкил этилиши мумкинми?

А. Йўқ.

В. Мумкин.

С. Фақат ўқув йили учун ташкил этилиши мумкин.

Д. А ва С.

14. “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқиганлиги учун ота-оналар тўловидан тушган маблағлар қандай мақсадларга йўналтирилади?

А. Тўғарак ишлари учун зарур бўлган хом ашёлар сотиб олишга.

В. Тўғарак ишлари учун зарур бўлган жиҳозлар ва хом ашё сотиб олишга ҳамда тўғарак раҳбарларини моддий рағбатлантиришга.

С. Тўғарак ишлари учун зарур бўлган жиҳозлар, материаллар ва хом ашё сотиб олишга.

Д. Тўғарак ишлари учун зарур бўлган материаллар ва хом ашё сотиб олишга.

15. “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган тўғаракларга неча ёшли болалар қатнашиши мумкин?

А. 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар.

В. 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар.

С. 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар.

Д. 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар.

16. “Баркамол авлод” болалар марказларида таълим олувчиларнинг тегишли контингенти умумий сонининг неча фоизи доирасида кам таъминланган оила болалари тўловдан озод қилинади?

А. 40 фоизи.

В. 30 фоизи.

С. 25 фоизи.

Д. 15 фоизи.

17. Республика “Баркамол авлод” болалар марказларининг намунавий штат тузилмасида ходимларнинг чекланган сони неча нафарни ташкил этади?

А. 12–13 нафар.

В. 15–18 нафар.

С. 28 нафар.

Д. 32 нафар.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарори асосида Республика ўқувчилар саройининг номи “Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт маркази деб ўзгартирилди?

А. 2011 йил 11 майдаги 130-сонли қарори.

В. 2011 йил 20 июндаги 183-сонли қарори.

- C. 2011 йил 28 февралдаги 50-сонли қарори.
D. 2010 йил 21 декабрдаги 143-сонли қарори.

19. 2011–2014 йилларда “Баркамол авлод” болалар марказларини мукам-
мал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрлари Ўзбекистон Респуб-
ликаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарори асосида тасдиқланган?

- A. 39-сонли. B. 50-сонли. C. 130-сонли. D. 183-сонли.

20. “Либослар дизайни” тўғарагининг 2 та гуруҳи бор. Улардан 1 чи гуруҳи
ҳафтада 3 марта келади ҳамда 2 чи гуруҳи 6 ёшли болалар гуруҳи бўлиб,
ҳафтада 2 марта келади. Уларнинг машғулоти вақти тўғарак машғулоти
жадвалига тўғри белгиланган жавобни топинг.

- A. 1-гуруҳ: $09^{00}-11^{15}$, $10^{40}-12^{10}$, $14^{00}-16^{15}$; 2 гуруҳ: $10^{00}-10^{35}$, $12^{25}-13^{00}$
B. 1-гуруҳ: $09^{00}-11^{15}$, $10^{40}-13^{05}$, $14^{00}-16^{15}$; 2 гуруҳ: $10^{00}-10^{45}$, $12^{25}-13^{10}$
C. 1-гуруҳ: $09^{00}-10^{30}$, $10^{40}-12^{10}$, $14^{00}-15^{30}$; 2 гуруҳ: $10^{00}-10^{45}$, $12^{25}-13^{15}$
D. 1-гуруҳ: $09^{00}-10^{30}$, $10^{40}-12^{10}$, $14^{00}-15^{30}$; 2 гуруҳ: $10^{00}-10^{35}$, $12^{25}-13^{00}$

21. “Баркамол авлод” болалар марказларида тўғарак машғулоти учун
ёзги таътил кунларида тузиладиган мавсумий режалар неча соатни ташкил
этади?

- A. 24 соатни B. 72 соатни C. 78 соатни D. 18 соатни

22. “Баркамол авлод” болалар марказларини жиҳозлаш меъёрлари қачон ва
ким томонидан тасдиқланган?

- A. 2012 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
томонидан.
B. 2012 йил майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан.
C. 2011 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан.
D. 2012 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
томонидан.

23. “Баркамол авлод” болалар марказларида Педагогик кенгаш йиғилиши
бир йилда неча марта ўтказилади?

- A. Йилнинг ҳар ойида камида бир марта.
B. Йилнинг ҳар чорагида камида бир марта.
C. Ҳар ярим йилликда бир марта.
D. Ўқув йилининг боши ва охирида.

24. “Баркамол авлод” болалар марказларининг намунавий штат
тузилмасига кўра қайси марказларга Ахборот-ресурс мутахассиси штати
берилмаган?

- A. “Баркамол авлод” туман (шаҳар) болалар марказларига.
B. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят “Баркамол
авлод” болалар марказларига.
C. Республика “Баркамол авлод” болалар марказларига.
D. Барча “Баркамол авлод” болалар марказларига берилган.

25. “Баркамол авлод” болалар марказлари ўз уставини қандай ҳужжат асосида ишлаб чиқади?

А. Ўзи жойлашган ҳудуднинг маҳаллий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда.

В. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий устави асосида

С. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги намунавий Низоми асосида.

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомга асосан.

26. “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқув йили қачон бошланиб, қачон якунланади?

А. 2 сентябрда бошланиб 30 майда якунланади.

В. 5 сентябрда бошланиб 25 майда якунланади.

С. 15 сентябрда бошланиб 30 майда якунланади.

Д. 15 сентябрда бошланиб 25 майда якунланади.

27. “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом қачон тасдиқланган?

А. 2012 йил март ойида.

В. 2012 йил август ойида.

С. 2011 йил август ойида.

Д. 2011 йил октябрь ойида.

28. “Баркамол авлод” болалар марказларида тўғарак машғулотларининг ташкил этилиши учун ҳафтада неча академик соат ажратилади?

А. 5 академик соат.

В. 6 академик соат.

С. 12 академик соат.

Д. 18 академик соат.

29. “Баркамол авлод” болалар марказлари ўзи фаолият кўрсатаётган ҳудуднинг хусусияти, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга қаратилган қандай йўналишларни ўз ичига олган ҳолда фаолият кўрсатади?

А. Техник ва бадиий ижодиёт.

В. Ўлкашунослик ва экология.

С. Спорт соғломлаштириш

Д. А ва В.

Е. А, В, С.

30. “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ким томонидан тасдиқланган?

А. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан.

В. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Адлия вазирликлари томонидан.

С. Ўзбекистон Республикаси Молия ва Халқ таълими вазирлиги томонидан.

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

31. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 мартдаги 69-сонли буйруғи нима тўғрисида?

А. Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

В. Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида.

С. “Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий Уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Д. “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган тўғараклар ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида.

32. “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак раҳбарларининг ҳафталик иш юкламаси неча соатни ташкил этади?

А. 5 соатни. В. 6 соатни. С. 12 соатни. Д. 18 соатни.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нечанчи сонли қарори билан “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқувчиларга қўшимча таълим олганлиги тўғрисида намунавий шаклдаги гувоҳнома тасдиқланган?

А. 183-сонли. В. 130-сонли. С. 50-сонли. Д. 39-сонли.

34. “Баркамол авлод” болалар марказлари учун тўғарак ўқув дастурлари қандай тартибда амалиётга жорий қилинади?

А. Республика илмий методик кенгаши қарори билан.

В. Республика таълим маркази буйруғи билан.

С. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг буйруғи билан.

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан.

35. “Баркамол авлод” болалар марказларида кимлар таълим жараёнининг иштирокчилари ҳисобланади?

А. Тўғарак аъзолари.

В. Педагог ходимлар.

С. Ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар).

Д. А, В, С. Е. А ва С.

36. “Баркамол авлод” болалар марказларида жорий ой учун болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўлови қайси санагача тўланиши лозим?

А. Мазкур ойнинг 10 санасидан кечикмасдан.

В. Мазкур ойнинг 30 санасидан кечикмасдан.

С. Кейинги ойнинг 25 санасигача.

Д. Кейинги ойнинг 15 санасигача.

37. “Баркамол авлод” болалар марказларида фаолият кўрсатаётган тўғараклар машғулотларига зарур бўлган хом-ашёлар рўйхати қачон ва ким томонидан тасдиқланган?

А. 2012 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

В. 2012 йил майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

С. 2011 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан.

Д. 2012 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан.

38. “Баркамол авлод” болалар марказларида 6 ёшли болалар учун олиб бориладиган тўгарак машғулотлари вақти неча дақиқа этиб белгиланган ва у ҳафтада неча академик соатдан ошмаслиги лозим?

А. 45 дақиқа, 6 академик соатдан.

В. 40 дақиқа, 4 академик соатдан.

С. 35 дақиқа, 2 академик соатдан.

Д. 6 ёшли болалар учун алоҳида вақт белгиланмаган.

39. Қуйидаги жавоблардан қайси бирида “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган Халқ амалий безак санъати туркумига кирувчи тўгараклар тўғри келтирилган?

А. Ёш мусаввир, Ёш архитектор, Фольклор, Юмшоқ ўйинчоқлар.

В. Заргарлик, Гилямдўзлик, Майда пластика, Ёш мусаввир.

С. Кулолчилик, Моҳир қўллар, Дурадгорлик, Қўғирчоқ театри.

Д. Кандакорлик, Дурадгорлик, Ёш архитектор, Дўппидўзлик.

40. “Баркамол авлод” болалар марказларида тўгарак машғулотлари жадвали нимага асосланиб тузилади?

А. Тўгарак раҳбарлари учун қулай тартибда, уларнинг бўш вақтларига қараб, санитария-гигиена нормалари инобатга олинган ҳолда педагогик ходимларнинг тақдимномасига кўра маъмурият томонидан тузилади.

В. Тўгарак раҳбарлари ва директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари учун қулай тартибда, уларнинг бўш вақтларига қараб, санитария-гигиена нормалари инобатга олинган ҳолда педагогик ходимларнинг тақдимномасига кўра маъмурият томонидан тузилади.

С. Тўгарак аъзолари учун қулай тартибда, уларнинг ёши, руҳий-физиологик ҳолати ҳамда санитария-гигиена нормалари инобатга олинган ҳолда педагогик ходимларнинг тақдимномасига кўра маъмурият томонидан тузилади.

Д. Марказнинг тўгарак машғулотлари жадвали марказдаги хоналарнинг бўш вақтига асосланиб тузилади.

41. “Баркамол авлод” болалар марказларида ўзини-ўзи бошқаришнинг юқори органи бу – ... ҳисобланади.

А. Педагогик кенгаш.

В. Услубий кенгаш.

С. Мувофиқлаштирувчи кенгаш.

Д. Касаба уюшмаси кенгаши.

42. Қуйидаги вазифалардан қайси бири “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятига дахлдор ҳисобланади?

А. Тегишли халқ таълими органлари билан келишган ҳолда ўз йўналишлари бўйича умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган тўғараклар фаолиятига амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

В. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари билан ҳамкорликда ходимларнинг малакасини оширишни таъминлайди.

С. Ўқув йили натижалари бўйича тўғарак аъзолари билим, кўникма ва малакаларининг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини сўровномалар, семинарлар, кўрик-танловлар, мусобақалар, тестлар ва бошқа шаклларда мунтазам назорат қилиб боради.

Д. А, В, С.

Е. А ва С.

43. “Баркамол авлод” болалар марказларида кимлар тўловдан озод қилинади?

А. Ота-онаси (биттаси ёки иккаласи) I ёки II гуруҳ ногирони бўлган кам таъминланган оила болалари.

В. Ҳар бир оила аъзоси учун ҳисоблаганда ўртача ойлик даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оила болалари.

С. “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шаҳарчалари, “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси тарбия муассасалари тарбияланувчилари.

Д. А ва С.

Е. А, В, С.

44. “Баркамол авлод” болалар марказларида ҳар бир гуруҳдаги тўғарак аъзоларининг сони биринчи, иккинчи ва ундан кейинги ўқув йилларида неча нафардан кам бўлмаслиги лозим?

А. Биринчи ўқув йилида 8 нафардан, иккинчи ва ундан кейинги ўқув йилларда 10 нафардан.

В. Биринчи ўқув йилида 10 нафардан, иккинчи ва ундан кейинги ўқув йилларда 8 нафардан.

С. Биринчи ва иккинчи ўқув йилларида 10 нафардан ва ундан кейинги ўқув йилларда 8 нафардан.

Д. Барча ўқув йилларда 10 нафардан.

45. ““Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом” қачондан амалиётга жорий қилинган?

А. 2012 йил март ойида.

В. 2012 йил август ойида.

С. 2011 йил август ойида.

Д. 2011 йил октябрь ойида.

46. “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун оналар тўловининг ўз вақтида тушиши ва тўғри ҳисобланиши, ҳисоб ва ҳисобот юритилиши, шунингдек, тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ким томонидан амалга оширилади?

А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

В. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва жойлардаги халқ таълими бошқарув идоралари томонидан.

С. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан.

Д. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан.

47. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ““Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий Уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи қачон чиққан?

А. 2011 йил 5 мартда.

В. 2012 йил 11 майда.

С. 2011 йил 14 майда.

Д. 2012 йил 31 мартда.

48. “Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган Давлат талаблари асосида нечта йўналишда ва неча номдаги тўғараклар ташкил этилиши белгилаб берилган?

А. Уч йўналишда 36 номда.

В. Уч йўналишда 19 номда.

С. Тўрт йўналишда 32 номда.

Д. Икки йўналишда 29 номда.

49. “Баркамол авлод” болалар марказларида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани тайёрлаш ва топшириш Тартибига асосан “Баркамол авлод” болалар марказларида таълим олган ўқувчиларга Гувоҳнома қандай тартибда берилади?

А. Тўғарак ўқув режасини якунлаган ўқувчиларга 10 кун ичида берилади.

В. Тўғарак ўқув режасини якунлаган ўқувчиларга 2 ҳафта ичида берилади.

С. Тўғарак ўқув режасини якунлаган ўқувчиларга 1 ҳафта ичида берилади.

Д. 5–10 кун ичида гувоҳнома берилади.

50. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 29 февралдаги 54-сонли буйруғи нима тўғрисида?

А. Республика мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида.

В. “Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий Уставини тасдиқлаш тўғрисида.

С. “Баркамол авлод” болалар марказларига амалий-услубий ёрдам кўрса-тишни ташкил этиш тўғрисида.

Д. “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган тўғараклар ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида.

51. “Баркамол авлод” болалар марказларида кимлар педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин?

А. Олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларининг тегишли маълумотига ҳамда касбий тайёргарликка, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахслар.

В. Олий ва ўрта-махсус маълумотга, касбий тайёргарликка ҳамда юксак ахлоқий фазилатларга эга шахслар.

С. Тегишли олий маълумотга эга бўлмаган, аммо касбий тайёргаликка ва юксак ахлоқий фазилатларга ҳамда “Уста”, техник ва сайёҳлик соҳаси бўйича “Спорт устаси” ёки “Спорт усталигига номзод” мақомига эга бўлган шахслар.

D. А, В, С.

Е. А ва С.

52. “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра жорий ой учун тўловни тўламаган боланинг ўқиши қачон тўхтатилади?

А. Жорий ойнинг 10 санасида.

В. Жорий ойнинг 20 санасида.

С. Жорий ойнинг 25 санасида.

D. Кейинги ойнинг 10 санасида.

53. “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган Бадий нафосат туркумига кирувчи тўгараклар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Либослар дизайни, Фольклор, Юмшоқ ўйинчоқлар.

В. Заргарлик, Моҳир қўллар, Ёш мусаввир.

С. Ёш журналист ва нотик, Фольклор, Қўғирчоқ театри.

D. Дўппидўзлик, Либослар дизайни, Қўғирчоқ театри.

54. “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун оналар тўловидан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати қачон ва ким томонидан тасдиқланади?

А. Ўқув йили бошлангунга қадар “Баркамол авлод” болалар маркази раҳбарининг буйруғи билан.

В. Молиявий йил бошлангунга қадар “Баркамол авлод” болалар маркази раҳбарининг буйруғи билан.

С. Молиявий йилнинг биринчи 10 кунлигида тегишли халқ таълими бошқарув идораси раҳбари томонидан.

D. Ўқув йили бошлангуга қадар “Баркамол авлод” болалар маркази раҳбари ва тегишли халқ таълими бошқарув идораси раҳбари тегишли молия органлари билан келишган ҳолда.

55. “Баркамол авлод” болалар марказларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш, педагог ходимларнинг касб маҳоратларини ва ижодий ўсишларини кўчайтириш мақсадида тузиладиган педагог ходимларни бирлаштирувчи орган – бу ... кенгаш ҳисобланади.

А. Педагогик кенгаш.

В. Услубий кенгаш.

С. Мувофиқлаштирувчи кенгаш.

D. Касаба уюшмаси кенгаши.

56. “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган тўғараклар учун ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги ўқув дастурлари қачон тасдиқланган?
 А. 2011 йил 30 августда. В. 2012 йил 30 августда.
 С. 2012 йил 15 сентябрда. D. 2012 йил 3 сентябрда.

57. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари буйруғи билан тайинланадиган ва бўшатиладиган ходимлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 А. Вилоят “Баркамол авлод” болалар маркази директори
 В. Вилоят “Баркамол авлод” болалар маркази директор ўринбосарлари.
 С. Туман (шаҳар) “Баркамол авлод” болалар маркази директорлари.
 D. А, В, С.
 E. В ва С.

58. “Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўлови бўйича қарздорлик у юзага келган кундан бошлаб қанча вақт мобайнида қопланмаса, бола белгиланган тартибда таълим олувчилар сафидан чиқарилади?
 А. 10 кун мобайнида. В. 2 ҳафта мобайнида.
 С. 25 кун мобайнида. D. 30 кун мобайнида.

59. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 30 ноябрдаги 343-сонли буйруғи нима тўғрисида?
 А. Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида.
 В. “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган тўғаракларнинг янги таҳрирдаги ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида.
 С. “Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий Уставини тасдиқлаш ҳақида.
 D. “Баркамол авлод” болалар марказларининг Педагогик ва Услубий кенгашлари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида.

60. “Баркамол авлод” болалар марказларида ҳужжатларнинг юритилиши бўйича йўриқнома қачон тасдиқланган?
 А. 2012 йил 29 февралда. В. 2014 йил 28 февралда.
 С. 2013 йил 20 февралда. D. тўғри жавоб йўқ.

С	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
Ж	D	C	A	A	A	A	B	B	B	C	D	C	B	D	B	D	C	B	B	D
С	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40
Ж	C	B	B	B	B	D	C	B	D	C	B	D	B	C	D	A	D	C	B	C
С	41	42	43	44	45	46	47	48	49	50	51	52	53	54	55	56	57	58	59	60
Ж	A	D	E	B	D	C	C	A	C	C	E	C	C	B	B	D	D	D	D	C

МАШҒУЛОТ ТАҲЛИЛИ ВАРАҚАСИ _____

20__ йил «__» _____

Машғулот жойи: _____ хона рақами: _____

Тўғаракнинг номи _____ «_____» гуруҳ

Тўғарак раҳбари _____

(Ф.И.Ш)

Тўғарак машғулотига ажратилган вақт _____ дақиқа

Тўғарак машғулоти таҳлил қилишнинг мақсади: _____

Тўғарак машғулооти тури _____

Тўғарак машғулооти журналида рўйхат бўйича ўқувчилар сони _____

Тўғарак машғулоотида қатнашган ўқувчилар сони _____

1. Машғулот ўтказиладиган хонанинг ҳолати _____

2. Тўғарак раҳбарининг машғулот ўтишга тайёргарлиги (мавзу, иш режаси, журнал)

3. Мавзуга доир кўргазмали қуроллар ва техник воситалардан фойдаланиш ҳолати

4. Мавзунинг ёритилиш даражаси _____

5. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси _____

6. Тўғарак машғулоти давомида эришилган ютуқлар _____

7. Машғулот давомидаги хато ва камчиликлар _____

8. Машғулот юзасидан таклиф ва мулоҳазалар _____

9. Машғулотни таҳлил қилувчи: _____

(Ф.И.Ш)

(ИМЗО)

10. Машғулот таҳлили билан танишдим: _____

(Ф.И.Ш)

(ИМЗО)

[illegible]

[illegible]

[illegible]

This image shows a full page of blank white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, providing a template for writing or drawing. There are no margins, text, or other markings present.

Мундарижа

Муқаддима.....	3
Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида Қонуни.....	5
Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури.....	14
Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари.....	39
“Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низом	49
Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари (ХТВ буйруғи).....	58
“Халқ таълими вазирлиги тизимидаги раҳбар ходимлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, уларни заҳирасини яратиш ҳамда вазирлик лавозимлар номенклатурасининг янги таҳрири	68
Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари	95
“Баркамол авлод” болалар марказининг намунавий устави	108
“Баркамол авлод” болалар марказларида болалар ўқиганлиги учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби	119
“Баркамол авлод” болалар марказларини жиҳозлаш меъёрлари	122
“Баркамол авлод” болалар марказлари лавозим малака тавсифлари	178
“Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этиладиган тўғаракларнинг янги таҳрирдаги ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида.....	197
“Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган тўғарак ишлари учун зарур материаллар ва хом-ашёлар рўйхати	199
“Баркамол авлод” болалар марказларининг педагогик ва услубий кенгашлари тўғрисидаги низомлар	217
“Баркамол авлод” болалар марказларида ҳужжатларнинг юритилиши бўйича Йўриқнома.....	225
“Баркамол авлод” болалар марказларида мактабдан ташқари таълим ҳақида гувоҳномани тайёрлаш ва топшириш ишларини ташкил этиш тартиби.....	235
“Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак машғулоти журналларини юритиш бўйича Йўриқнома.....	239
“Баркамол авлод” республика болалар бадиий ижодиёт маркази тавсиялари	262
“Баркамол авлод” болалар марказларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича тавсиялар....	262

“Баркамол авлод” болалар марказларининг бадий ижодиёт йўналишидаги фаолиятларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган республика ижодий гуруҳи Низоми.....	267
“Баркамол авлод” болалар марказлари педагог ходимларининг анъанавий август кенгашлари ялпи ва шўъба йиғилишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича методик тавсиялар	270
“Баркамол авлод” болалар марказларида “Мустақиллик машғулоти”ни ўтказиш юзасидан тавсия.....	276
“Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар юзасидан синов тестлари	281
Тўғарак машғулоти таҳлили варақаси.....	292
Қайдлар учун	294

